

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС МАКТАБ
МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

ИСО ЖАББОРОВ

БУЮК ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ

(Қадимий тарих саҳифалари)

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ
1999

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларида хизмат
кўрсатган фан арбоби, академик,
тарих фанлари доктори
С. К. КАМОЛОВ

Т а қ р и з ч и л а р:

ЎзФАнинг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор
К. Ш. ШОНИЁЗОВ,
тарих фанлари номзоди
Н. Н. ҲАБИБУЛЛАЕВ

Жабборов И.

Буюк Хоразмшоҳлар давлати: (Қадимий тарих саҳифалари) // Масъул муҳаррир: С. К. Камолов/. — Т.: Шарқ, 1999. — 144б.


Сарл. олдида: Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат ун-ти, Олий ва Ўрта махсус мактаб муаммолари ин-ти, Темурийлар тарихи Давлат музейи.

Қадимий даврлардан буён Ўрта Осиёда рўй берган турли хил сиёсий ва ижтимоий ҳодисалар, ўтмишда ҳар хил элатларни бириктириб этник жараёнларга сабаб бўлган қудратли давлатлар, ноёб моддий ва маънавий обидаларнинг пайдо бўлиши башариёт цивилизациясининг кўҳна марказларидан бири Хоразм билан боғлиқ. Унинг аҳолиси тарих саҳнасида қайси номда пайдо бўлмасин илк давлат яратипида ва шу асосда жаҳон маданияти хазинасини бойитишда жуда катта ҳисса қўшган ўзбек элининг муқаддас тупроғи бу.

Жасур саркарда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишлаб ёзилган ушбу рисолада бир неча минг йиллар давомида ўз қудрати ва тарихий воқеаларга бойлиги билан тарих саҳифаларини тўлдириб келган хоразмликларнинг узоқ ўтмишидан Буюк Хоразмшоҳлар давригача ривожланиб келган қадимий давлат ва унинг маданияти тарихи тўғрисида ҳикоя қилинади. Асар кўпсонли тарихий, археологик, этнографик адабиёт ва манбалар асосида ёзилиб, олий мактаб ва махсус ўқув юртлари талабалари ҳамда кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

ББК 63.3(5У)

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти,
1999.



МУҚАДДИМА

«Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади».

Ислом Каримов

Давлат ва давлатчилик. Асрлар давомида буюк му-тафаккирлар, донишманд арбоблар, оддий фуқаролар мазкур атамаларнинг моҳиятини тушунишга, уларнинг илоҳий қудрати ва зўрлиги нимада эканлигини билиш-га интилиб келганлар. Ўткир тафаккур ва теран би-лимга эга улуғ Зотлар давлат ва давлатчилик тушунча-лари доирасида турли мулоҳазалар юргизиб, ҳар хил назариялар ва фалсафий фикрлар яратганлар. Собиқ Совет Иттифоқи парчаланиб мустақил давлатлар пай-до бўлгандан сўнг, истиқлол йўлига ўтган халқлар ўзли-гини англашга ва миллий мафкура яратишга ҳаракат қилиб давлат ва давлатчилик тўғрисида турлича ўй-фикрлар ва ғоялар, ҳатто махсус концепция ва дастур-лар кашф этишга интиломқдалар.

Хўш, тарихий жиҳатдан ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур атамаларнинг чинакам моҳияти ва мазмуни нимадан иборат? Уларнинг нафақат ҳозирги даврдаги ўрнини, балки инсоният тарихида, жумладан Ўрта Осиё халқлари тарихидаги мавқеи ва аҳамиятини объектив таърифлаб бериш илмий-амалий жиҳатдан ҳам жуда зарур. Чунки Республикамиз мустақилликка эриш-гандан сўнг илмий доираларда, айниқса оммавий ахбо-рот воситаларида, газета ва журналлар саҳифаларида халқимизнинг ўзлигини англаш ва миллий ғурурини тиклаш мақсадида баъзан тарихий ҳақиқатга зид ҳолда тор миллатчилик қарашлар ҳам юзага кела бошлади. Бундай нохуш ва илмий-сиёсий жиҳатдан хато ҳам за-рарли тушунчаларга барҳам бериш учун мазкур сиёсий атамаларни илмий жиҳатдан тушуниб олиш, уларнинг тарихий илдизларини аниқлаш ниҳоятда долзарб му-аммолардан бири.

Собиқ Совет тузуми даврида ақидавийлаштирилган яккаҳоқимлик мафкура ўрнатган марксча-ленинча таъ-лимот синфий кураш назариясига асосланиб барча ил-

мий асарлар ва дарсликларда давлат ва давлатчилик тушунчаларини бир хил баҳолаб келган эди. Бу таълимотга биноан, қисқача таърифлаганда, давлат иқтисодий жиҳатдан ҳукмронлик қилувчи синфнинг манфаатини қуриқловчи ва бошқа синфларнинг қаршичилигини бос-тирувчи, халқ оммасини эксплуатация қилишга хизмат қилувчи, жамиятни бошқариб турувчи қурол сифатида пайдо бўлган сиёсий ташкилот. Мазкур таълимотга биноан давлатнинг ташкил топиш жараёни ўз армияси, полицияси (милицияси), қамоқхоналари ва ўзаро боғлиқ идоралар ва ташкилотлар мажмуи, давлатчилик эса халқ оммасини бошқарувчи ҳукмрон тизими асосида пайдо бўлган турли хилдаги мажбур қилиш муассасаларидан иборат тарихий ҳодиса сифатида юзага келган. Фалсафий нуқтаи назардан асл маънодаги давлат — ўзини кўпроқ халқдан бегоналаштирадиган, унга қарама-қарши бўлиб турадиган ва асосий вазифаси халқни ҳукмрон синфга бўйсундириб итоатгўйликда сақлашдан иборат куч, деб таърифланиб келган. Бунга зид ҳолда пайдо бўлган пролетариат диктатураси эса, гуёки, ўз моҳиятига кўра халқ манфаатларини ифодалайдиган сиёсий ташкилот. Бундай таъриф барча совет нашрларида ўз ифодасини топган эди.

Юридик энциклопедия лугатида ҳам давлатни ҳуқуқ назариясига асосланган жамиятни бошқарадиган муайян усул, сиёсий тузумнинг бош элементи, зарур бўлган тақдирда зўрлик воситасига ва қонун-қоидаларга ҳам тадбирларга таяниб бутун жамиятга тарқалган ва унинг номидан расмий равишда ташкил этилган оммавий сиёсий ҳокимият, деб таърифланади. Унда давлатни фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни бошқарувчи услуб сифатида хизмат қилувчи фуқаролик ҳуқуқ субъекти қилиб кўрсатилган.

Давлат ва ҳуқуқ тарихига оид кейинги йилларда чоп этилган адабиёт ва дарсликларда ҳам давлат тушунчасига аниқ таъриф берилмаган. Аммо унда ҳаққоний равишда қайд қилинганидек, давлат тарихи жамият тарихи билан узвий боғлиқ дейилади. Чунки давлат асли жамият яратган сиёсий ташкилот бўлиб, унга хизмат қилувчи ва бошқарувчи муҳим восита сифатида намоён бўлади. Ўзбекистонда узоқ даврларда кашф этилган тахминан уч минг йилдан ортиқ тарихга эга давлатчилик тузуми ҳам минтақада пайдо бўлган жамият тарихи билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида асосан мазкур таърифни мазмунан қайталаб, унинг халқ тилида оддий фуқаролар тушунчасидаги таърифи ҳам келтирилган. Оддий халқ тасаввурида давлат тушунчаси бойлик, мол-дунё, мол-мулк, кўчма маънода ҳам бахт, бойлик, омад деб таърифланган. Давлатчилик атамаси тўғрисида эса, давлат тузуми, давлат сифатида уюшганлик, деган таъриф берилган. Масалан, халқ орасида «давлат тугар, билим тугамас», «яхши ният — ярим давлат», «давлатинг — ота-онанг», «сиҳат-саломатлик — туман бойлик» каби мақол ва иборалар ҳозиргача сақланиб келмоқда. Бировни омади келганлигини қайд қилмоқчи бўлганда ҳам «унинг бошига давлат қуши қўнган», деган иборалар ишлатилади.

Мазкур тушунчаларни умумийлаштириб олганда давлат атамаси давлатчилик сўзига нисбатан торроқ маънода бўлиб инсоният жамияти ташкил топган даврдан бошлаб муайян тарихий бирликни ташкил қилиб, унинг нормал ривожланиши ва равнақи учун зарур қонун-қоидалар ва одат тартиботи, уларни тадбиқ қилиш механизми ва воситалари ишлаб чиқилган. Халқ тушунчаси билан сиёсий мазмундаги давлат атамасининг умумийлиги халқ фаровонлиги, унинг бойлиги, мол-мулки ва дунёсини таъминлайдиган ва кафолатлайдиган ташкилот, деб таърифлаш мумкин. Дастлабки даврларда бундай ташкилот чинакам демократик тарзда пайдо бўлиб, уруғ-қабилла томонидан сайланган жамоа манфаатларини қўриқловчи осойишталик ва фаровон ҳаёт кечиришга хизмат қиладиган восита сифатида юзага келган. Кейинчалик, жамиятда юз берган социал табақаланиш, мулкчиликнинг пайдо бўлиши, мол-мулкнинг анча қисми аҳолининг бой қисмида тўпланиши давлатни ҳукмрон табақаларга хизмат қилувчи, ҳатто айрим шахс ёки бир сулола манфаати фойдасига ишлаётган восита сифатида намоён бўлади.

Демак, давлат ва давлатчилик узоқ тарихий даврнинг маҳсули экан, уларни нафақат Ўзбекистон ёки Ўрта Осиё минтақасида, балки жаҳон тарихи билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш илмий жиҳатдан ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ваҳоланки, давлатни энг зарур сиёсий ташкилот сифатида юзага келиши антик замонларда барча қитъаларда мулкчиликнинг пайдо бўлиши ва шу асосда жамиятнинг табақаланиши оилалар, қабилалар, элат ва халқлар орасидаги муносабат-

ларини муайян тартиб-қоидалар асосида «ҳуқуқийлаштириб» бошқариш зарурати аслида ибтидоий жамиятлар пайдо бўлиши билан боғлаш тарихий ҳақиқатга тўғри келади. Чунки давлатчилик ришталари жамиятнинг дастлабки ва энг муҳим ҳужайраси оиладан бошлаб, айрим уруғ ва қабилалар ҳам элатларнинг тикланишида ҳал қилувчи ва бош омил уруғ-қабилачилик муносабатларни жамоатчилик томонидан муайян тартиб ва ёзилмаган одат қонун-қоидалар асосида юзага келганлигини инобатга олиш ниҳоятда зарур. Бундай фикрни тасдиқлайдиган тарихий-этнографик маълумотлар барча қитъаларда ҳаддан ошиқ етарли.

Агар Америка қитъасидаги ирокезлар, апачи ва ацтеклар, Ҳиндистондаги мунда ва дравидлар ёки бепоеън Евроосиё даштларида яшаган қадимий қабилавий бирикмалар ҳаёти билан ибтидоий хоразмликларнинг турмуш тарзи, жамиятни бошқаришдаги илк давлатчилик ришталарини қиёс қилсак бизнинг ўлкамизни ниҳоятда ранг-баранг тарихи жаҳон цивилизациясининг таркибий қисми бўлиб уни анча бойитганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳозиргача сақланиб келаётган ўз-ўзини бошқариш маҳаллачилик анъаналари асли ибтидоий жамоаларда ҳукмронлик қилган қишлоқ ва қўшничилик жамоалари анъаналари билан узвий боғлиқ бўлган.

Ҳар бир халқ ўзининг ўтмишини билишга интилади, бой тарихий мероси ва унутилмас саналари, буюк сиймолари ва баҳодир саркардалари билан ғурурланади. Қадимий даврлардан буён Ўрта Осиёда рўй берган турли хил сиёсий ва ижтимоий ҳодисалар, бир вақтлар Европани ларзага келтирган тарихий воқеалар, ўтмишда кўп жамиятларни тубдан ўзгаришга ва ҳар хил элатларни бириктириб этник жараёнларга сабаб бўлган қудратли давлатлар, ноёб моддий ва маънавий обидаларни пайдо бўлиши башарият маданиятининг кўҳна марказларидан бири Хоразм билан боғлиқ эканлиги илмий жиҳатдан жуда кўп тарихий-археологик асарларда исботланган.

Хоразмда ибтидоий жамоа муносабатларидан шарқона қулдорлик тузумига ўтиш даврига оид анчагина археологик ёдгорликлар мавжуд. Машҳур шарқшунос ва тарихчи олим, Ўзбекистон фанлар академияси faxрий аъзоси С. П. Толстов маълумотларига кўра, урушдан олдинги тўрт йил ичида унинг экспедицияси аъзолари аниқлаган ёдгорликлардан 400 дан ортиғи кейинги ярим асрлик тадқиқотлар туфайли ўрганилиб эра-

миздан аввалги IV минг йилликдан эрамизнинг XIV—XV асрларгача Хоразм тарихини янгича кўз билан кўриш имконини яратган эди.

Мен Хоразм воҳасида туғилиб, унинг муқаддас тупроғини ялаб, Аму сувини шимириб вояга етдим. Озми-кўпми асарлар ёзиб, тиришиб-тирмашиб олим бўлдим. Эҳтимол шунинг учундир яқинда ЮНЕСКОнинг қарори билан жаҳонда 2500 йиллиги нишонланган Хива сўзини эшитиб юрагим жизиллаб кетган эди. Бу афсоналарга чўлганган кўҳна қалъа даставвал менинг азият онам ва падари-бузрукворим туғилиб ўсган шаҳар бутун Ўрта Осиёнинг зиёратгоҳи. Мана энди Юртбошимиз фармони билан Хоразмнинг буюк фарзанди афсонавий саркарда Жалолиддин Мангуберди таваллуд муносабати билан зўр шодиёналар ўтказилмоқда. Шу туфайли асли хоразмлик бўлганлигимдан истеъдодли шоир Эркин Самандаровнинг қуйидаги жўшқин сатрларини гурур билан эслайман:

Мен туғилган воҳа шуҳратини олам билар,
Кўп замондин кўп шуаро унга ошўр битдилар.
Донғини мен ҳам жаҳонга бонг уриб айтгим келар
Хоразм фарзандиман мен, Хоразм фарзандиман...

Бундан бир неча йил муқаддам каминангиз Буюк Ипак йўли бўйлаб халқаро экспедициясида иштирок қилиш бахтига муяссар бўлган эди. Сафарга чиқишдан олдин эса кўп тарихий китобларни ва манбаъларни варақлаб чиқишга тўғри келди. Албатта ундан илгари ҳам мен Хоразм воҳаси, Хива, Кўҳна Урганч тарихи билан батафсил танишганман. Ҳатто буюк рус олими Сергей Павлович Толстовнинг машҳур археология-этнография экспедициясида иштирок этиб, нафақат Ўзбекистон, балки бугунги Туркменистон ва Қорақалпоғистон республикаларига мансуб ҳудудда олиб борилган қазилмаларда иштирок этиб, машҳур устозимни бу тупроқни севишинг, ундаги сон-саноксиз обидаларни, Хива, Кўҳна Урганч, Хазорасп каби антик шаҳарларни яратган Хоразм халқига абадул-абад хизмат қилишинг керак, деган гаплари ҳали-ҳануз қулоғимда.

Шу боисдан бўлса керак Хоразмда бўлиб антик Хиванинг бетакрор гўзал қадимий кўчаларидан ўтганимда, харобага айланган Кўҳна Урганчнинг муқаддас тупроғига қадам ташлаганимда, Беруний, ал-Хоразмий,

Абдулғози, Мунис Хоразмий, Оғаҳий, Паҳловон Маҳмуд, Феруз юрган кўчалари, таълим олган мадрасалари ва бу мадрасалар пештоқига ёзилган муқаддас оятларни кўзойнак тақиб ўқиганимда ҳаёлим мени узоқ-узоқларга олиб кетади. Ёдимга қадимий Хоразм шоҳи Ибн Маъмун подшоҳлик қилган даврида яратилган ва бугунги тил билан айтилган «академия» деб аталадиган илм маскани ҳақида ўйлаб ҳайратдан ёқамни ушлайман. Ахир, бу академияда Беруний ва Ибн Синолар илмий анжуманлар олиб боришган. Бу анжуманларда ўша даврнинг жуда кўп улуғ алломалари иштирок этган. Улар фалакиётдан тортиб тиббиётгача, ал-жабр илмининг мураккаб муаммоларидан тортиб курраизамин текисми ё юмалоқми, деган ҳатто бугун учун ҳам чигал масалалар ҳақида баҳс-мунозаралар олиб боришган.

Табиийки, турли ўйларга чўлғониб узоқ мозий тарихий саҳифаларни варақлар эканман менинг ҳам ижодий фаолиятимга бош омил бўлган ўлкам доим қалбимни тўлқинлантиради. Чунки, яна Эркин сатрлари билан айтганда:

Ватан — ажиб севимли дoston,
Унда битта варақ Хоразм.
Шаффоф нурлар эли бу бўстон
Унда битта чароғ Хоразм...
Сувим, ноним, сўнмас эҳтирос,
Ҳаётимсан, гўзал Хоразм.
Юксакларга этаман парвоз,
Қанотимсан, гўзал Хоразм.

Яқиндагина ана шундай муқаддас замин ва унинг қадим сирларини сақлаган кўркам шаҳар Хиванинг 2500 йиллик тўйини ўзбек эли зўр кўтаринкилик билан нишонлаган эди. Яширмайман, бу тантаналарга сабаб бўлган ЮНЕСКО қабул қилган қарор мени, Хоразм тупроғидан чиққан камтарин бир инсонни, бениҳоя қувонтирди, ҳаттоки, мазкур тантана менга ижодий илҳом бағишлаб, бу антик маданият ва маънавият хазинаси тарихига оид махсус илмий-оммабоп асар яратишга сабаб бўлди.

Кенг кўламда олиб борилган археологик-этнографик тадқиқотлар туфайли Орол бўйида, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида хоразмликлар маданияти ва маънавиятининг қадимий ўчоқларини аниқлаш им-

кони туғилди. Бу тадқиқотлардан маълум бўлишича, хоразмликлар маданияти илдиизи ибтидоий жамоа даврига бориб тақалади. Калтаминор маданияти эраמידан аввалги IV—III минг йилликларга, яъни неолит даврига оиддир. Улкан ҳудудда (Амударё, Ўзбойнинг кўҳна дельтаси, Сирдарёнинг қуйи оқими, Ички Қизилқумда) топилган неолит даври овчилари ҳамда балиқчилари манзилгоҳларида ягона калтаминор этник-маданий бирлигига оид қабилалар яшаган. Улар Америка индейсларига ўхшаб муайян ҳудудда ўзига хос жамоа бўлиб, махсус қонун-қоидалар ва бошқарув тизимига асосланган уруғ-қабилачилик муносабатлари ўрнатганлар. Уруғ жамоачилик муайян оқсоқоллар кенгаши томонидан бошқарилиб, одат қонун-қоидаларига қатъиян амал қилинган.

Калтаминор топилмалари Хоразмнинг қадимги аҳолисининг Қозоғистон, Сибирь, Ҳиндистон ва Эронда яшаган қабилалар билан маданий алоқаларини аниқлаш имконини беради. Масалан, милоддан аввалги III минг йилликдаги Минусинск ўлкаси қабрларида Амударё чиганоқларидан тайёрланган буюмлар, калтаминор манзилларида эса Ҳинд океани чиганоқларидан тайёрланган мунчоқлар учрайди. Бундай далиллар хоразмликларнинг ибтидоий жамиятда муайян давлатчилик шакллари орқали нафақат ички, балки ташқи социал-иқтисодий алоқалар ўрнатиш функциясини олиб борган бўлса ажаб эмас, деган фикрни уйғотади.

Тозабогёп маданияти мавжуд бўлган давр (милоддан аввалги II минг йиллик ўрталари)да ҳам шундай манзара кўзга ташланади. Бу маданият манзилгоҳи барханларда ҳамда тақирларда топилди. Бу ерда калтаминорликларни эслатувчи кремний ва мис қуроллар қолдиқлари ҳамда Сибирь ва Қозоғистоннинг бронза асрига оид идишларига ўхшаш, таги текис, нақшинкор сопол идиш парчалари топилди. Моддий маданият топилмаларига қараб тозабогёпликларни Евроосиё дашт бронза маданиятига киритиш мумкин! Суғорма деҳқончилик хусусияти эса жанубий деҳқончилик маданияти таъсирини кўрсатмоқда. Мазкур хўжаликни бошқариш ва шу асосда қабиладошлар ва уруғ аъзолари орасидаги муносабатларни тартибга солиш учун ҳам муайян қонун-қоидаларга амал қилиш, ўзаро низоларга барҳам бериш учун айрим шахс ёки жамоа кенгаши ҳокимлиги, яъни давлатчилик элементлари зарур бўлган.

Шу тариқа, икки дарё ҳавзасида унумдор текисликлар бўлган ҳамда дашт яйловлари билан ўраб олинган Амударё қуйи оқимидаги маҳаллий табиий-географик шароит Жанубий Оролбўйида шимолий ва жанубий компонентларни ўз ичига олувчи, этник жиҳатдан мураккаб аҳоли шаклланишида муҳим омил бўлди. Масалан, Кўкча-3 қабрида андронов, шарқий ўрта денгиз ва ҳинд-дравидоид ирқ турлари аниқланган. Сўнгги бронза даври амиробод манзилгоҳлари, айниқса Чирикрабод обидалари қазिशмаларида топилган қурол-аслаҳалар, отлиқ аскарларнинг (рицарлик) яроғ-аслаҳа ва кийимлари Хоразм воҳасида эрамиздан аввалги II минг йилликларда муайян ҳарбий кучга эга бошқарув тизими мавжуд эканлигини исботлаб воҳада давлатчилик ришталари теран илдиз отганлигидан далолат беради.

Агар зардуштийлик дини муқаддас китоби «Авесто»нинг яратилиши шубҳасиз бир неча асрлар давомида шаклланиб келган диний таълимот эканлигини инобатга олганда, унда тасвирланган қуддорлик тузуми ўзига хос давлатчилик билан боғлиқ бўлганлиги Зардушднинг ватани Хоразм ҳам Олд Осиёдаги қадимий давлатлар қатори энг кўҳна давлат яратган ўлка деса бўлади.

Келинг энди мазкур фикрни тасдиқлаш учун ибтидоий хоразмликлар яшаган даврдан илк давлатчилик намуналари шаклланиб, машҳур сулолалар бошқарган империялар ҳукмронлик қилган давлатлар тарихини бирма-бир варақлаб кўрайлик. Узоқ ўтмишга саёҳат қилиб, жасур тадқиқотчилар бепоён Қизилқум ва Қорақум саҳроларида, Аму ва Сирнинг қуйи оқимида кашф этган сон-саноқсиз тилсимли обидаларни текшириб ўрта асрларда жаҳонга машҳур бўлган бир неча мингйиллик Буюк Хоразмшоҳлар давлати тарихига бир назар ташлайлик.

Антик замон ва ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон цивилизациясига зўр ҳисса қўшган улуғ сиймолар, жасур саркардалар, қудратли давлат арбобларининг пайдо бўлиши учун ҳам узоқ давр шаклланиб келган ижтимоий-иқтисодий тузум зарур бўлганлигини ҳеч ким инкор қила олмайди. Бундай муҳим омиллардан бири энг қадимий замонлардан Шарқ билан Ғарбни боғлаб шарқдаги қудратли давлатлар билан ғарбдаги антик цивилизация орасидаги иқтисодий-маданий кўприк бўлиб хизмат қилиб келган Буюк Ипак йўли аслида бутун Евроосиёни ўзаро боғлаган ноёб восита эканлигини алоҳида қайд қилиш лозим.

ИБТИДОИЙ ЖАМОА ТУЗУМИ ВА ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК РИШТАЛАРИ

Мадад сўраб келдим, тош сағаналар,
Улуғ аждодларим муқаддас руҳи.
Тилсиз сукунатнинг бағрида бедор
Эшитилмас, ҳатто шамоллар уҳи.

Ойгул Суюндиқова

Маълумки, бизнинг асримиз бошларида ўзбек элатлари турар жойига қараб хоразмликлар ёки хиваликлар, бухороликлар, қўқонликлар, андижонликлар, наманганликлар, фарғоналиклар, тошкентликлар деб номланар эди. Чунки ўзбек миллати ҳали тўла шаклланмаган, миллий ўзлигини ва ҳис-туйғуларини, ҳудудий ва иқтисодий-социал бирлигини англаш даражасига кўтарилиб улгурмай дастлаб рус мустамлакаси даврида, кейин октябрь тўнтаришлари туфайли ленинча «миллий» сиёсатга таяниб туркистонликлар тупроғи бўлиниб кетиши янги мустамлакачилик мафкураси асосида сунъий равишда маъмурий жиҳатдан қайта парчаланиб юборилишига асос бўлди. Оқибатда собиқ совет республикалари ташкил этилиб, яхлит ҳудудимиз бўлиниб кетган. Аммо ўзбек, қozoқ, туркман, қирғиз, қорақалпоқ, каби туркий халқлар маъмурий жиҳатдан гўёки мустақил давлатларга бўлинсада, аслида марказлашган тоталитар тузум ҳам бошқаришга қулай тарзда парчаланган ҳолда ташкил этилиб, ўлка харитаси қайта тузилган эди. Барча туркистонликларни советлаштириш сиёсати билан ленинча мафкура байроғи остида янги мустамлакачилик амалга оширила бошлаганлиги миллий қадриятларни чеклаб, мустақилликдан маҳрум қилди. Чораккам бир аср давом этган совет мустабидлиги даврида миллий онг ва руҳ, ўзлигини англаш, юксак маънавият ва ҳис-туйғулар, ниҳоятда бой тарихимиз тор қолипга солиниб шафқатсиз топталган эди.

Ўзбек элининг бир асрдан ошиқ давр ичида дастлаб чоризм, кейин совет мустамлакачилигида бўлиб эндиликда чинакам мустақилликка эришиб, ҳақиқий ҳуррият нури ёқтирган илму маърифатга йўналган истиқлол йўлига ўтиш бутун Хоразм аҳлини ҳам нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки бутун маданий-маиший ҳаётида янги мисли кўрилмаган тараққиётга зўр замин яратиб

берди. Антик замонлардан илк давлат, ўзига хос санъат ва юксак маънавият яратган хоразмликлар Ўрта Осиё минтақасидаги жаҳонга машҳур қадимий шаҳарлардан бири — она шаҳар Хиванинг 2500 йиллик таваллудини яқиндагина зўр кайфият ва кўтаринкилик руҳда нишонладилар. Нафақат хоразмликлар, бутун ўзбек эли жуда муҳим бир воқеа ҳисоблаган мазкур тантанани баланд руҳ, жўшқинлик ва зўр ғайрат билан кутиб олган эди.

Асли Хива тантаналари ва анъаналари, Президентимиз ибораси билан айтганда, кўҳна Хоразмнинг қадимий ноёб маданият, юксак маърифат ва нафис санъатининг ўзаро узвий боғлиқ бўлганлигининг ёрқин далили эканлигини мустақиллик туфайли намоёиш қилган эди. Энг муҳими жасур саркардалар ва доно арбоблар фаолияти, халқ шоирлари ва ижодкорлари яратган ажойиб асарлар моддий ва маънавий маданият билан бевосита боғлиқ бўлган кўп қиррали санъат намуналари — монументал бадий обидалар, турли хилдаги амалий безак маҳсулотлари билан ҳам-оҳанглиги. Моҳир аجدодларимиз узоқ тарих давомида бунёд этган ажойиб обидаларнинг кўпчилиги шу кунгача етибгина қолмай, уларнинг ишлаб чиқариш анъаналари авлоддан-авлодга ўтиб истеъдодли усталар томонидан ривожланиб келган.

Асрлар оша бизгача етиб келган барча кағта-кичик тарихий обидалар, меъморий ва амалий безак санъати намуналари хоразмликларнинг социал-иқтисодий ва маиший турмушининг, маданияти ва маънавиятининг таркибий қисми сифатида маҳаллий аҳолининг ўзига хос хусусиятларини мужассамлаштирган. Санъатнинг қайси бир соҳасини олманг — бадийят ва шеъриятида, ашуласи ва рақсида, тарихий обида ё бадий амалий санъат асарларининг барчасида узоқ асрлар шаклланиб келган нафосатли Хоразм руҳи сақланган. Албатта узоқ ўтмишдан бизгача етиб келган хўжалик ва қурилиш анъаналари, бадийят ва санъат соҳалари ўзининг моҳиятини ва яратиш услубини асосан сақлаб қолган бўлсада, мазмунан ва шакл жиҳатидан давр билан ҳам-оҳанг бўлиб бир оз ўзгарган. Бунӣ, айниқса, Тупроққалъа ва Қўй-қирилганқалъа обидаларидаги топилмаларида, Кўҳна Урганч ва Хиванинг ҳар бир иморати тошида, ҳовли эшигида, уй безагида, кийим-кечагида, оддий маиший буюмлар ва хашаматли меъморчилик иншоотларида

кўриш мумкин. Шу муносабат билан мен истеъдодли хоразмлик шоир Эркин Самандаровнинг қуйидаги жўшқин мисраларини гурур билан эслайман:

Бу шаҳарми на ё бир сеҳр,
Тошларми бу, мўжизами ё,
Обидалар бағрида на сир,
Нақшларда ёнар не зиё,
Пештоқдаги ғазалми ё ранг
Нафосатнинг сеҳри эмасми?
Тошда нидо қилувчи мисра
Огаҳийнинг шеъри эмасми?

Хақиқатан ҳам Хоразм санъатининг қайси бир соҳасини олманг ўзига хос сирли чиройи ва нафосати ҳозиргача ҳар бир кишини ҳайратда қолдиради. Антик давр ёдгорликларидаги, Хива ёки Кўҳна Урганч обидаларидаги ганчкорлик, кошинкорлик, наққошлик, хат-тотлик, тоштарашлик намуналари, музейларда сақланиб келган каштачилик, мисгарлик, заргарлик ва бошқа маиший буюмларнинг афсонавий даражада уйғунлашган гўзаллик, сирли равишда ажойиб халқ оғзаки ижоди намуналари билан чатишиб ҳамоҳанг бўлиб кетиши ёрқин ифодаланган, Бундай ҳолат ўлкада осойишталик ўрнатилган давлат сиёсати оқибати деса бўлади.

Халқ ижодининг ўсиши мамлакатнинг равнақи ва фаровонлиги, мустақил давлатнинг тинч ва осойишталиги билан бевосита боғлиқ. Санъат ва маънавият элда осойишталик, тўқлик, эркин ва тинч ҳаёт бўлмаса ҳеч вақт ривожланмайди ва ўзини намоён қила олмайди. Халқ ижодининг муҳим омилларидан яна бири мамлакатда рўй бераётган улкан социал-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ. Республикамизнинг мустақилликка эришиши ўзбек элининг қадимий миллий қадриятларини қайта тиклашга ва уни янги давр талабига жавоб берадиган даражага кўтарилишига зарур имкониятлар яратиб бермоқда.

Жасур тадқиқотчиларимизнинг кўп йиллик ажойиб кашфиётлари туфайли миллий мафкура ва истиқлол ғояларига таянган ҳолда таҳлил қилиниши энг қадимий аجدодларимиз ҳаётини янгича тасвирлашга имконият туғдирди. Ва лекин бу соҳада ҳам баъзи бирёқлама субъектив мулоҳаза ва фикрларнинг пайдо бўлиши та-

рихий ҳақиқатни тўлалигича тиклашга салбий таъсир қилмоқда. Биз фаннинг сўнгги ютуқларига таяниб Хоразм воҳасида ибтидоий даврларда яшаган аجدодларимиз ҳаёт фаолияти, турмуш тарзи ва маданияти билан танишишга ҳаракат қиламиз. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки қадимий археологик топилмалар, айниқса меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари ва санъат намуналари этнографик маълумотлар билан қиёс қилиниб таҳлил этилса, улар давр талабига жавоб берадиган замонавий услубда жиддий ўрганилса узоқ ўтмишдаги жамият қиёфасини тўлиқ тасвирлаш мумкин бўлади. Чунки барча моддий буюмлар, айниқса амалий санъат намуналари ўтмиш билан ҳозирги даврни боғловчи муҳим кўприк бўлиб хизмат қилади. Мазкур кашфиётлар узоқ аجدодларимиз давлатчилиги ва маданияти, балки ҳозирги музокаралар бизнинг қадимий насл-насаб муаммоларини ва ўзбек шажараси каби мураккаб масалаларни ҳал қилишга ҳам ёрдам беради.

Кейинги ўн йилликларда ўтказилган тадқиқотларга қараганда, минтақада бир неча минг йиллар давомида чегаралари ўзгариб турган муайян тарихий-маданий ва этник бирикмалар юзага келган. Олимларнинг таърифига биноан бу бирикмалар қуйидагича: 1) ярим ўтроқ овчи балиқчи элатлар; 2) дарё қуйи оқимида ва водийларда ярим ўтроқ чорва-деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли; 3) суғорма ва баҳори ерлардаги омов деҳқончилиги билан чорвачилик хўжаликлари; 4) қуруқ иқлимли дашт ва ярим даштларда қисман деҳқончилик билан шуғулланувчи кўчманчи ва ярим кўчманчи этник гуруҳлар. Ўрта Осиёда яшаган халқларнинг пайдо бўлиши мазкур хўжалик-маданий типларнинг тарихи билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг этник хусусиятларини белгилаб берган.

Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, бу ерда ибтидоий жамият ташкил топган неолит давридаёқ (эра-миздан аввалги IV—III минг йилликлар) мазкур хўжаликлар бир жойда пайдо бўлиб, кейин бутун минтақага тарқалган. Айниқса жуда кўп топилган неолит маконлари (Хоразмдаги Калтаминор, Зарафшондаги Чинкелди, Марказий Фарғонада ва Устюртда, Жайтун ва бошқа маданиятлар) турли қабилаларнинг ўзаро боғлиқ эканлигини тасдиқлайди. Масалан, машҳур калтаминорликлар ўз маданияти билан чекланган ҳолда ҳаёт кечирмай, атрофдаги узоқ-яқин қабилалар билан до-

имо ўзаро алоқада бўлиб турганлар. Улар шимолда уралликлар, жанубда жайтунликлар ва улар орқали Каспийбўйи ва Эрон қабилалари билан алоқада бўлганликларини кўп археологик тадқиқотлар тасдиқлайди.

Энг қадимий маданият ўчоғларидан ҳисобланган Ўрта Осиё ва бепоён Евроосиё даштларида эрамиздан аввалги III минг йилликда ҳиндевропа тил туркумига оид тилларда гапирадиган жуда кўп кўчманчи қабиалар ва ўтроқ элатлар яшаган. Урал тоғларидан Ҳинд дарёсигача кенг территорияда яшаган мазкур қабила ва элатлар фақат тили жиҳатидангина эмас, ҳўжалик фаолияти, маданияти, келиб чиқиши жиҳатидан ҳам умумий бирликка эга бўлганлиги аниқланган. Бу этник гуруҳ ўша даврда ўзларини «арий» (яъни бир уруғ одамлари) деб аталган қисмлари кўшни халқлар тарихида муҳим роль ўйнаган. Дарё қирғоқларида, жумладан Аму ва Сир бўйларида яшовчи «арийлар» деҳқончилик, тош, мис ва жез қуроллар ишлаб чиқариш билан шуғулланган бўлса, кўшни кўчманчи «арийлар» чорвачилик билан шуғулланганлар. Шубҳасиз мазкур жамиятлар муайян қонун-қоидалар ва одат нормалари асосида бошқарилиб турган илк давлатчилик тузумига ва ҳарбий кучга эга бўлганлар.

Эрамиздан аввалги III минг йиллик охирларида фанда скиф-сармат, сак-массагет номи билан машҳур бўлган мазкур кўчманчи ва ярим ўтроқ қабилаларининг бир қисми Қозоғистонга, Ўрта Осиёнинг шимолӣ қисмига асосан Орол бўйига жойлашиб, ўзига хос юксак маданият яратганлар. Кейинчалик кўҳна Хоразм, Марғиёна, Сўғдиёна ва Бақтрияда яшовчи ўтроқ суғориладиган деҳқончилик билан шуғулланувчи, қадим хоразм ва сўғд тилларида гапирувчи халқлар билан яқин алоқада бўлган сак-массагетлар бутун Яқин ва Ўрта Шарқни ларзага келтириб турган. Геродот ва бошқа кўпгина қадимги юнон муаллифлари таърифлаган, буюк Фирдавсийнинг ўлмас «Шоҳнома»сида куйланган, жаҳон маданиятининг ажойиб дурдоналаридан бири «Роланд ҳақида кўшиқ» номли француз достонида тилга олинган «дашту биёбон Оссиана юртининг худога ишонмаган лаънати қабиласи» асрлар давомида машриқдан мағрибгача кўшни давлатларга ўз таъсирини ўтказиб келган. Достонда таърифланганидек:

Уларнинг ҳар бирининг сийнаси
Пўлатдан ҳам мустаҳкам
Тошдан ҳам метин эди!
Уларга на дубўлга, на совут эди даркор.
Уларнинг мардлигига ғалаба ҳам эди ёр.

Аммо бундай жанговор қабилалар иттифоқи пайдо бўлгунга қадар бу ерда, яъни мазкур дostonда тилга олинган Оссиана (Оқс дарёси бўйи) юртининг илк аж-доллари жуда кенг ҳудудга тарқалган калтаминорлик-лар тўғрисида бир оз тўхталиб ўтиш зарур. Калтаминорликлар маданияти обидалари неолит ва энеолит (эрамиздан аввалги IV—III минг йилликлар) даврига оид бўлиб, тош қуроллари шакллариининг бирлиги, сопол идишлардаги нақшларнинг ўзаро ўхшашлиги билан аж-ралиб туради.

Калтаминор маданияти жуда кенг ҳудудда яшаган қабилаларни бириктирган. Мазкур ёдгорликлар Сариқамиш ва Узбўйда, Сирдарёнинг пастки оқимида, Орол бўйларининг шимолий-шарқий қисмида, ғарбий Қозоғистонда, Марказий ва Шимолий Қизилқумда кўп топилган. Уларнинг кўпчилиги балиқчилик ва овчилик билан шуғулланувчи қабила жамоаларининг муваққат маконлари бўлган. Шунинг учун бу маконларда яшовчи қабилаларнинг турмуш тарзи тўғрисидаги маълумотлар фақат тош қуроллар ва қўлда ясалган сопол буюмларнинг парчалари асосида анча чекланган тасаввурга эгамиз.

Сариқамишнинг жанубида, Узбўй соҳилларидаги маконлар оралиғи бир неча юз метрда жойлашган бўлиб, овчилик ва балиқчилик билан тирикчилик қилганлар. Масалан, Узбўйдаги Кегенек — 22 номли калтаминор макони қадимий кўл бўйида 200 метрга чўзилган, айрим маконлар бир-биридан 300—400 метр масофада жойлашган. Эрамиздан аввалги IV—III минг йилликларда Сариқамиш ва Узбўй соҳилларида яшаган калтаминор қабилалари ярим кўчманчи турмуш тарзида асосан балиқчилик ва овчилик билан шуғулланганлар.

Калтаминор маданияти ёдгорликлари ғарбий Қозоғистоннинг кўп қисмида, Сирдарёнинг пастки оқимида, Орол бўйларининг шимолий-шарқ қисмида, Амударёнинг ўрта ва пастки оқимида, Ўзбўй ва Сариқамиш бўйларида, Марказий ва Шимолий Қизилқумда ва Қорақумнинг кўп қисмида учрайди! С. П. Толстовнинг бу

ёдгорликларни текшириш асосида яратган айрим асарлари — Ўрта Осиё ибтидоий археологиясига қўшган зўр ҳисса ҳисобланади. Чунки, Сергей Павловичнинг бу соҳадаги кўп ишлари Ўрта Осиё, Қозоғистон ва ҳатто қўшни мамлакатларнинг неолитик ёдгорликларини текширишда туртки бўлиб ҳисобланади.

Сўнгги вақтларда қилинган неолит даврига оид кашфиётлар калтаминор маданиятини ҳам территориал, ҳам хронологик жиҳатдан анча кенг тарқалганлигини кўрсатади. Бинобарин, бу ажойиб маданият устида ба-тафсил тўхтаб ўтиш зарурдир.

Калтаминорликлар яшаган даврда Хоразмнинг иқлими ибтидоий ҳаёт кечирувчи кишилар учун қулай бўлган. Амударё ва Сирдарё эса дайдиб жуда кўп кўл ва ботқоқлар, катта-кичик ўзанлар ташкил қилган эди. Сувга сероб бўлган Оқчадарё воҳасини С. П. Толстов «Ўрта Осиё Венецияси» деб атайди. Балиқчилик ва овчилик билан тирикчилик қилган калтаминорликлар ўзларининг оддий маконларини шу сон-саноксиз кўл ва ботқоқ бўйларида тиклаган. Қадимги грек ёзувчиси Страбоннинг бу ерда яшовчи қабилаларни «Ботқоқлик ва орол массагетлари» деб аташи ҳам бежиз эмас. Кўлга бой бу ўлка Зардуштнинг муқаддас китоби Авестода «Вурукарта денгизи», яъни «қирғоқсиз денгиз» номи билан машҳур. Ҳақиқатан ҳам сўнгги неолит даврида аҳолиси зич Хоразм ўзаро ўзанлар билан боғланган жуда кўп табиий сув ҳавзаларига эга бўлиб, уни «Буюк кўллар ўлкаси», деб ҳам аташ мумкин.

Калтаминор маданияти икки даврга бўлинади. Илк калтаминор маданиятига Жонбос-4, Кунак-1, Кугинак-22, 195, 198, Болаэшим-9 каби ибтидоий маконлар киради. Бу маконларда топилган сопол идишлар маҳаллий соғ тупроқдан бир оз йирик қум ва туюлган чиғаноқ аралашмасидан ясалган. Шакл жиҳатдан улар хилма-хил бўлиб, кўпинча қорни чиққан кўзага, чуқур ва кенг косага ҳамда катта чўмичга ўхшаб кетади. Идишларнинг деярли ҳаммасига нақш берилган. Берилган нақшлар жуда оддий бошоқ, синиқ чизиқ, юқоридан пастга ва горизонтал ўтказилган тўғри чизиқлар ва айрим геометрик шакллардан иборат бўлган. Нақшларнинг айрим шакллари фақат калтаминор маданиятига хос бўлиб, қисман Ўрта Осиёнинг жанубидаги илк деҳқончилик (Жайтун) маданияти, Бухоро воҳасининг катта ва кичик Туз конида ҳам шимолда

пастки Обь маконларида топилган баъзи сопол идишларнинг нақшларига ўхшаб кетади.

Илк калтаминорликларнинг иш қуроллари чақмоқтош, кварцит каби тошларнинг ҳар хил турларидан ясалган. Бу тош қуролларининг асосий хусусияти — анча архаик типда бўлганлигидир. Аммо бундай ҳолат калтаминорликлар тошни ишлашда орқада қолган, деган фикрни туғдирмаслиги керак. Чунки илк калтаминорликлар тошни ишлашдаги деярли бутун неолитик усулларни билганлар. Улар тош ва суяк қуролини оддий парчалаш ёки синдириб олиш билан бирга, унга анча аниқ шакллар берувчи икки томонлама учираш усули, пармалаш ва силлиқлаш техникасини ҳам билганлар. Бунга мазкур маконларда топилган сон-саноксиз икки томонлама ишланган япроқсимон ўқ ёй учлари, бир томонлама ўткир пичоқсимон қуроллар, ҳар хил шаклдаги қирғич ва кескич асбоблар далил бўла олади. Калтаминор усталари катта кул ранг қумтошлардан ёрғучоқ ва қармоққа бойланадиган лангарчалар ҳам ясаганлар. Топилган нарсалар орасида турли хилдаги зеб-зийнат сифатида ишлатилган чиганоклар диққатга сазовордир. Илк калтаминор даврига оид сопол идишлар ва тошдан ясалган асбоб-ускуналар бошқа бир қанча сўнгги неолит ёдгорликларида қазиб олинган нарсаларга ўхшаб кетади.

Калтаминор маданиятини сўнгги этапини характерловчи маконлар Оқчадарё дельтасини Жингалди ва Тожиқозган, Қизилқумнинг Лавлакон ва Бешбулоқ каби ҳудудларида, юқори Узбўй ва ғарбий Қозоғистоннинг айрим жойларида топиб текширилган. Бу маконларда топилган сопол идишлар ва тошдан ишланган асбоб-ускуналар илк калтаминорликларнинг анъаналарини сақлаб келганликларини кўрсатади. Аммо топилган кўп нарсалар ичида янгилик элементлари ва мукаммаллаштирилган қуроллар ҳам учрайди. Янгиликлар асосан кулолчилик буюмларига солинган нақшларда кўпроқ сезилади. Мазкур маданият учун хос нақшлар юқоридан пастга, горизонтал ва қийшиқроқ ўтказилган тароқсимон геометрик чуқурчалар ва учбурчакка ўхшаш шакллардан иборат.

Сўнгги калтаминорликларнинг тош қуроллари ҳам ўз аجدодлариникига ўхшаб кетса-да, сон жиҳатидан кўп ва юқорида айтганимиздек, анча такомиллаштирилган. Икки томонидан ретушь берилган ромбсимон

ва учбурчакка ўхшаш ўқ ёй учлари кўп топилган. Бу маданият тошдан ясалган асбоб-ускуналар ичида кўпгина катта пичоқ, найза (дротик) ва найза учлари учраши билан ажралиб туради. Найза учлари япроқ шаклига ўхшаш бўлиб, 7—10 сантиметр узунликдаги тош парчаларидан ясалган. Сўнгги калтаминорликларнинг пичоқлари ҳам тош парчаларидан ясалиб, ишлов берилган, айримларининг эса икки томони ҳам кескир бўлган. Пичоқларнинг узунлиги 8—10 см, ҳар томонлама йўниб олинган тош ўзаги (нуклеус) билан бир қаторда илк калтаминорликларникига ўхшаш ёрғучоқ, лангарча ва чиғаноқ безаклар ҳам учрайди. Айрим далиллар сўнгги калтаминор маданиятида миснинг эритиш технологиясини, оддий металл буюмларни ясашни билганлигидан дарак беради. Бешбулоқ маконида топилган мис шакллари, Иргиз маконида топилган тўрт қиррали мис бигиз бунга далил бўла олади.

Калтаминор маконларининг деярли ҳаммаси, юқорида қайд қилганимиздек, бир-биридан анча узоқдагилигига қарамасдан, моддий-маданият формаларининг бирлиги билан ҳарактерлидир. Шундай бўлса ҳам сўнгги калтаминорликлар маданиятида бирмунча ўзига хос хусусиятлар бўлган Оқчадарё, Ўзбўй ва ғарбий Қозоғистон маданиятлари алоҳида ажралиб туради. Бу маконларнинг кўп қисми эрамиздан илгариги учинчи минг йилликнинг иккинчи ярми ва иккинчи минг йилликнинг бошлари билан саналади.

Бутун калтаминор маконларидан топилган суяк қолдиқлари калтаминорликлар балиқчилик ва овчилик билан шуғулланганлигини кўрсатади. Балиқ суякларининг кўп қисми (86 фоизи) сазан, чўртон ва лаққа балиқларникидир. Илк калтаминорликларнинг хўжалигида асосий ролни балиқчилик ўйнагани туфайли, уларнинг маконлари ҳам балиққа бой сув манбаларига яқин—кўл ва дарё қирғоқларида бўлган. Суяк қолдиқлари балиқни санчқига ўхшаш қурол-қармоқ билан, топилган лангарчалар эса тўр билан тутилган деб фараз қилишга имкон беради. Калтаминорликлар қушларга, чўлда яшовчи кийик турларига ва бошқа ҳайвонларга ов қилганлар. Улар аҳён-аҳёнда ҳар хил моллюска ва қуш тухумларини ҳам истеъмол қилганлар.

Сўнгги калтаминор маконларида ўқ ёй ва найза учларининг, катта пичоқсимон қуролларининг ва йирик

сут эмизувчи ҳайвон суякларининг кўп учраши — бу даврда калтаминорликлар ҳўжалигида овчилик катта ўрин тутганлигидан дарак беради. Айрим маконларда топилган сигир ва кўй суякларининг қолдиқлари эса калтаминор маданиятининг сўнгги этапида чорвачилик пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Калтаминорликларнинг ўтроқ ҳаёт кечирганликларини тасдиқлашда Жонбос — 4 маконида топилган ибтидоий кулба қолдиқлари жуда характерлидир. Кулба конус шаклида бўлиб, катта ўқи 24 метрга, кичкина ўқи 17 метрга яқин, марказий устунларнинг баландлиги тахминан 8—10 метргача бўлиб, синчбоп ходалардан тикланган ва улар устига қамиш ёпилган. Жуфтлаштириб ўрнатилган устунлар устига қўйилган стропиллар бир-бирига жуда яқинлаштириб маҳкам боғлаб қўйилган. Маълумки бундай қурилиш усуллари Африка, Океания ва Америкада яшаган ибтидоий халқлар архитектурасида ҳам кенг тарқалган эди. Томнинг четидаги куйиб кетган материал массасининг зичлиги — кулбанинг унча баланд бўлмаган деворга таяниб турганлигини кўрсатади. Икки қатор устунлар билан ўралган тор йўлак томонинг ўртасида доимо ёниб турадиган марказий ўчоққа олиб боради. Бу ўчоқнинг диаметри бир метрга яқин бўлиб, у ярим метрли куйган қизил қум қатлами остида, оппоқ зич қалин қатламли кул ҳолида сақланиб қолган. Эшикнинг ўнг томонида, марказий ўчоқнинг орқасида эса овқат пишириш учун жуда кўп кичикроқ ўчоқлар бор. Кундалик турмуш буюмларининг кўпчилиги мана шу ўчоқлар атрофидан топилган. Кираверишда чап томонда асосий турар жой бўлими бўлиб, унда ўчоқлар, асбоб-ускуна ва буюмлар деярли йўқ. Бу кулбада тахминан 100—120 киши она уруғи тартибида яшаган. Кулбанинг катталиги ва унда кичкина-кичина ўчоқларнинг борлиги бу коллективнинг ҳўжалик жиҳатдан жуфт-жуфт оилаларга бўлина бошлаганини кўрсатади. Катта ўчоқда доимо муқаддас олов сақланиб тургани ва бу ўчоқ, С. П. Толстов фикрича, шу кулбада яшовчи уруғ жамоасининг диний маркази ҳисобланган. Жонбосқалъа ҳаробалари яқинида топилган ҳамда шу даврга оид сополдан ясалган хотин ҳайкалчаси ҳам калтаминорликларнинг эътиқодлари тўғрисида фикр юритишга имкон беради. Бу маконда яшовчи уруғдошлар жамоачилик қонун-қоидаларга амал қилиб бошқарилган.

Калтаминор маданиятига оид ёдгорликларнинг кенг территорияда тарқалишига қарамасдан, уларнинг моддий ва маънавий ўхшашлиги, этник ва тил жиҳатдан қандайдир бирлик борлигидан дарак беради. Иккинчидан, бу ҳолат калтаминорликларнинг қўшни мамлакатлар билан яқин муносабатда бўлганлигини кўрсатади. Калтаминор маконларида учрайдиган чиганоқларнинг айрим турлари бу муносабатларнинг бир учини Ҳинд океани қирғоқларига элтади.

Бинобарин, илк калтаминорликлар Ҳиндистондаги дравид ва мунда тилларидаги қабилалар билан яқиндан боғлиқ бўлган. Маълумки, бу фикр илгаридан ҳам адабиётда мавжуд. Аммо калтаминор маконларида топилган кўп нарсалар бу маданиятни жанубий Туркменистондаги (Жайтун) ва Яқин Шарқдаги, яъни Эрон ва Ироқдаги илк деҳқончилик неолитик маконлари билан анча яқинлаштириб қўяди. Бу яқинлик мазкур маконларда топилган тош асбоб-ускуналарда, сопол идишларнинг шакллари ва уларга берилган нақшларда жуда ҳам аниқ сезилади.

Юқорида кўрсатилган иқтисодий ва маданий яқинликларни фақат оддий муносабат ёки бир маданиятнинг иккинчи маданиятга таъсири деб тушунтириш билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Кейинги йилларда жанубий Туркменистонда ва Яқин Шарқда ўтказилган археологик текширишлар шуни кўрсатадики, сўнгги неолит даврига оид илк деҳқончилик маданияти маҳаллий овчи ва термачи аҳолининг ўтроқ ҳолатга ва деҳқончиликка ўтиши натижасида пайдо бўлган. Маълумки, бу даврда ҳўжаликда рўй бераётган ўзгаришлар туфайли кўп овчи қабилаларнинг шимолга кўчиш ҳаракатлари бўлиб ўтади. Демак, тўртинчи минг йилликнинг охирида Орол бўйларида янги этник гуруҳлар кўчиб борган деб фараз қилиш мумкин.

Сўнгги калтаминор маданиятининг Пастки Обь ва Кама дарёлари бўйларида, Уралда топилган неолитик маконлар билан жуда яқин муносабатда бўлганлигини кўрсатувчи далиллар кўп. Ҳатто, айрим олимларнинг таъкидлашича, калтаминорликлар Пастки Обь, Урал бўйларидаги неолит маданияти шаклланишида ҳам иштирок қилганлар. С. П. Толстов, кейинчалик атоқли археолог С. В. Кисилёв ва бошқа тадқиқотчилар Ўрта Осиё неолитининг жанубий Сибирда топилган машҳур Афанасьев маданиятига қисман таъсир қилганлигини

бир қанча марта таъкидлаганлар. Кўп далиллар калтаминор маданиятининг сўнгги, яъни энеолит (эраמידан аввалги III—II минг йилликлар) даврида ғарбий Қозоғистон билан муносабати бошқа ерларга нисбатан анча яхшиланганини кўрсатади.

Хоразм ибтидоий тарихининг кейинги даврлари ҳам калтаминор маданиятининг бевосита давоми ҳисобланади. Бу маданият босқичидан иккинчисига ўтиш жараёни Хоразм иқлимининг ўзгариши билан белгиланади. Шамолнинг асосан шимолдан нам ҳавони олиб келиши туфайли илгариги қурғоқчилик бир оз камаяди.

Бу даврда ҳўжаликда бронза, яъни жез қўлланила бошланган. Лекин Ўрта Осиёда, шу жумладан Хоразмда дастлабки даврда мис унча қаттиқ ва мустаҳкам бўлмаганлиги туфайли тош қуролларнинг ўрнини босолмаган. Бинобарин, мисдан фойдаланиш ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этишида катта ўрин эгаллаган. Шундай бўлса-да, ҳўжаликда миснинг қўлланилиши ибтидоий хоразмликларга металлни ўзлаштириш ва унга зарур ишлов бериш йўлини очиб берган эди. Бронза ихтиро қилиниши бутун ўрта осийликларнинг узоқ ўтмиши тарихида муҳим бир босқич бўлиб ибтидоий жамият ҳўжалиги, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини олға силжитишда катта аҳамиятга эга бўлди. Маълумки, бронза ишлов бериш ва ҳар хил асбоб-ускуна ҳамда қурол ясашга жуда қулай. У яна бошқа ажойиб хусусиятларга ҳам эга: мисга нисбатан анча паст температурада эрийди, қирралари ўткир ва чиройли чиқади. Шунинг учун бронза тошни турмушдан аста-секин чиқара бошлайди.

Бронза асри бошланиши билан ибтидоий кишиларнинг ҳўжалик фаолияти ва ижтимоий тузумида тубдан ўзгаришлар юз бериб, маданият нисбатан юқори поғонага кўтарилади. Бу жараён бутун инсониятга хосдир. Бронза даврида илгари ҳўжалик асосини ташкил қилган овчилик ва балиқчилик ўрнига анча самарали ҳисобланган чорвачилик биринчи ўринга кўтарилади. Деҳқончилик аста-секин ҳўжаликнинг мустақил, муҳим тармоғига айлана бошлайди. Баъзи ҳудудларда, археологларнинг исботлашича, бу даврда омов билан ишлов бериш пайдо бўлган. Дастлабки омовлар ёғочдан ясалганлиги туфайли бизларгача етиб келмаган.

Ҳўжаликнинг ривожланиши жамият тарихида энг

муҳим ҳодисалардан бири ҳисобланган биринчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимотига олиб келади. Айрим вилоятларда табиий шароитга қараб чорвачилик хўжаликнинг энг асосий етакчи тармоғига айлана бошлаган. Ва, аксинча, чорвачилик учун зарур кенг яйловларнинг етишмаслиги бошқа ҳудудларда деҳқончиликни етакчи тармоққа айлантирган. Оқибатда икки йирик хўжалик соҳаси — деҳқончилик ва чорвачилик ҳамда уларга хос маданият ташкил топади.

Мазкур жараёнда ўз навбатида яна бир муҳим ўзгариш рўй беради. Ижтимоий меҳнат тақсимоти натижа-сида аҳоли ўзини барча зарур буюмлар ва маҳсулот билан таъмин қила олмай қолади: кўчманчи чорвадорлар деҳқон меҳнати яратган маҳсулотга мухтож бўлиб қолган ва, аксинча, чорвачилик маҳсулоти ўтроқ аҳоли учун зарур эди. Бу ҳолат бир томондан кўчманчилик чорва ёки комплекс хўжаликка эга қабилалар, иккинчи томондан ўтроқ деҳқон аҳолиси орасида айрибош-лашнинг, яъни савдонинг пайдо бўлишига ва ривожланишига олиб келади.

Хўжаликнинг ривожланиши, овчиликдан ва уй ҳай-вонларини урчитишдан чорвачиликка, примитив деҳқончиликдан омов асосида такомиллашган деҳқончиликка ўтиш ижтимоий тузумда ҳам зўр ўзгаришларга олиб келди. Илгари эркак овчилик билан, аёл деҳқончилик ва таом тайёрлаш билан шуғулланган бўлса, эндиликда хўжаликнинг муҳим етакчи тармоғига айланган чорвачилик ёки деҳқончилик эркакларнинг асосий машғулотига айланади, аёллар эса фақат уй-рўзгор ишлари билан шуғуллана бошлайди. Бу ҳолат аёл ва эркакларнинг ижтимоий турмушида тутган ўрнини белгилаб беради. Хўжаликнинг асосий тармоғи эркакнинг қўлига ўтганлиги туфайли тош даврига хос матриархал, яъни она уруғи ижтимоий муносабатлари емирилиб, ўрнига патриархал, яъни ота уруғи тузуми ҳукмронлик қила бошлайди. Оқибатда жамиятни бошқариш учун давлатчиликнинг илк шакллари патриархал типигаги қишлоқ жамоаси юзага келади.

Хоразмнинг бронза маданиятини Жонбосқалъа ҳудудида ва Анқоқалъанинг шимоли-шарқида топилган маконлар, Бургутқалъа воҳасининг ғарбий чеккасида Норинжон ҳамда Тешиққалъа ҳаробалари ўртасида топилган ибтидоий ёдгорликлар тасвирлайди. Бу маконлар тақирлар устида ёки емирилган тақир қатламлари ора-

сидадир. Хоразмдаги бу даврга мансуб бўлган биринчи ёдгорликлар қумлар орасида қадимий суғорилган ерларга қарашли кимсасиз Бургутқалъа воҳасида топилган. Узоқ ўтмишда бу воҳа орқали, Пахтаарна суғориш системасига кирувчи Тозабоғёп канали ўтган. Шунинг учун ҳам бу маданият Тозабоғёп номи билан юритилди.

Тозабоғёпликлар эрамиздан аввалги икки минггачи йилда тақирликларни ўзлаштириб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Бу даврга оид маконларнинг кўпгина қисми Амударёнинг қадимги ўзани Оқчадарё бўйларида топилган. Мазкур ёдгорликларнинг ичида энг муҳими Анко-5 номли макон бўлиб, унинг майдонида узун тор эшикли тўғри бурчак шаклдаги ярим ертўла диққатга сазовордир.

Тозабоғёп маданияти қолипда босилган ва ўйилма нақшлар берилган сопол идишларнинг бўлиши, ишлаб чиқариш техникасининг оддийлиги ва майда тошлардан қилинган (микролитойд) қуролларнинг камайиб кетиши билан характерланади.

Кўкчатоғ тизмаларининг жанубида топилган Кўкча-3 номли қабристон археологларнинг диққатини ўзига жалб қилган. Бу қабристон яқинида Тозабоғёп маданиятига оид қишлоқ ҳам бўлган. Қишлоқ атрофида қадимги вақтда суғорилган далалар бўлганлигини кўрсатувчи белгилар бўлиб, улар ўша ерда ҳам деҳқончилик қилинганлигидан дарак беради. Қабристоннинг тақир қатламлари қазилганда юзга яқин гўр топилиб, унда дафн қилинган жасадларнинг бошлари ғарбга қаратиб ётқизилганлиги аниқланган. Улар якка-якка ва жуфт-жуфт қилиб кўмилган. Жуфт кўмилганлар ичида бирга ётқизилган эркак ва хотинларнинг, айниқса, болалар жасадларининг бошлари ғарбга қаратиб ётқизилганлиги аниқланган. Аммо жуфт кўмилганларнинг бири аввал, иккинчиси кейин дафн қилинган. Текширилган қабрларда жуда кўп нақшли бутун сопол идишлар, бронзадан ясалган билагузуклар, бигизлар, ўқ ёй учлари ва попуқлар топилган. Кўмилган жасадларнинг ётқизилиши ва қабрлардан топилган нарсалар тозабоғёпликларнинг диний эътиқодларини тушунишда қимматли маълумотлар беради.

Тозабоғёпликларнинг дафн қилиш маросимларини чуқур ўрганган С. П. Толстов ва М. А. Итина муҳим хулосалар қилган эдилар. Уларнинг фикрича, бу давр-

да жамият ҳали патриархал тузумга тўлиқ ўтиб етишмаган. Эр ва хотин орасидаги қариндошлик муносабатлари анча мустаҳкам, уларнинг жамиятда тутган ўрни тенг бўлган. Жиддий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жуфт кўмилганлар ичида деярли ярмиси аввал хотин киши жасади, кейин эса эркак киши дафн қилинган. Маълумки, кейинроқ патриархал қулдорлик тузумида яшаган скиф қабилалари эри ўлгандан кейин унинг хотинини қатл қилиб бирга дафн қилганлар.

Гўрлардан қазиб олинган скелетларни текширишган антрополог Т. А. Трофимова Тозабогёпликлар орасида шимоли-ғарбий ҳудудлардан келган ҳинд европа ёки эроний қабилаларининг намояндалари билан бирга жанубликлар ҳам учраганлигини қайд қилади. Бу алоқаларнинг манбалари, Кўкча-3 даги скелетларнинг антропологик хусусиятларида ўз аксини топган бўлиб, бу скелетлар орасида Андронов маданиятлари, Грузия ва Мозандароннинг неолит даври аҳолисига жуда ўхшаб кетган типлар ҳам анча аралашганлиги кўринади: умуман олганда экватор ирқининг ҳинддравидоид турлари доирасига кирувчи бу тип Эрон, Ироқ ва Шимолий Ҳиндистоннинг бронза даври обидаларида учраб туради. Археологик материаллар ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Мазкур яқинлик сиртидаги пушти ва жигар ранг ангоба ойнадек ялтиратилган сопол буюм парчаларида айниқса яққол кўзга ташланади. Бронза даври охирларига яқин Сирдарё дельтасида, Жангадарё ва Оқчадарё ҳавзасида истиқомат қилган турли этник-маданий элементлар бир-бири билан тўқнашган ва ўзаро чатишган. Мазкур этник гуруҳларнинг маданияти заминида бу райондаги сак(скиф) қабилаларнинг Кўкча денгиз маданияти деб аталган ниҳоятда ўзига хос маконлар вужудга келган. Бу маданият намояндалари бирмунча кейинги этник манбаларда Гекатей-Страбон «Ботқоқлик ва орол массагетлари» деб атаган апасиаклар ўрнини олади: апасиакларнинг, яъни «сув» ёки «дарё» сакларининг ўзлари эса македониялик Искандарнинг тарихчиси Арриандаги «скиф-абийлар» бўлса керак, деб фараз қилиш мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, антик даврда Сирдарёнинг қадимги дельтасида жойлашган қабилалар ўша вақтнинг ўзидаёқ комплекс хўжалик юргизганлар, ҳам чорвачилик (хусусан, қорамош боқиш) билан шуғул-

ланганлар, ҳам обикор деҳқончилик қилиб, тариқ, арпа экканлар. Жангадарёнинг ўрта оқимида апасиак қабилалари қадимги иттифоқ пойтахтининг улугвор ҳаробалари жойлашган бўлиб, ҳозир улар мўғуллар истилосидан кейинги ўрта асрларга оид ном билан Чирикработ ёки Чирикқалъа деб аталган. Сўнгги йилларда мазкур қалъа апасиак ёдгорликларидан Бобиш-мулла ва Баландида ўтқазилган тадқиқотлар натижасида Хоразм воҳасини ўраб олган скиф қабилаларининг турмушини ўрганишда муҳим материаллар қўлга киритилган. Бу тўғрида кейинроқ батафсил гапирамиз.

Қадимги суғорилган жойларда Жонбосқалъа районида Тозабоев маданиятига яқин Суёргон номли деҳқончилик маданияти пайдо бўлади. Суёргонликлар ёғоч устунларга ўрнатилган енгил шийпон билан ёпилган тўғри бурчакли кулбаларда истиқомат қилганлар. Ундаги ўчоқларнинг камлиги эса аввало бу даврда илгариги катта она уруғидаги оилалар ўрнига кичик ёки айрим ота уруғидаги оилалар келганлигини кўрсатиб ибтидоий Хоразмнинг жамоа тузумида катта ўзгаришлар бўй берганлигидан дарак беради. Айрим тадқиқотчиларнинг айтишича, бу ҳол ярим интенсив деҳқончилик билан бирга пода ҳайдаб чорвачилик қилиш шароитида юз берган янги хўжалик ўзгаришлари туфайли содир бўлган. Шу маданиятга оид маконларнинг бирида ўтқазилган текширишлар илк деҳқончилик ва чорвачиликка ўтган ибтидоий хоразмликлар гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда бўлиб тургани учун тез-тез бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрганини кўрсатади. Бинобарин, бу ерда ибтидоий деҳқончиликнинг Шарқий Фарғона ва Жанубий Туркманистондагидек доимий ўтроқ қишлоқлари учрамайди.

Ибтидоий суғориш деҳқончилиги билан бир қаторда қадимги хоразмликлар кайрларда, яъни дарё тармоқлари ва сунъий каналларнинг этаклари бўйлаб жойлашган, ер ости суви юқорида бўлган ерларда деҳқончилик қилганлар. Кайрларда қадимдан полиз экинлари экилиб юқори ҳосил олинган. Бундай ерларда экилган Хоразм қовунлари кўп асрлардан бери дунёга машҳур. Тарихий манбаларда бу қовунларни зардан ишланган махсус тўрларга солиб узоқ Бағдодга, араб ҳалифаларига олиб борилганлигининг хабар қилиниши бежиз эмас.

Я. Ғ. Фуломовнинг айтишича, эрамиздан олдинги

иккинчи минг йилликда Хоразмнинг бронза даври маданияти, афтидан, Копетдог этакларида топилиб текширилган илк деҳқончилик маданияти билан Шарқий Европадаги дашт бронза маданиятини бир-бирига боғловчи ҳалқа бўлиб хизмат қилади. Бошқа бир қанча олимларнинг (С. П. Толстов, А. Н. Бернштам ва А. В. Збруева) таъкидлашига қараганда Хоразм бронзаси Тянь-Шань этакларидан Кама дарёси бўйлаб то Дон дарёсигача чўзилган кенг территорияда топилган деҳқончилик ва чорвачиликка кўчган бепоён дашт (срубандронов) маданияти билан жуда яқин бўлган.

Эрамиздан аввалги XI-X асрларга мансуб ҳисобланадиган кечки Суёргон маданиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, у Суёргон ва Тозабоғёп анъаналарининг чатишмасига Қорасун маданиятининг баъзи элементлари аралашувидан вужудга келган. Маълумки, Қорасун маданиятининг маркази Минусин ўлкаси ва Олтойда бўлиб, унинг Хитой шимолий чеккасининг бронза давридаги маданияти билан яқин алоқада эканлигини археолог С. В. Киселев исботлаб берган.

Шу тариқа бронза даврида, С. П. Толстов тасдиқлашича, Амударёнинг ҳозирги ўзани шаклланиш арафасида Хоразмда — Ўрта Осиё «Улуғ кўллари»нинг аҳолиси гоят зич жойлашган ва сув чиқарилган бу музофотида, Авестодаги «Вурукаша денгиз» музофотида шимолий, жанубий ва шарқий этник-маданий элементларнинг чатишиши жараёни боради. Шу асосда ўзига хос маҳаллий тилда сўзлашган қадимги Хоразм элати — Амударё дельтасидаги буюк ирригация системасининг ижодкори бўлган халқ мазкур этник элементлар негизида вужудга келган.

Эрамиздан аввалги XIII—VIII асрлардаги ибтидоий суғоришнинг сўнгги йилларида топилган жуда кўп ва ҳар хил ёдгорликлари, Хоразмда ирригация ривожланишини дельтанинг қуриб бораётган ён ирмоғига дамба солишга асосланган квадрат шаклидаги кичик экинзорларнинг оддий «Ҳавзалари системаси»дан бошланиб, сўнгра кечки Суёргон даврига келиб уларнинг ўрнини дамба солиш йўли билан чиқарилган тақсимловчи тор каналининг суви билан суғорилган далалар олганлигидан дарак беради. Кейинги маданият даврининг бошларида дамба солинган ўзандан бир қанча параллель каналлар чиқарилган. Албатта мазкур мураккаб ҳўжаликка асослан-

ган жамиятни бошқаришда ҳам анча такомиллашган давлатчилик тузуми мавжуд бўлган.

Суёргон маданиятининг ўрнига эрамизгача бўлган биринчи минг йилликнинг бошларида, яъни илк темир даврида янги, Амиробод маданияти вужудга келади. Қўлда ясалиб, қора ва тўқ кул рангга бўялган ҳамда оғзи тўғри ва паст қилиб ишланган сопол идишлар ана шу маданият учун характерлидир.

Амирободликлар ўз аجدодларидек ёғоч устунлар қўйиб қилинган тухум шаклидаги чайлаларда эмас, балки лойдан анча мустаҳкам қилиб ишланган узун уйларда яшаганлар. Бундай уйларнинг узунлиги 70 метргача бўлиб, иккита параллель даҳлизга ўхшаган ва бир-бирига параллель бўлган иккита ҳужрадан ташкил топган. Афтидан бу даврда амирободликларнинг ижтимоий-иқтисодий турмушида ва уларнинг ибтидоий жамоа тузумида ўзгаришлар рўй берган бўлса керак. Кўп далиллар бу маданият варварлик даврининг юқори босқичида бўлганлигини кўрсатади. Аммо айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, амирободликларнинг цивилизацияга ўтишига озроқ вақт қолган бўлиб, улар бу муҳим босқичга эрамиздан аввалги VIII—VII асрларга келиб ўта бошлайдилар. Натижада Хоразм тарихида янги эра бошланади. Мазкур ўзгаришнинг энг муҳим томони жамиятнинг аста-секин табақаланиши натижасида уни бошқариш қуроли сифатида давлатчилик ришталари теран илдиз отиб ёзма қонун-қоидалар, муайян мафкура ва қуролли кучларга эга илк давлатлар пайдо бўлишига замин яратилади.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, Хоразм қадимги Шарқ цивилизациясининг шимол томонга, даставвал скиф-сарматларнинг, сўнгра эса туркларнинг дашт қабилалари оламига қараб жуда ичкари кириб борган таянч нуқтаси бўлган. С. П. Толстовнинг таърифича, Ўрта Осиёдаги бошқа цивилизация марказларининг ва улар билан чегарадош музофотларнинг тарихини дашт қабилалари тарихидан ажралган ҳолда тасаввур этиш асло мумкин эмас; бу гап айниқса Хоразмга тааллуқли эканини алоҳида таъкидламоқ зарур. Текширишлар шуни кўрсатдики, дастлаб Хоразмнинг шимоли шарқ томонида, Амударёнинг энг қадимги шарқий ўзанлари атрофида ва айниқса Сирдарё қадимги ҳавзасининг қуриб қолган тармоқлари бўйлаб жойлашган жуда кўп тарихий обидалар мавжуд бўлган.

Эрамиздан аввалги II ва I минг йилликлар оралигида мазкур ҳудудда дашт бронзаси маданиятининг намояндаси бўлган қабилалар анча зич ўрнашганлар. Бу ерда Хоразмнинг бронза даври учун характерли Тозабогёп маданиятининг бир қанча йирик маконлари топилган. Айниқса Сирдарё ҳавзасида, Жангадарё ва Оқчадарё бўйларида истиқомат қилган қабилаларнинг маданияти заминиди пайдо бўлган сак қабилаларининг Кўкчатенгиз номи билан машҳур ўзига хос маданияти диққатга сазовордир. Кейинги антик манбаларда Гекатей-Страбон «Ботқоқлик ва орол массагетлари» деб аталган юқорида тилга олинган апасиаклар ўрнида пайдо бўлган. Мазкур қабилалар ўша вақтда комплекс ҳўжалик юритганлар, ҳам чорвачилик (асосан қорамол боқиш) билан шуғулланганлар, ҳам обикор деҳқончилик қилиб, тарик ва арпа экканлар.

Юқорида тилга олинган обидалардан Жангадарёнинг ўрта оқимида апасиак қабилалари пойтахтининг улуғвор ҳаробалари жойлашган бўлиб, улар мўғуллар истилосидан кейинги даврларга оид ном билан ҳозиргача Чирикработ ёки Чирикқалъа деб аталади. Бу атама асли «қўшин работи» ёки «қўшин жойлашган қалъа» деган маънони англатади. Чирикработ қалъа ҳаробалари туҳум шаклидаги 850—600 метрли улкан истеҳком бўлиб, атрофи қўшдевор ҳалқаси ва чуқур қазилган хандак билан ўралган. Деворлар теварак-атроф сатҳидан 15 метр кўтарилган тепаликдан иборат бўлиб, унинг ясси юзасида апасиакларнинг қабила бошлиқлари ёки подшоларининг чиройли қилиб ишланган бир тўп гўртепалар ва уларнинг асосий қисми атрофида икки қадимий қаср қад кўтаради.

Мазкур қабилалар маданиятининг энг муҳим томони шаҳар архитектураси яратишда зўр санъатга эга бўлганлигида. Бу ерда кашф этилган кўҳна ҳаробалар ичида апасиакларнинг истеҳкомлари ва шаҳар қурилиш анъаналарининг ўзига хослиги диққатга сазовор. Айниқса йирик шаҳарлар планировкасида маҳаллий усталарнинг қадимги Хоразм маданиятининг ижодкорлари билан узвий боғлиқлиги аниқ сезилади. Хоразмнинг эрамиздан аввалги VII—V асрларда яратилган архаик шаҳар истеҳкомларини қуришдаги Чирикработ сингари йирик обидалар планировкасида қадимий хоразмликлар билан теварак-атрофдаги дашт қабилалари ўртасида насл-насаб жиҳатидан муштараклик

борлиги ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки айрим тадқиқотчилар ҳозиргача археологик кашфиётларга зид ҳолда дашт қабилалари билан ўтроқ аҳоли орасидаги муносабатларни мутлақо қарама-қарши маданиятлар деб таърифлаб, улар гўёки доимо тўқнашиб келганлар.

Асли Хоразмни классик антик Шарқ шаҳар маданияти яратишда намуна деса бўлади. Бу ерда эрамиздан аввалги I-минг йилликда пайдо бўлган шаҳар қурилиш санъати шундай юқори даражада бўлганки, унинг анъаналари кенг ҳудудда истиқомат қилувчи дашт қабилаларнинг турмуш тарзини ўзгаришга ва ўтроқ маданият яратишга зўр таъсир ўтказганлигини археологлар исботлаб берган. Масалан, жуда кўп апасиак қабилаларининг шаҳар қурилишида нафақат бинокорлик конструкциясида, қурилиш услуби ва материалларида ҳам антик хоразм анъаналарининг сақланганлиги аниқланган. Апасиакларнинг барча қалъаларининг деворлари архаик хоразмнинг типик бўлган тўғри тўртбурчак шаклида стандарт гиштлардан урилганлиги мазкур фикрни тасдиқлайди. Бундай хоразм хом гиштларига хос катталиқ ва мутаносибликдан ташқари, Чирикработ деворлари мисолида классик Хоразм учун хос бўлган қурилиш планировкаси ва конструкцияси батамом қайтарилганлигини кўрамиз. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, худди шу археологик услубда биз кўҳна Хива шаҳрининг 2500 йиллигини аниқлашда фойдаланган эдик.

Яна апасиак маданиятига қайтайлик. Чирикработ каби обидаларнинг деворлари классик Хоразмга хос қалинликда, ташқарига қаратилган шинакларнинг ўқсимон шаклида бўлиб, девор бўйлаб бир-биридан 25 метр оралиғида жойлашган тўғри тўртбурчакка ўхшаш шинакли буржлардан қурилган. Бундай ажойиб истеҳком иншоотнинг машҳур Жонбосқалъа шаҳар қурилишига ўхшаб кетганлиги, бу яқинлик ундаги на бурчакларда, на деворлар ёқалаб буржларнинг йўқлигида ҳамда шинакларнинг икки қаватли бўлиб шахматсимон жойлашганлигида намоён бўлади.

Чирикработ, Бобишмулла каби обидалардаги қадимий гўрларни қазишда топилган буюмлар энг ноёб ва қадимий ҳисобланади. Эски подшо гўрларида сопол идиш парчаларидан ташқари, скиф-сакларга мансуб камонларнинг бронзадан ясалган учлари, пичоқ ёки хан-

жар сопининг тилла қопламаси ва энг муҳими — ясси сопли узун қиличнинг чириган қисмлари, ҳар хил тилла ва кумуш безаклар, маржонлар, афтидан тобутнинг ёғоч парчалари, кўплаб суяклар топилган. Бу ердаги энг муҳим кашфиётлардан бири темирдан ясалган ҳарбий анжомнинг топилиши. Мазкур анжомнинг сақланган қисмлари апасиак аскарлари яроғ-аслаҳаларининг қарийб бутунлай тиклаш имконини берди. Қайта тикланган совут балиқ тангасисимон ва пластинкасимон темир парчалардан ташкил топган бўлиб, аскарнинг бутун танасини қоплаган ва вазмин бўлишига қарамай, жангда бемалол манёвр қилиш имконини берган; душман қурол совутнинг ҳар бир нуқтасида қатлам-бақатлам туриб совутни ташкил этган икки-уч танга ва пластинкага дуч келган.

С. П. Толстовнинг таърифича, мазкур совутли аскар тарихчи Арриан тасвирлаган Македониялик Искандарнинг Яксарт соҳилида скифларга қарши олиб борган жангда иштирок қилиб ҳалок бўлган. Шуниси қизиқки, бундай совутли отдаги скиф-сармат аскарларнинг тасвири нафақат антик муаллифларнинг асарларида, қадимий Ассирия ва Мидия ҳам Эрон обидаларида ясалган расмларда ҳам учрайди. Унинг фараз қилишича, Хоразмнинг антик давр охиридаги ва илк ўрта асрдаги яроғ-аслаҳалари, исломдан аввалги сўғднинг яроғ-аслаҳалари сингари, апасиакларнинг қурол аслаҳалари билан шубҳасиз, узвий боғлиқ бўлган. Бу ернинг аҳолиси бирқанча оралиқ воситалар орқали Европада ўрта асрларда мавжуд бўлган қуролланиш типи-рицарларнинг пайдо бўлишида муҳим ўрин тутгандир. Балки француз эпосида тилга олинган оссианалик ҳеч нарсадан қўрқмайдиган мард ўғлонларининг образлари апасиакларнинг жасур аждодлари бўлса.

Қазишмаларда топилган буюм ва безаклар кўп учрайдиган афсонавий тасвирлар, айрим худоларнинг образини ифодаловчи ҳайкал ва расмлар узоқ ўтмишдаги аждодларимизнинг диний эътиқодлари, урф-одатлари ва дунёқарашлари тўғрисида мулоҳаза қилишга имкон беради. Ҳар хил идишлар, ханжар ва пичоқ дасталари, билакузук ва сирғалар, тўғнағич ва тўқаларга ясалган эчки ва қўйлар, қанотли қўчқорсимон ёки отсимон маҳлуқлар, ярим илон ёки шер шаклидаги афсонавий образлар, тамға ва муҳрлардаги ҳар хил қуш ва ҳайвон-

ларнинг тасвири оддий санъат намунаси бўлибгина қолмай, балки илк дин шакллари, чунончи тотемизм билан боғлиқ тасаввурлар маҳсулидир. Асосан деҳқончилик билан шуғулланувчи ўрта осиеликлар эрамиздан олдинги III—II минг йилликларда яратган хилма-хил ҳайвон ва қушларнинг образлари (қадимги Месопотамия, Элам ва Эрондаги сингари), албатта муайян зооморф, яъни ҳайвонсимон тасвирлар мавзуига боғлиқ дунёқарашнинг аксидир.

Тарихий маълумотларга қараганда Евроосиё даштларида яшовчи аҳолисининг хўжалик, ҳарбий ва маданий ҳаётида эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарига келиб жиддий ўзгаришлар рўй беради. Табиат ўзгариши (ҳавонинг совуши) ва бошқа баъзи бир сабабларга кўра ўша даврда сон-саноқсиз дашт қабиалари ҳаракатга келган. Юқорида қайд қилинган «арийлар» номи билан маълум ҳинд-эрон жамоаси иккига бўлиниб, катта бир қисми Кавказ тоғлари устидан Олд Осиега кўчиб ўтади. Бу ерда улар маҳаллий элатларга отни парвариш этиш ва аравада жанг қилиш тактикасини ўргатиб ўзлари туб аҳоли билан аралашиб, тарих саҳнасидан йўқолиб кетганлар. Уларнинг Ўрта Осиенинг шимолида яшаган иккинчи қисми эрамиздан аввалги II минг йилликнинг иккинчи яримида жанубдаги тоғ довларидан аста-секин ошиб, шимол-ғарбий Ҳиндистон, Гўмал, Сват ва Гандҳарага кўчиб жойлашганлар. Бу «буюк кўчиш» натижасида мазкур қадимий этник гуруҳлар босиб ўтган йўлда ҳозиргача қадимий скиф қабристонлари, отлар дафн қилинган мозорлар, аравалар сурати солинган қоялар учрайди.

Ҳозиргача Шимолий Ҳиндистон аҳолиси орасида Европадаги илк ватан тўғрисида афсона ва ривоятлар сақланиб келади. Эрамиздан аввалги II ва I минг йилликлар ўртасида пайдо бўлган зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авестода ҳам ҳинд-эрон қабиаларининг илк ватанида жанубга бир неча марта кетма-кет тўлқин бўлиб кўчганлиги ҳикоя қилинади. Унда тилга олинган ўлкалар қатори Хоразм ҳам борлиги диққатга сазовор.

АНТИК МАДАНИЯТ, ШАҲАР ВА ҚАЛЪАЛАР ЯРАТГАН ДАВЛАТ

Дунё бинокори тузар қаср-айвон,
Тузиб бўлади-ю, қилади вайрон.
Фалакка етказиб бугун тоқини
Эртага этади ер билан яксон.

Паҳлавон Маҳмуд

Жаҳондаги барча илк цивилизацияларнинг пайдо бўлиши даставвал шаҳарларнинг шаклланиш жараёни ва ёзувнинг кашф этилиши билан бевосита боғлиқ. Ибтидодий жамоа тузумининг емирилиши ва унинг харобаларида куртак отиб келаётган давлатчилик ришталари ҳам асли мазкур омиллар билан белгиланади. Иккинчи томондан, ҳар бир давлатчилик ҳам ўз навбатида ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида табиийки муайян мафкурага эга бўлишга, гоёвий воситага муҳтожлик сезади. Бундай маънавий жиҳатдан энг қулай ва кенг омманинг онги ва дунёқарашини шакллантирувчи дастлабки омиллар ибтидодий жамиятда пайдо бўла бошлаган диний тасаввурлардан иборат эди. Юқорида қайд қилганимиздек, бу даврга келиб аста-секин жамиятнинг табақаланиши билан ғайритабиий кучлар ҳам табақаланиб ҳомий руҳлар ва авлиёлар, муқаддас маъбудалар образи шакллана бошлайди.

Дастлабки пайдо бўлган политеистик, яъни кўп-худолик тасаввурлар ўрнига Шарқ подшоларининг мустабид ҳокимлиги мустаҳкамланиб борган сайин монотеистик тасаввурлар юзага кела бошлайди. Энг муҳими мазкур мафкуравий жараён ёзувлар пайдо бўлиши билан одат тусидаги қоидалар қонун даражасига кўтарилиб янги тузумга хизмат қиладиган қудратли қуролга айланади. Бунга, Хоразм билан қўшни қадимий Шарқ давлатлари — Эрам, Эрон, Хитой, Ҳиндистонда ҳукмрон диний ақидалар асосида яратилган қонун-қоидаларни мисол келтириш мумкин. Агар аҳамонийлар даврида Хоразм давлати Эроннинг вассали (сатрапи) ҳисобланиб ўзига хос қонунчиликни яратибгина қолмай, қўшнилар амал қилинаётган қоидалар тизимига ҳам амал қилганлигига шубҳа йўқ. Мазкур фикрни нафақат ёзма манбаълар, археологик кашфиётлар ҳам тасдиқлайди. Бу ерда эрамиздан аввалги II-I минг йилликлар оралигида юзага келган шаҳар маданияти ва Олд Осиёга

кенг тарқалган арамей ёзуви ушбу фикримизни қўллаб-қувватлайдиган муҳим далиллар деса бўлади.

Аммо шаҳарлар пайдо бўлиши учун инсон ҳаётини таъминлайдиган қишлоқ ва чорва маҳсулотлари етказиб берадиган маданият шаклланиб, нафақат мамлакатда, балки бутун Олд ва Ўрта Осиёда меҳнат тақсимоти зарур бўлган. Бундай тақсимот асли юқорида қайд қилинган калтаминор, тозабоғёп ва жайтун маданиятлари даврида юзага келган илк деҳқончилик ва чорвачилик даври, яъни IV—III минг йилликлардан бошланганлигини унутмаслигимиз керак. Худди шундай жараён ўша энеолит даврида Месопотамия (кейинчалик Ассирия), Эрам ва Эрон давлатларида бўлганлигини ва бу мамлакатларнинг кейинги иқтисодий ва маданий равнақи халқаро савдо алоқалари билан бевосита боғлиқ эканлигини археологик маълумотлардан биламиз.

Демак, қадимий шаҳарларнинг қаср ва қалъаларнинг пайдо бўлиши даставвал минтақада, балки бутун Олд ва Ўрта Осиёда ижтимоий меҳнат тақсимоти туфайли илк деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик ҳўжаликларнинг юзага келиши билан антик давлатларнинг ички ва ташқи ўзаро савдо-сотик муносабатларининг ўрнатилиши учун ҳал қилувчи омил бўлган. Бундай муҳим тарихий ҳодиса археологик топилмалар билан тасдиқланади. Мазкур жараён жез ва темирнинг кашф этилиши билан яна ҳам равнақ топади. Асли Буюк Ипак йўлининг бошланиш ришталари ҳам мазкур жараён билан боғлиқ деса хато бўлмайди.

Тадқиқотчилар аниқлашича, масалан, Месопотамия ўша даврларда, яъни III мингинчи йилларда бирнеча савдо йўлларига эга бўлган: жанубий денгизга Тигр ва Евфрат дарёлари орқали Форс бўғозига чиқадиган йўл мис конларига ва қиммат баҳо ёғоч маҳсулотларига олиб борган; шарқий қуруқчилик билан ўтадиган йўл Эрон тоғ конларига, Афғонистоннинг симоб ва лазурит чиқадиган ҳудудига, ундан Ўрта Осиё ва Ҳиндистонгача етиб борган; вақти-вақти билан мазкур савдо алоқалари хавф-хатарга қараб ўзгариб турган. Бундан ташқари Шимолий ва ғарбий савдо йўллари мавжуд бўлиб, улар шимолда Таврия ва Кичик Осиё мис ва кумуш конларигача; ғарбда юқори Евфрот ва Тигр водийси орқали Сирия ва Финикия денгиз портларига чиқиб кемаларда ҳатто Кипр ороли ва Қора денгиз

соҳилларигача етиб борганлар. Қадим Ассирия, Бобил орқали мазкур маршрутларда Ўрта Осиё карвонлари антик даврлардаёқ ўтганлигини фараз қилиш қийин эмас. Бунга далил сифатида шарқ ўлкаларидаги бинокорлик қурилиш анъаналари айрим усуллариининг, отлиқ қуrollаниши ва рицарлик аслаҳаларнинг, баъзи санъат намуналари ва ҳунармандчилик маҳсулотларининг, айниқса, илк давлатлар чиқарган тангаларнинг ғарбда пайдо бўлиши ушбу фикримизни тасдиқлаши мумкин. С. П. Толстовнинг таърифича, Хоразмда биринчи пайдо бўлган гумбаз шаклида қурилиш услуги, скиф-сарматларнинг рицарлик қуroll-аслаҳалар ва отлиқ аскарларнинг ҳарбий тактикаси, аравали қўшин балки Олд Осиё савдо йўллари орқали ғарбга Ўрта Осиёдан етиб боргандир.

Шубҳасиз мазкур иқтисодий-маданий ўзаро таъсирлар давлатчилик масалаларида, бошқарув усуллари ва қонун-қоидачиликда ҳам ўзлаштиришлар мавжуд бўлган. Афсуски Ўрта Осиёда, жумладан Хоразмда, қадимги давлатлар пайдо бўлганлиги тўғрисида бевосита ёзма манбаълар ва бошқа ҳужжатларнинг ниҳоятда кам бўлганлиги туфайли уларнинг қонунчилигини ҳам қўшни мамлакатлардаги тизим орқали тиклаш мумкин. Албатта яхши қуrollанган аскарнинг мавжудлиги ҳам қудратли давлат мавжудлигидан дарак беради.

Эрамиздан аввалги I минг йиллик ўрталарига оид апасиақлар дафн иншоотларидан топилган темирдан ясалган ҳарбий анжом аскар танасини қоплаган ва вазмин бўлишига қарамай, жангда бемалол манёвр қилиш имконини берган. Эҳтимол Аҳамонийлар ва Македониялик Искандарнинг Ўрта Осиёга келган даврдаги мазкур анжомли аскар Дорий солномаларида ва тошга ўйилган расмларда, Искандарнинг тарихчиси Ариан асарларида тасвирланган Хоразм қўшинларидан бирidir. Арриан Искандарнинг Яксарт соҳилида скифларга қарши олиб борган жангини тасвирлар экан, ана шу аскарнинг замондоши, балки қабиладоши ёки унинг ўзи тўғрисида ҳикоя қилгандир. Бунда у македонияликларнинг ўқ отадиган машинасидан отилган найза скиф отли аскарнинг совутини тешиб ўтиб, уни отдан қулатганлигини алоҳида таъкидлайдики, афтидан бу эпизод юнонларни ҳайратда қолдирган бўлса ажаб эмас.

Яна шуниси қизиқки, Шимолий қораденгиз соҳилларидаги дафн иншоотларида топилган отлиқ аскар те-

мир анжомларининг деталлари ҳамда Ўрта Осиё жануби ва Шимолий Ҳиндистондан топилган тангалардан, кудратли давлат Кушон императорлари тасвирланган тангалардаги чирикработ анжомли аскарларга ўхшаш тасвирлар кейинги вақтларга оид бўлса-да диққатга сазовор. Бундай ҳарбий чавандозлар тасвирларининг Пантикапея ва Дура-Европосда шу даврда ва бир оз кейинроқ пайдо бўлиши ҳам тасодифий эмас. Балки сакпарфия отлиқ анжомли аскарларнинг ёппасига пайдо бўлиши ва Қарри яқинидаги жангда улар қўллаган тактика Краснинг мағлубиятга учрашига ва ҳалок бўлишига сабаб бўлгандир. Римликлар Осиё ичкарисидан ғарбий санъатнинг бундай шакллари чиқишини мутлақо кутмаган ва улар Искандарнинг Яксарт бўйидаги мағлубият сабоқларини бу вақтга келиб тамомила унутиб қўйган эдилар. С. П. Толстов ўзининг «Древний Хорезм» номли ажойиб асарида «Кангюй отлиқлари» деган бобида отлиқ аскар қурол-яроғлари ва тактикаси Хоразм воҳаси аҳолиси билан сак-массажетлар алоқа қилган бир жойдан чиққан бўлиши мумкин, деган фарзни айтган эди. Кейинчалик у Хоразмнинг антик давр охиридаги (Тупроққалъа) ва илк ўрта асрдаги яроғ-аслаҳалари, қадимий сўғднинг ҳарбий анжомлари сингари, апасиак отлиқ аскарлари яроғ-аслаҳалари билан узвий боғлиқлигини исботлаб берган. Шу асосда олимнинг фикрича, хоразмликлар давлати қўшинлари бир қанча оралиқ воситалар орқали Европада ўрта асрларда мавжуд бўлган қуролланиш типи ва тактикаси рицарликнинг пайдо бўлишида намуна бўлмаганмикан?!

Мазкур воқеаларнинг ҳаққонийлигини ва хронологик жиҳатдан ўша даврга тўғри келганлигини Беруний асарларидан ҳам аниқлаш мумкин. Энг муҳими Хоразмда илк давлатнинг пайдо бўлишини буюк аллома аниқ рақамлар билан кўрсатиб беришга интилади. Унинг таърифича, маҳаллий тарихий анъана Хоразм давлати тарихини ташқи схемасинигина беради, чунки хоразмликларнинг ўзлари бу анъанани илк ўрта асрда деб тасаввур қилганлар.

Хоразмликлар, деб ёзади Беруний, йил ҳисобини ўз мамлакатларида аҳоли жойлашган вақтдан Искандардан аввалги 980 йилдан, яъни селевкийлар эрасидан олдин (Селевк эраси Бобилни Селевк босиб олган вақтдан — эски ҳисоб билан 312 йил), яъни эрамиздан

аввалги 1292 йилдан бошлайди. Шундан кейин улар эрамиздан аввалги 1200 йиллардан бошлаб муқаддас Авесто ва қадимги Ўрта Осиё — Эрон достонларидаги «туркий салтанат»ни бўйсундирган афсонавий қаҳрамон Сиёвуш Ибн Кайковуснинг Хоразмга келган ҳамда унинг ўғли Кайхисрав гўёки хоразмшоҳлар сулоласига асос солган. Демак, Берунийнинг сўзларига қараганда, X асргача ҳукмронлик қилган буюк хоразмшоҳлар сулоласининг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги XIII аср охирларига тўғри келади. Унинг таърифича, форслардан қабул қилган йил ҳисоби «уларнинг (хоразмликларнинг) мамлакатини идора этган ва шоҳ унвонига эга бўлган Кайхисравлар сулоласидан чиққан ҳукмронлик қилган йилларга қараб» юритилган. Бу сулолага мансуб подшоҳлардан Африғ ҳукмронлигига қадар шундай бўлиб келган.

Янги сулолага номи билан асос солган шоҳ Африғ Эрон подшоси Яздигирд I сингари баджаҳл деб шуҳрат қозонган. Ривоятларга кўра, Хоразмда илк шаҳарлардан ал Фир қалъаси ортидаги улкан қасрни «Искандардан кейинги 616 йили» (эрамизнинг 305 йили) Африғ қурдирган эмиш; бу қасрни селевкийлар эрасининг 1305 йилида (эрамизнинг 997 йили) дайди Амударё ювиб кетган. Хоразмийлик сиёвушийларнинг Африғ бошлаб берган қуйи авлоди Хоразмда 995 йилга қадар ҳукмронлик қилган. Африғ қурдирган мингйиллик қасрнинг бузилиб кетиши билан африғийлар сулоласининг қулаши символик тарзда бир вақтга тўғри келиши қизиқарли ҳодиса. Беруний мазкур сулолага мансуб 22 шоҳни санаб ўтади ва 305 йилдан 995 йилгача ҳукмронлик қилган бу подшоҳлардан баъзиларининг ҳукмронлик қилгани тўғрисида маълумотлар ҳам келтиради.

Шуниси қизиқки, Беруний хронологиясига биноан илк хоразм подшоҳлари сулоласи бошланиши, яъни сиёвушийлар подшолиги давридан то африғийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланиш асрларигача бутун Хоразмда кенг ҳудудда йирик шаҳар-қалъалар ва қасрлар қуриш, катта-кичик каналлар қазиб кенг майдонларни ўзлаштириш даврига тўғри келади. Бунга машҳур Хоразм археология-этнография комплекс экспедициясининг ярим асрдан кўпроғ олиб борган самарали фаолияти туфайли қилинган қимматли кашфиётлар далил сифатида мазкур фикрни тасдиқлайди.

Келинг энди Сиёвушлар даврида бунёд этилган жа-

сур тадқиқотчиларимиз қазиб текширган қадимий антик даври обидаларга мурожаат қилайлик. Археологларнинг кўп йиллик изланишлари ва кенг ҳудудда ўнлаб қазиб текширган кўҳна харобалар эрамиздан аввалги VII—VI асрларда Хоразмда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши натижасида илгариги ибтидоий жамоа тузуми ўрнига, Шарқ мамлакатларидаги классик антик давлатлари сингари, аммо ўзига хос қудратли патриархал типидagi давлат пайдо бўлади. Янги тузум тахминан минг ярим йиллар ҳукмронлик қилиб келган.

Хоразм воҳасида ўтказилган тадқиқотлар ва мавжуд ёзма манбаларга қараганда бу ҳудудда шаҳар деб ном олган 64 та археологик обидалар аниқланган. Шулардан 32 таси тўғрисида тарихий маълумотлар сақланган, 20 тасида эса муайян қазишма ишлари олиб борилган ва улар тўғрисида ўрта аср муаллифлари асарларида ҳам қисқача маълумотлар топиш мумкин.

Амударёнинг чап қирғоғида — Туркманистондаги Тошҳовуз вилоятининг қадимги суғорилган ерларидаги юқорида тилга олинган кўҳна Чарманёп канали ҳудудидан Хоразмнинг илк қулдорлик даврига оид ёдгорликлар топилган. Мавжуд қадимий истеҳкомлар тева-рак-атрофи узун кетган халқоб сувли ботқоқликлардан иборат табиий баландликларга қурилган. Бу антик шаҳар харобалари тарихда Қалъалиқир ва Кўзалиқир номи билан машҳур.

Кўзалиқир ўзи ишғол қилган табиий баландликнинг шаклига мувофиқ сатҳи 1000х400 метр келади-ган учбурчакдан иборатдир. Текшираётган кўҳна харобалардан энг қадимийси ҳисобланган бу ёдгорликда икки қурилиш қатламининг топилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қуйи қатламининг (янги эрадан аввалги VII—V асрлар) қурилиш техникаси классик Хоразмнинг қурилиш техникасидан кескин суратда ажралиб турувчи бир талай хусусиятларга эга. Чунончи, хом гишт стандарти бу ерда тамомла бошқача, классик давр учун характерли бўлган ўчоқ ўрнида икки хонали ўчоқ-печни кўрамиз; ясси бостирмалар кўп бўлиб, гумбазлар учрамайди. Агар бунга керамиканинг архаик характерга эга эканини ҳамда сопқонда отиладиган тошлар мутлақо бўлмагани ҳолда, скифларнинг бронзадан ясалган камон ўқларининг ниҳоятда кўплигини, шунингдек, чорва состави ҳам бошқача эканини (эрамиз-

дан аввалги IV асрдан бошлаб Хоразмнинг чорвачилик хўжалигида қўй ва эчкилар етакчи ролни ўйнаган бўлса, бу даврда қорамол, от ва туялар кўпчилиқни ташкил этади) бирга қўшиб ҳисобласак, қадимги Хоразм кўз ўнгимизда бир талай ўзига хос хусусиятлари билан намоён бўлади. Кўзалиқирнинг юқори қурилиш қатлами шу билан характерлики, илгариги тўғри тўрт бурчак (ўлчами 52х26х10 см.) гишт ўрнига янги, бутун антик Хоразмга хос квадрат (40х40х10 см.) шаклдаги гиштга ўтиш жараёни шу даврда тугалланади. Архитектура жиҳатдан эса юқори қатлам классик Кангюй даври архитектурасига кўп жиҳатдан яқинлашиб кетади. Шаҳар планировкаси ажойиб хусусиятга эга: жуда қалин ва бир неча километр узунликдаги девор билан ўралган кенг майдон истиқомат белгиларидан холи бўлиб, шаҳар харобасининг деворлари қатор қилиб солинган тор йўлаксимон киши яшайдиган бинолардан иборат.

Қалъалиқир шаҳрининг шимолидаги деворга ичкаридан ёндоштириб кўп хужрали бино солинган. Текширишлар шуни кўрсатадики, бу бино дафн этиш маросими билан боғлиқ бўлиб, уни археологлар «жасадлар уйи», яъни хилхона деб атаганлар. Чунки бу бинода махсус сополдан ясалган катта қути (оссуарий)ларда киши жасадларининг суяклари сақланган. Муқаддас китоб Авестода ҳам бу шаҳарлар ҳақида кўп нарсалар ёзилган. Бу китобда афсонавий шахс Йимо (Ўрта аср дostonларида Жамшид) асос солган, «Тўрт бурчакли Вара» истехкоми Қалъалиқир ва Кўзалиқир каби шаҳарларнинг архитектураси ҳамда ўша даврдаги Хоразмнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг баъзи томонлари тасвир этилган.

Баланд ва қалин деворлар билан ўраб олинган шаҳар ичидаги кенг майдон молқўра эканлиги — хоразмликларда ўша даврларда чорвачилик устун бўлганлигини кўрсатади. Шаҳар теварагидаги суғориш иншоотларининг қолдиқлари эса ундаги яшовчиларнинг деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлигидан дарак беради. Шунга ўхшаш ёдгорликлар Фарғона водийсида ҳам топилган.

С. П. Толстов таъкидлашича олти-етти километр узунликда қатор (параллель уйларни қўшганда) қурилган бу бинода кам деганда бир неча юз киши яшаган. Унинг фикрича шаҳар ичидаги уйларнинг ижтимоий жиҳатдан унча фарқ қилмаслиги ундаги жамоанинг ҳали

анча архаик тузум-уруғ, қабила анъаналарини сақлаб келаётганлигини кўрсатади. Иккинчидан, мустаҳкам деворлар билан ўралган қалъаларда яшовчилардан ташқари чорва молларининг сақланиши — бу даврда жамоалар орасида уларнинг асосий бойлиги бўлган чорва учун ўзаро зўр курашлар бўлганлигидан дарак беради.

Авесто ва қадимги ёзувчиларнинг кўпчилик асарлари мазкур фикрни қувватлайди. Авестода Ўрта Осиёда, шу жумладан Хоразмда ҳам илк қулдорлик давридаги ижтимоий тузумни тарифловчи муҳим маълумотлар мавжуд. Унда таърифланган жамоада чорва моллари жуда кўп бўлиб, ўтроқ чорвадор ва деҳқон хўжаликларидан иборат бўлган. Чорва моллари кўп бўлган ҳарбий аристократия бошқалардан ажралиб туради. Бу эса ибтидоий жамоанинг юзаки ҳукмрон бўлишига қарамасдан унинг ичида бой ва камбағалларнинг, яъни жамиятда табақаланиш пайдо бўла бошлаганлигини кўрсатади. Хўжаликда асосий меҳнат — пода боқиш ва уни сақлаш, деҳқончилик қилиш ва ҳарбий хизматда бўлиш эркакнинг вазифаси бўлгани туфайли бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ота уруғи ҳукмрон роль ўйнаган. Аммо, ижтимоий тузумда, ота алоҳида даражада бўлса ҳам, узоқ вақтлар она ўзининг таъсирини ўтказиб келган.

Қадимги юнон ёзувлари, айниқса Милетлик Гекатей ва Страбон асарларида маҳаллий аҳоли массагет — сак ёки апасиак номи билан маълум (орол бўйи скифлари деб ҳам юритилади). Сўнгги йилларда Сирдарёнинг қадимги ўзани — Жонидарё ёдгорликларини текшириш туфайли мураккаб комплекс хўжалик — чорвачилик, деҳқончилик, балиқчилик ва овчилик билан шуғулланувчи қабилаларнинг турмуши қандай бўлганлиги аниқланди. Эрамиздан аввалги VII—VI асрларда Сирдарё воҳасида апасиак қабилаларининг ёдгорликлари, яъни археологлар кўкчаденгиз деб атаган маданият пайдо бўлади. Бу маданиятга оид жуда кўп жойларда илгариги бронза маданиятининг анъаналарини давом эттириш билан бир қаторда уларнинг хўжалик фаолиятида бир қанча ажойиб янгиликлар содир бўлганини кўрамиз. Кўкчаденгиз маданияти II асрларгача тараққий қилди.

Текширилган ёдгорликлар орасида энг ажойиб Жонидарёнинг ўрта оқимидаги дабдабали Чирикработ ёки Чирикқалъа харобаларидир. Чирикработ истехкоми

тухум шаклида ва катталиги 850—600 метр бўлиб, чор атрофи икки қатор девор билан ўралган. Деворлар ораси эса чуқур хандакдан иборат. Бу истеҳком баландлиги 15 метргача бўлган тепаликка қурилган. Қалъанинг ичидаги иморатлар жуда зич солинган. Текширишлар шуни кўрсатадики, Чирикработ эрамиздан аввалги V асрлар арафасида пайдо бўлиб, ундаги ҳаёт II асрларнинг ўрталарига келиб тугаган. Қалъа жойлашган тепаликнинг баланд қисмида топилган апасиак қабила бошлиқлари ёки шоҳларнинг мақбаралари жуда ажойиб. Мақбаралар яқинидаги номаълум кўрғон харобалари ҳам киши эътиборини жалб қилади.

Кўкчаденгиз маданиятига оид Бобишмулла, Боланди каби ёдгорликларни текшириш натижасида апасиакларнинг комплекс хўжаликка эга эканлиги яна яққол кўринади. Бу маданиятга оид сопол идишлар шакл жиҳатидан Хоразмнинг Амударё воҳаси маданиятидаги идишларидан фарқ қилади. Қурилиш ва фортификация ишлари, ҳунармандчилик апасиакларнинг ўз қули билан эмас, аксинча, Ўрта Осиёнинг жанубий ўлкаларидан олиб келинган қуллар қули билан қилинганлиги текширилган ёдгорликлардан кўриниб турибди. Аммо апасиак усталари чет элдан келтирилган қуллар бўлсада, қурилиш ва ҳунармандчиликни ўз хўжайинларининг талабига биноан хоразмликларнинг архитектура ва касб санъатига тақлид қилиб ишлаганлар.

Анчагина мақбаралар текширилганда уларда одам суякларидан ташқари бошқа ҳар хил буюмлар ҳам бўлганлиги аниқланди. Топилган нарсалар орасида ҳар хил сопол идишларнинг синиқ бўлаклари, уч қиррали скиф камон ўқлари, олтин ва кумушдан ясалган безаклар, мунчоқлар, темирдан ясалган найза учлари ва бошқа нарсалар кўп учрайди. Айрим ҳужраларда одам суякларининг куйдирилганлиги кўкчаденгизликларнинг кўмиш маросимида янги урф-одат пайдо бўлганлигидан дарак беради. Ҳатто жасадларни куйдирадиган махсус ҳужралар ҳам учрайди. Мурдани куйдириб кўмиш одатини Сенгиртом, Бобишмулла, Тагискен каби ёдгорликларда ўтказилган тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Аммо кўпчилик мақбараларда кўмилган жасадлар юқорида таърифлаган бронза даврига оид Кўкча — 3 қабристондагидай дафн қилинган. Бобишмулладаги қабрларнинг (улар 70 га яқин) бирида дафн қилинган жасад қолдиқлари билан бошқа кўп буюмлар орасида

жездан ясалган 90 та мих топилган. Эҳтимол бу михлар қабила бошлиғини кўмиш маросимида мақбара деворларига қоқилиб уларга ажойиб безаклар осилгандир. Ваҳоланки, мазкур ваҳший урф-одатлар ва ибтидоий жамоа турмушининг шакллари ижтимоий тузум негизидан рўй бераётган буюк ўзгаришларни инкор қила олмайди, албатта.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарига оид Боланди харобалари архитектура тарихи жиҳатидан жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ёдгорликнинг баландлиги 4,5 метр бўлиб, диаметри тахминан 16 метр келади. Унинг марказида бутун айланасига ғалати конструкцияли еттита тор ҳужралар билан ўралган гумбазли зал жойлашган. Ҳужралар бир-бирига пештоқлар билан туташиб туради. Мақбарага кирадиган жой ҳам гумбаз шаклида ишланган. С. П. Толстовнинг фикрича жаҳон архитектурасида гумбаз шаклидаги қурилиш биринчи марта кўҳна Ўрта Осиёнинг чўлларида пайдо бўлиб Парфияга тарқалган ҳамда у орқали, эҳтимол, қадимги Римга ҳам ўтган.

Кўкчаденгиз маданиятида кашф қилинган яна бир ажойиб нарса Чирикработ қўрғонларининг бирида топилган скиф, яъни апасиак жангчисининг темирдан ясалган суратидир. Бу совут, юқорида қайд қилинганидек, Искандар юришлари даврига оид бўлиб ҳозирги Ўрта Осиёда энг қадимги шу хилдаги темир қурол-аслаҳаларнинг нусхаларидан ҳисобланади. Қора денгиз шимолидаги қадимги мақбараларнинг бирида топилган совут қолдиқлари ва шунга ўхшаш қурол-аслаҳа кийган жангчи расми солинган тангалар Ўрта Осиёнинг жанубида ва Ҳиндистоннинг шимолида мавжуд бўлиб, Чирикработ совутига нисбатан анча кейинги даврга оиддир. Бундай совутларни тактика жиҳатидан анча кучли бўлган кўп мингли массагет жангчилари кийиб юрган. Минг йиллардан кейин ғарбий Европа мамлакатларида кенг тарқалган рицарлик қурол-аслаҳалари узоқ Орол бўйидаги дашт қабилаларидан Европа скифлари ва бошқа халқлар орқали ўтган, деб фараз қилиш мумкин.

Айрим олимларнинг айтишича, Геродот ва Страбон асарларида учрайдиган массагет қабила иттифоқига асосан қуйидаги қабилалар: хорасмийлар, апасиаклар, Хоразмнинг то Нуротагача етган жануби-шарқ чегараларида яшаган сакараваклар, Амударёнинг ўрта қисмида

ўрнашган дебиқлар, тухор ёки дохлар (Қувондарё бўйларида), осий ёки яксартлар (Сирдарёнинг ўрта оқимида) ва овғос (овғол)лар кирган. Бу ёш ва қудратли Хоразм давлати остида бириккан зўр иттифоқ анча кучли аҳамонийларнинг жаҳонда биринчи буюк давлат бўлиб танилган Кир ва Дорий монархиясига қараганда ожиз бўлиб, эрамиздан олдинги VI асрда Эронга бўйсунган ҳамда унинг XVI сатрапи (вилояти)га айланган. Асли аҳамонийлар давлати тарихи ўнлаб мамлакатлар ва халқларни ўзига бўйсундирган бутун Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё тарихи деса бўлади.

Аммо Хоразм ўз ҳукмронлигини аслида сақлаб қолган, ҳатто у аҳамонийлар империясининг давлат ишлари ва ҳарбий юришларида бевосита иштирок қилган. Геродот ажойиб қурол-аслаҳали ва зўр тактикали хорасмийлар, сакараваклар, суғдлар, бактрияликлар билан бирга эрамиздан аввалги 480 йилда Ксеркснинг Элладага қилган юришида иштирок қилганлиги ҳақида ёзади. Аҳамонийлар ҳукмронлигидаги Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларининг ҳарбий ва давлат ишларида хоразмликлар юқори лавозимларда турганлиги маълум. Хоразмлик Артаинт Дарданелл бўйидаги Сест шаҳрининг ҳокими қилиб тайинланганлиги ва бошқа фактлар аҳамонийлар монархиясида Хоразм катта ўрин тутганини яққол кўрсатади.

Шу маънода айтиш мумкинки, Хоразмийлар давлатида ҳам Бактрия сингари эрамиздан аввалги IX—VII асрларда пайдо бўлган шаҳар маданияти заминида йирик сиёсий бирикмалар юзага келган. Авестода тилга олинган Айранам-Вайжа номли мамлакат, айрим олимларнинг фикрича, зардуштийлик таълимотининг ватани бўлибгина қолмай шу асосда тузилган қонун-қоидалар тизимига эга бўлган давлатчилик ташкил топган Хоразм ҳисобланади. Масалан, шарқшунос И. Маркварт Айранам-Вайжа аҳамонийларгача Кирни тор-мор қилган марказий Хоразм билан йирик давлат бўлган деган фикрни В. Б. Хеннинг, И. Гершевич ва С. П. Толстовлар ҳам қўлаб қувватлаганлар. Дастлабки шаҳар-қалъалар 50—60 га территорияни эгаллаб, 10—12 км деворлар билан ўралган. Аммо улар ҳали мустақам сиёсий тузумга эга бўлмаган.

Баъзи бир маълумотлар Македониялик Искандар Ўрта Осиёга келиши арафасида Хоразм бутунлай мустақил бўлганлигини кўрсатади. Дорий III нинг Ис-

кандарга қарши фожиали курашида хоразмликларнинг иштирок қилмаганлиги бежиз эмас, албатта. Хоразм ҳатто Искандарга нисбатан ҳам мустақил сиёсат юргизган. Маълумки, Хоразм шоҳи Форосмон эрамиздан аввалги 329—328 йилларнинг қишида 1500 отлиқ лашкар билан Искандарнинг резиденцияси Марокандага келади ва Искандар билан унинг ҳарбий юришларида иттифоқдош бўлишига шартнома тузади. Аммо Хоразм шоҳи аслида истилочиларга қарши курашишга тайёр эди. Тузилган шартнома аҳамонийлар ҳукмронлигининг охиригача емирилиши учун бир восита ролини ўйнаган, холос. Шунинг учун Форосмон шартнома тузилган вақтдан бир йил ўтмасданоқ, македониялик истилочиларга қарши партизанлик ҳаракатини олиб борган сўғдларнинг бошлиғи Спитаменни қўллаб-қувватлайди.

Мазкур воқеаларга қадар Ўрта Осиё халқлари тўғрисидаги илк маълумотлар эрамиздан аввалги VII—VI асрларга оид бўлиб, ўша даврда Ассирия подшоси Нин бу ерни босиб олишга муяссар бўлган. Ривоятларга кўра Нин 17 йил давомида Осиё қабилаларининг деярли барчасини ўзига бўйсундирган. Бақтрияни босиб олиш учун катта қўшин тўплаб (200 минг отлиқ ва 1600 аравали аскарлар билан) юриш қилган ва уни ўзига бўйсундирган. Ривоятлар ҳикоя қилганидек, Ассирия подшоси Семирамида (эрамиздан аввалги 810 йилдан подшолик қилган) Бақтрияга бир неча марта борган ва Ҳиндистонга юриш қилишга тайёргарлик кўрган. Бундай афсонавий ҳикоялардан ташқари асли ҳаққоний тарихий Ўрта Осиё тўғрисидаги маълумотлар эрамиздан аввалги VI асрга оид бўлиб, Эрон подшоси Кир Катта Мидия подшолигини босиб олгач Ўрта Осиёга қарши юриш бошлайди. Айрим муаллифларнинг таърифича, Кир Ўрта Осиёни забт қилгандан сўнг ўша ерда ҳалок бўлади (дербиклар билан жангда, балки массагетлар қўлида ўлдирилган). Страбоннинг ёзишига қараганда, у тирик қолган ва сакларга ўтиб кетган.

Тахтга Дорий I келгач, қилич ва олов билан ўз давлатини мустаҳкамлаб, Бақтрия, Сўғдиёна ва сакларни бўйсиндириб, улардан солиқ олиб турган. Шу билан бирга айрим маълумотларга биноан, Сўғдиёна ва саклар ўлкасида Эрон босқинчиларига қарши мунтазам равишда қўзғолонлар бўлган. Геродотнинг хабар

беришича, Дорий бутун Эрон подшолиги ҳудудидан, мамлакатни 20 қарам вилоятларга (сатрапга) бўлиб (шу жумладан Хоразм ва Сўғдиёнадан) 300 кумуш талант солиқ тўлашга мажбур қилган. Геродот, Диодор, Страбон, Помпей Трог Ўрта Осиёда исседон, сак, массагет, дан номли кўчманчи скиф қабилалари яшаганлиги тўғрисида хабар берадилар. Қабилалар умумий мулкка эга, оқсоқоллар томонидан бошқарилган. Уларнинг хабар беришича, Ўрта Осиё дарёлари водийларида ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи элатлар (Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрияда) яшаганлар, улар социал ва маданий жиҳатдан «скифлардан» анча юқори даражада турганлар. Аҳолиси суғориш деҳқончилик ва йирик иншоотларига эга бўлиб социал табақаланиш пайдо бўлган ва қабилавий задоганлар муҳим роль ўйнаган. Мустаҳкам қалъа деворли шаҳарларнинг мавжудлиги, аҳамонийлар ҳукмронлигида марказлашган давлатчилик тузумини ўрнатилиши, шаҳар атрофида қишлоқларнинг пайдо бўлиши тўғрисида маълумотларни қадимий муаллифлар хабар беради.

Эрон шоҳларининг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлиги (эрамиздан аввалги VI—IV йиллар) мустаҳкам ва барқарор бўлмаган. Хоразм ва Сўғдиёна аҳамонийлар давлатининг узоқ чеккасидаги сатрапи (вилояти) ҳисобланиб доимо нотинч бўлган. Бу ерга Эрон подшолари одатда форслардан ҳоким тайинлаб, улар ўлкада қуллар ишлатиладиган йирик ерларга эга бўлганлар. Тайинланган ҳокимдорлар сатрапияни бошқариш ва мунтазам равишда солиқ тўплаб подшоҳ ҳазинасини тўлдириш билан шуғулланганлар. Эрон шоҳлари ўзининг бошқариш сиёсатида маҳаллий задоганлар ва қабила бошлиқларига таянган ва бу ерда ҳагто эрон кўшинлари сақланган. Грек форс урушларини таърифлаган Геродот бу жангда ўз курол-аслаҳалари билан бақтрия ва сак отлиқ аскарлари иштирок қилганлигини тилга олади.

Дастлабки даврларда ўртаосиёлик, жумладан хоразмлик давлат ҳукмдорлари ўзларини яримқарам деб ҳисоблаган бўлсалар, кейинчалик мамлакат ривожланиб қулдорлик мустаҳкамланган сайин қарамликдан бутунлай озод бўлишга интилганлар. Улар ўз мустақиллиги учун бир неча марта кучли кўзғолонлар кўтариб, ўзларини Эроннинг қарами эмас, балки иттифоқдоши деб ҳисоблаганлар. Юқорида айтганимиздек, Эрон шоҳи Кир массагетлар билан курашда ҳалок бўлган. Искандар-

нинг шарқ юришлари арафасида Бақтрия вилоятини бошқариб турган Бесс Дорий III нинг узоқ қариндоши ҳисоблансада хоразмликлар билан Эрондан ажралиб чиқиш сиёсатини олиб борган. Шу мақсадда Бесс қўшинлари Искандарнинг Гавгамелдаги жангдан кейин Дорийни қатл қилинишига сабаб бўлган. Шундан сўнг Бесс ўзини аҳамонийларнинг шоҳлик унвони Артаксеркс номи билан подшо деб эълон қилади. У янги қўшин тўплаб хоразмликлар билан бирикиб грекларга қарши ватан мустақиллиги учун курашга чақиради. Ўзи форс бўлсада истилочиларга қарши кўтарилган ўртаосиёликларнинг ёрдамида, айниқса сак ва бақтриялик отлиқ аскарлар билан, яхши қуролланган ва ҳарбий жиҳатдан тартибли Искандар армиясига қарама-қарши туради. Аррианнинг хабар беришича, Ксеркс билан Элладага қарши юришда катта жасорат кўрсатган хоразм (сак) ва бақтрия отлиқ аскарлари Гавгамелда бўлган жангда ҳам грек-македонияликларни доводиратиб қўйганлар. Барча антик муаллифлар массагетларни жуда яхши қуролланган, отлиқ ва пиёда уруш тактикасини эгаллаган моҳир аскарлар деб таърифлайдилар. Улар ҳар хил ўқ-ёй, калта найза, ханжар, ўткир ойболта, ҳарбий арава, қалқон ва бошқа ҳарбий аслаҳалар билан қуролланган. Уларда туялик кавалерия ҳам бўлган (Геродот).

Манбаъларнинг таърифича, жанглarda ҳатто сак аёллари иштирок қилган ва улар ўқ-ёй отишда зўр маҳорат кўрсатганлар. Арриан, Страбон, Диодорлар Ўрта Осиё аёллари урушда эркаклардан қолишмай зўр жасорат кўрсатганлар, деб таърифлайдилар. Антик муаллифлар ўртаосиёликларда кўпсонли мустаҳкам мудофаа иншоотли шаҳар-қалъалар мавжудлиги тўғрисида ҳам хабар берадилар. Улар нафақат ҳарбий иншоотлар қуриш санъатига эга бўлибгина қолмай, балки уларда қалъаларни емирадиган ва забт қиладиган қуроллар ҳам бўлгандир, деб фараз қилинади.

Хуллас грек-македониялик қўшинларнинг босиб келиши арафасида Ўрта Осиё халқлари, айниқса Хоразм, Сўғдиёна ва Бақтрия, ниҳоятда зўр ҳарбий санъатни эгаллаган қўшинга эга ривожланган давлат тузумида бўлганлиги тарихий ҳақиқат. Ҳарбий тактика жиҳатдан отлиқ қўшин билан душман сафига ёпирилиб кириш, сохта чекиниш, пиёдаликларнинг пичоқбозлик ва найзабозлик санъати, кичик гуруҳлар билан саф тортиб жангга кириш ва душманни шиддат билан қувиб атака

қилиш каби ҳарбий усуллар сак-массагет ва сўғд аскарларига хослиги бу ерда узоқ даврлардан тартибли қўшинга эга қудратли давлатчилик тизими борлигидан далолат беради.

Аммо бор кучини тўплаб македонияликларга зарба беришга интилан Бесс янги қўшин тузушга имкони бўлмай Окс (Аму)дан ўтиб шимолга қочишга мажбур бўлади. Унинг кетидан эришган 7—8 минглик бактриялик аскарлар ҳар томонга тарқалиб кетади. Фақат унинг сафдош дўстлари сўғдлик Спитамен ва бактриялик Оксиарт қолган кичик отрядли Бесс билан бирга бўлган. Грек-македонияликлар катта жасорат кўрсатиб жўшқин Окс (Аму)ни беш-олти кунда кечиб ўтиб Бессни таъқиб қилишни давом этган. Шу мақсадда македониялик подшо катта отряд ажратган. Дарёдан ўтгандан кейин Сўғд ҳудуди ичкарасига кириб, саккиз кунлик йўлни тўрт кунда босиб ўтган Искандар Спитамен турган жойга етиб боради. Бессга қарши чиққан Спитамен ва Датаферн уни кичкина отряд билан бир қишлоқда қолдириб кетадилар. Бактрия сатрапини қувиб келган Искандарнинг лашкарбошиси Птолемей Бесс қолган қўрғонни қамал қилиб шоҳни беришни аҳолидан талаб қилган. Шаҳарликлар Птолемей қўшинларига қўрғон дарвозаларини очиб киргизадилар ва Бессни топширадилар. Бактрия ҳокимини яланғоч ҳолда бўйнига ип солиб Искандарнинг олдига олиб келадилар. Бошқа бир маълумотларга қараганда, Бессни Искандарга Спитамен ўзи топширган. Македониялик подшо уни яхши савалаб Дорий қариндошларига топширади, улар эса сотқин сатрап ҳокимини Бактрияда қўлоғини ва бошини чопиб қатл қиладилар.

Манбаълар асосида шундай хулоса қилиш мумкин. Ватанпарвар Спитамен, Датаферн каби жасур лашкарбошилар Бессдан қутилиб истилочиларга қарши Ўрта Осиё халқларининг курашига ўзлари бош бўлиш ниятида эканлиги аниқланган. Окс дарёси орқасига қочган Бесс грек-македонияликлар Амудан ўтмас, деб ўйлаган бўлса керак. Жангдан қочган Бесс ўз сафдошлари олдида бутунлай обрўсизланиб, ундан дўстлари юз ўгириб, тахтдан афдариб ташлайдилар. Бессни асир олиб қатл қилдирган македониялик греклар Ўрта Осиёнинг ичкараси томон юришни давом қилдирадилар. Аммо истилочилар бир неча марта қандайдир маҳаллий қабилалар билан тўқнашиб жанг қилганлар. Арриан ва Кур-

ций таърифича, бундай «қароқчи» варварларнинг по-
лохмон ва ўқ-ёйлар билан қуролланган 20 минглик лаш-
карлари македонияликларга ҳужум қилганлар. Яна бир
ҳикояда Искандарнинг олд отрядига қандайдир қаби-
лалардан 30 мингга яқин киши ҳужум қилиб, деярлик
истилочиларнинг кўпчилигини ўлдириб, ўзлари чекин-
ганлар. Умуман олганда, мазкур чиқишлар асли кел-
гинди босқинчиларга қарши ташкил қилинган озодлик
кураши намунаси деса бўлади. Бундай қаршиликларни
Македониялик Искандар бераҳимлик билан бостириб
Танаис (Сирдарё) томон юришини давом қилдирган.
Бу ерда саклар билан қаттиқ жанг бўлиб ва икки то-
мондан кўп қурбонлар бўлган: саклардан бир мингга
яқин киши ўлдирилган, 150 киши асирга тушган; ма-
кедонияликлар 160 киши йўқотган, мингта ярадор
бўлган.

Танаисда бўлган жангдан сўнг сак (скиф)лардан
элчилар келиб, гўёки «толончи ва қароқчи»лар томо-
нидан душманлик ҳаракатлари учун Искандардан ке-
чирим сўраганлар ва сулҳ тузишни таклиф этганлар.
Улар скиф-сармат ўлкасига ҳужум қилмасликни, акс
ҳолда македонияликлар муқаррар равишда қасосга
ҳукм бўлишларини огоҳлантирганлар. Скиф элчиси
ҳатто Искандарни нафси ёмонликда айблаб, уни «бу-
тун инсон уруғи»ни забт этиш мақсадларидан қайтиш-
ни насиҳат беришга журъат қилган. Македония под-
шоҳи скифнинг айтганларини менсимай Танаис (Сир-
дарё)дан кечиб ўтиб, оғир жангда ғолиб чиққан. Сак
қабилалари сўғдийлар ва бақтрияликлар қўзғолон-
ларига ёрдамга ҳам келгандир. Искандар «скифлар
уруши»ни ғолибона тугатиб, асирларни ҳеч қандай
тўловсиз озод қилиб юбориб, қўзғолонларни бости-
ришга киришган. Айниқса Спитамен бошчилигида
бутун Сўғдиёна, Бақтрия ва скифлар тупроғида кенг
кўламда бўлиб турган озодлик курашини қанча бе-
раҳмлик билан бостиришга интилмасин тинчителиш
анча қийин бўлган.

Манбаъларнинг хабар беришича Искандарга Хоразм-
нинг ҳокими Форосмон 1,5 минг отлиқ лашкар билан
келиб, Македония подшоси билан дўст бўлиб уни ҳар-
бий куч билан Кавказ ва Осиё юришларида ёрдам
беришни таклиф қилганлиги ўша вақтда Хоразм муста-
қил қудратли давлат эканлигини, унинг Каспий ва қора-
денгиз даштларидаги қабилалар билан савдо-сотик му-

носабатида бўлганлигини исботлайди. На Хоразм, на Яксарт (Сирдарё) дашт қабилалари Искандарга бўйсунмаганлар, аксинча у билан дўстона ва иттифоқдош бўлиш ниятида эканлигини намоиш қилганлар. Шуниси қизиқки мазкур учрашувдан маълум бўладики, Македония подшоси Хоразм шоҳига ўзининг ҳарбий юриш режаларини очиб берган. У Ҳиндистонни забт қилиб, кейин Кавказ томон қолх ва амазонка ўлкаларини босиб олишини баён этган.

Демак, илгари оламни бўйсундириб жаҳон давлатини яратишни мақсад қилиб юрган шухратпараст македониялик подшо Хоразмлик ҳукмдорга ўз сирларини очиб берган. Аммо эрамиздан аввалги бутун 328 йили Спитамен қўзғолонини бостириш билан банд бўлган Искандар ўртаосиёликларнинг озодлик учун курашини тўхтата олмаган.

Шундай қилиб, мустақиллигини сақлаб қолган қудратли Хоразм давлати сиёсий кураш майдонига чиқа бошлайди ва эрамиздан аввалги III—II асрларга келиб Ўрта Осиёни чет эл истилочиларидан озод қилишда катта роль ўйнайди.

Маълумки, эрамиздан аввалги IV асрнинг охирида Ўрта Осиёнинг жанубий ва шарқий қисми Грек-Македония империясига, кейинроқ Искандар босиб олган Осиё мамлакатларидан ташкил топган Селевкий давлатига кирган эди. Тахминан эрамиздан аввалги 250 йилга келиб, ака-ука Аршак ва Тиридат раҳбарлигидаги (жанубий Туркманистон территориясидаги) дашт қабилалари қўзғолон кўтариб селевкийлардан ажралиб чиқади ва аршакийлар сулоласи бошчилигида Парфия давлатига асос солади. Мустақил Хоразм давлати Аршакий монархияси ташкил топишида муҳим таянч бўлган, чунки у селевкийларга қарши қўзғолон кўтарган қабилаларга ҳар томонлама ёрдам берган. Бу қабилалар орасида Орол бўйидаги дайлар ҳам бўлган. Аршакийлар билан бир вақтда селевкий давлатидан ажралиб чиққан Грек-Бақтрия давлатини тахминан 140-йилларда Хоразм атрофида жипслашган массагет қабилаларининг иттифоқи босиб олади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, эрамиздан аввалги III асрнинг иккинчи ярмига келиб, Хоразм ғарбда Каспий денгизигача, шарқда эса то Мўғулистон чегарасигача бўлган кенг территорияда ўз сиёсий таъсирини ўтказа бошлайди. Хитой манбаларида «катта юечжи»

деб аталган массагетларда оғир яроқ-аслаҳа билан қуролланган отлиқ қўшинлар бўлиб, улар қўшни мамлакатларга хавф туғдириб турганлиги ёзилган.

Биринчи марта Хоразмда пайдо бўлган бундай отлиқ қўшин билан жанг қилиш тактикаси аста-секин сарматланлар орқали Шарқий Европа ундан Римга; Шарқда эса гуннларга ўтади. Эрамиздан аввалги I асрларда парфияликлар Марв темирчилари қўли билан ясалган совут кийган отлиқ қўшин билан римликларга қарши Карри яқинидаги жангда қатнашганликларини юқорида айтиб ўтган эдик. Баланд келган ҳарбий отларнинг асл зоти ўша даврларда массагетлар юрти, яъни Хоразмдан Мўғулистон, Хитой ва Жанубий Сибирга тарқала бошлаган.

Бундай муҳим тарихий воқеалар рўй бераётган бир вақтда, Ўрта Осиёга келиб кетган Хитой элчиси ва сайёҳи Чжан Цяннинг кўрсатишича, Кангюй ёки Кандзой деб аталмиш катта давлат борлиги маълум бўлади. Авестода ҳам, ҳинд эпоси Махобхоратда ҳам бу давлат Кангха ёки Канки номи билан тилга олинади. С. П. Толстов ва бошқа бир неча тадқиқотчилар Кангха билан Хоразм иккови бир деб ҳисоблайдилар. Кангха эрамиздан аввалги II асрларда ниҳоятда ривожланади. Кейинги икки аср давомида ҳам Кангха территориясида кўпгина янги шаҳар ва қалъалар пайдо бўлади. Турли ҳунар ва савдо-сотиқ ўсади, натижада танга пул системаси ва муомаласи ривожланади. Бу эса иқтисодий ҳаётда катта силжишлар бўлганлигидан дарак беради.

Демак, эрамиздан аввалги IV—I асрлар қадимги Хоразмнинг гуллаб-яшнаган даври бўлиб, бу даврга оид ёдгорликлар жуда ҳам кўп ва хилма-хилдир. Хоразмнинг антик даврдаги шаҳарларининг деярли барчаси воҳани даштдаги қўшни қабилалардан мудофаа қилиш мақсадида қурилган. Амударёнинг ўнг томонида шарқдан ғарбгача қараб бирин-кетин чўзилган Кангқалъа, Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Қўрғошинқалъа, Қирққиз, Аёзқалъа, Бурлиқалъа ва Тупроққалъа суғориш иншоотларининг этагида бир-бирларига яқин ва қатор қилиб қурилган. Бир планга асосланган мудофаа системаси ва тараққий қилган зўр суғориш иншоотларининг мавжудлиги Хоразмнинг қудратли марказлашган давлат, бўлганлигини кўрсатади.

Хоразм экспедицияси ходимлари, сўнгги йилларда, бир томонда, мазкур обидаларда қазишмалар олиб бор-

ган бўлса, иккинчи томонда, шу ишларга параллель равишда махсус отрядлар ва партиялар бу шаҳар ва қишлоқларни сув билан таъминлаган ва жуда яхши сақланиб қолган ирригация тармоқларини ўрганган эди. Қўйқирилганқалъа харобаларининг теварак-атрофларидан, ҳозирги Калтаминор каналини давом эттирувчи қадимги канал бўйларида, қадимги далаларнинг жуда яхши сақланиб қолган кўплаб аниқ планировка излари топилган. Бу далалар эрамиздан аввалги IV—III асрларга, яъни классик Кангюй даврига тўғри келади. Қадимий Калтаминорнинг кейинги даврлардаги бошқа тармоқлари бўйларида топилган далалар кечки Кушан даврига — эрамизнинг III—IV асрларига мансубдир. Уларнинг планировкasi анча мураккаб ва турлитуман бўлиб, бу ҳол далачилик системасининг прогрессив тараққиётдан далолат беради.

Минг йилдан ортиқ даврни ўз ичига қамраб олувчи, юқорида санаб ўтилган қазиб текшириш ишлари натижасида зўр кашфиётлар қўлга киритилган эди. Қазишмалар ўтказилган харобалар орасида археологларимиз диққатини ўзига жалб қилган Кангақалъа, Жонбосқалъа ва Қўйқирилганқалъа архитектураси ҳамда унда топилган нарсаларнинг кўплиги ва ўзига хос хусусияти билан алоҳида ўринни эгаллайди.

Кангақалъа қадимги Хоразмнинг бевосита Сариқамиш кўли ёнида, жануби-ғарб томоннинг энг чеккасида жойлашган таянч нуқтаси ҳисобланган. Текширишлар шуни кўрсатадики, бу қалъа қарийб минг йил давомида, эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталаридан эрамизнинг IV асрига қадар мавжуд бўлган. Кангақалъа катта ҳарбий фалокат натижасида харобага айланган. Юқори қатламнинг ҳамма ерида кучли ёнғин белгиларининг топилиши бунга далилдир.

Қалъа ва дарёнинг номи ниҳоятда қадимий бўлиб, шубҳасиз, бу ном Хитой солномаларидаги Кангюй, Авестодаги Канга ўлкаси, кечки зардуштийлик адабиёти ва Эрон эпосидаги Кангдиз — айни Хоразмнинг ўзгинаси эканлигини С. П. Толстов исботлаб берди. Унинг айтишича, мазкур эпосдаги Канг дарёси Хоразмдаги Канга дарёсидан бошқа нарса эмас.

Муҳим аҳамиятга эга бўлган бу даврга оид ажойиб ёдгорликлардан бири Жонбосқалъадир. Жонбосқалъа-нинг тўрт бурчакли сатҳи 170—200 метр келадиган майдонни эгаллайди. Унинг тўрт томони 10—11 метр ба-

ландликдаги қалинлиги 1—1,3 метр келадиган икки қават девор билан ўраб олинган. Жонбосқалъанинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг деворлари Хоразм қалъаларининг деярли ҳаммасида мавжуд бўлган буржлардан ҳоли. Қадимги шаҳар ва қалъаларда бурж тиклаш шунчалик катта ўрин тутганки, бу анъана то сўнгги вақтларгача ҳам, ҳаттоки, унга эҳтиёж бўлмаса ҳам сақланиб келган. Хоразмнинг катта ҳовлиларида учрайдиган кўп кунгиралар бунга яққол мисол бўла олади. Жонбосқалъа деворлари икки метргача пахса, ундан юқориси хом гиштдан тикланган бўлиб, ташқи қатори шахмат шаклида қўйилган икки, уч қатор найзасимон шинакларга эга. Эни 18—20 см келадиган шинаклар пастга қараб ўқ отишга қулай қилиб бир-биридан 1,2 м узоқликда қўйилган. Шинакларнинг икки қатор қўйилиши, шинак қаторлари ўртасида тўсин учун қўйилган тешик изларининг бўлиши қалъа деворлари икки қават бўлганлигини кўрсатади. Қалъага кирадиган дарвоза ҳам қўшимча тўғри бурчакли мураккаб иншоотдан иборат. Бу иншоот ҳам қалъа деворлари каби мудофаа учун қулай бўлган икки қатор шинакларга эга. Шундай бўлса-да, деворларда буржларнинг бўлмаслиги, шинакларнинг жуда яқин қўйилиши жонбосқалъаликларнинг мудофаа системаси анча ибтидоий бўлганлигини кўрсатади. Шинакларнинг сонига қараганда қалъани икки мингга яқин жангчи мудофаа қилган. Жонбосқалъада 400 га яқин хона борлигини эътиборга олганда, қалъани мудофаа қилишда шаҳар аҳолисидан қурол ушлашни биладиган эркаклар билан бир қаторда аёллар ва теварак-атрофдаги майда деҳқон қўрғонларидан келганлар иштирок қилган, деб фараз қилиш мумкин. Шунини ҳам таъкидлаш зарурки, бу истеҳқом анча чеккада бўлиб, Сирдарё қирғоқларидан келган дашт қабилаларининг дастлабки зарбларини ўз устига олиб турган қалъалардан биридир.

Қалъа дарвозасидан ичкарига қараб шаҳарни икки катта кварталга ажратиб турган кенг кўча ўтади. Ҳар қайси кварталда бир-бирлари билан ички йўллар орқали боғланган 200 га яқин хонадон бўлган. Шаҳарнинг шу тариқа иккига бўлиниши унда истиқомат қилган аҳоли бир-биридан ажралган ҳолда, аммо ўзаро қариндошлиги билан боғлиқ уруғ жамоасидан иборат эканлигини кўрсатади. Харобалар орасида топилган ҳар хил тамғали гиштлир ҳам қалъа аҳолиси бир неча уруғлардан ибо-

рат эканлигига далил бўла олади. Чунки тамғали бу гиштар ҳар массивда алоҳида-алоҳида тартиб билан қўйилган бўлиб, унинг ҳар қайсиси ҳар бир уруғнинг белгиси эканлигини кўрсатади. Марказий кўча охирида жойлашган иморат харобаларини текшириш натижасида жонбосқалъаликларнинг ўт ибодатхонаси бўлганлиги аниқланади. Иморат ўртасидаги супачага қурилган ўчоқда муқаддас ўт доим ёниб турган. Ибодатхонанинг ички девори тагида узун супа, оташхона ёнида эса ибодат қилувчиларнинг диний маросимларни ўтказишлари учун айрим хона ҳам мавжуд бўлган. Бу хонада топилган кўп суяк қолдиқлари, унда диний маросимлар учун тайёрланган таомлар истеъмол қилинганлигидан дарак беради.

Ўрта Осиёдаги халқлар илк феодализм даврида ҳам жамоат тўплаган пайтларда умумий маросим таомларини пиширганликлари ва одамлар тўпланиши учун махсус уйлар бўлиб, бу уйлардаги ўчоқларда доимо ўт ёниб тургани ҳақида Беруний ва бир қанча муаллифлар ёзиб қолдирганлар. Маълумки, яқин вақтгача Тожикистоннинг айрим тоғлик районидаги махсус оташхонали уйлар мавжуд бўлиб, бу ерда эркаклар тўпланишиб гап берганлар. Ўзбекларнинг тўй ва бошқа айрим маросимларида гулхан ёқиш одати ҳам учрайди. Бутун антик даврда Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган зардушт (зороастризм) динига биноан эски урф-одатларга эътиқод қилувчиларнинг тушунчасига қараганда, ўтга сиғиниш турли фалокат ва инс-жинслардан сақлар, турмушда бахт ва муваффақиятлар келтирар эмиш.

Жонбосқалъа ва бошқа ёдгорликларда жуда кўп учрайдиган ҳайкалчалар (археологлар тилида терракоталар) ва бошқа санъат нусхалари Ўрта Осиё, жумладан Хоразм халқларининг диний эътиқодларини тушунишга имкон беради. Халқларнинг қадимий аجدодлари нафақат тасвирий санъатда зўр маҳорат кўрсатибгина қолмай, балки ўзларининг дунёқарашлари ва ички ҳис-туйғуларини ажойиб бадиий асарларда ифодалаганлар.

Текширилган ёдгорликларда отларнинг тасвирлари, сон-саноқсиз ҳайкал ва идишларга солинган отнинг расмлари қадимги хоразмликларда зардушт динидан ташқари отга сиғиниш эътиқоди катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Тарихий манбаларда ҳам массагетларнинг отга сиғинганлиги тўғрисида фикр бор.

Юқорида қайд қилинганидек, серхашам кийимли асл кишини тасвирловчи жуда кўп ҳайкалчалар — унумдорлик худоси, сув ва суғориш иншоотларининг ҳомийси Анахита образи билан боғлиқлигига ҳеч шубҳа йўқ. Наршоҳийнинг айтишича, зардушт динидаги бухороликлар ҳар йили наврўз байрами маросимларида махсус бозорлардан лойдан ясалган худо ҳайкалчаларини олиб, эскисини синдирар эканлар. Ёдгорликларда топилган ҳайкалчаларнинг деярли ҳаммаси синдирилганлиги мазкур одат билан боғлиқ эканлигини яққол кўрсатади. Берикий асарларида ҳам Наршоҳий ҳикоясига ўхшаш афсона мавжуд.

Кўйқирилганқалъада топилган кўп нарсалар қадимги хоразмликларнинг диний эътиқодларини тушунишга анча ёрдам беради. С. П. Толстов фикрича, Кўйқирилганқалъа дафн қилиш маросими билан боғлиқ ёдгорлик бўлса, эҳтимол. Бу қалъа қадимги Калтаминор сув иншоотининг бўйидаги катта территорияни эгаллаган деҳқончилик райони марказидадир. Кўйқирилганқалъа буржга ўхшаш катта цилиндр шаклида бўлиб (диаметри 44,4 метр), атрофидаги тақирликларга нисбатан 8,5 метр баланд кўтарилган иморатдан иборат бўлган. Ташқаридан уни ҳалқа каби қўшдевор (диаметри 86,5 метр) ўраб турган. Девор ичида гумбазли жуда кўп хоналар бўлган. Қалъанинг ташқи қўшдеворида 9 та ярим доирасимон буржлар бор. Қўшдеворнинг ва марказий иморат деворининг ташқи қаторларида Жонбосқалъадагидек найзасимон қатор шинаклар кўп. Девор ичидаги хоналардан топилган нарсаларга қараганда, унда қул ва ибодатхона хизматкорлари яшаган.

Қазиб текширилган икки қават (унинг пастки қавати қарийб бутунлай сақланиб қолган) марказий буржсимон бинонинг планировкаси ниҳоятда ўзига хосдир. Биринчи қаватнинг баҳайбат деворлардан ва хом гиштдан ишланган кўп гумбазли хоналари қатъий ва аниқ планировкага эга. Пастки хоналарга юқори қаватнинг ўқ отиладиган шинакли йўлаги орқали тушилади. Бинонинг диаметри бўйлаб жойлашган марказий гумбазини кўндаланг қурилган девор иккига ажратиб туради. Марказий гумбазнинг ҳар икки чеккасида икки томонлама тушиб чиқиладиган зиналар бўлиб, улар орқали юқорида айтилганидек, иккинчи қаватга, шинакли ташқи йўлакка чиқилган. Марказий гумбазнинг ҳар икки томонида, айлананинг хордаси бўйлаб жой-

лашган олтига ён гумбазнинг арки марказий гумбазга қараб очилади. Бу ердан биринчи бор топилган ойналар ниҳоятда катта қизиқиш туғдиради; қуйи девори қалин қаватнинг хоналарига ёруғлик тушишига имкон берган бу ойналар шимолий гумбаздан бошқа ҳамма гумбазларнинг ғўлачалар терилган деворларида мавжуд. Ўқ отилган йўлак шинаклари чизигидан пастда жойлашган дераза токчалари қалинлиги олти метр келадиган ташқи деворга мос қалинликда ичкарига нишаб бўлиб тушган. Пастдан туриб мана шу ойналар орқали қаралганда осмон кўринган, бу эса хоналарнинг анча ёруғ бўлишини таъминлаган.

Бу ажойиб обидада ўтказилган кўп йиллик қазилмалар натижасида марказий бинонинг тарихий ҳаёти илк Кангюй даври доираси билан чекланган ҳолда, ташқи ҳалқа иморатлари тахминан тўрт асрча, эрамининг биринчи асри охиригача, яъни Хоразмнинг Кушан империясига қўшилиши арафасига қадар мавжуд бўлганлиги аниқланди. С. П. Толстовнинг тахминича, дафн қилишга оид ҳамда диний урф-одатлар жойи бўлган марказий бурж атрофида, дастлаб, айлана шаклидаги шинакли биргина девор бўлган бўлса керак. Сўнгра девор батамом қайта қурилган ва ичкаридан унга тақаб турли-туман омборхоналар қуришган. Кечки Кангюй даврига келиб ташқи ҳалқанинг бутун саҳнига иморатлар солинган, бурж атрофида тақсимот йўлаги вужудга келтирилган, бу ибодатхона хўжалигининг бир талай хоналари — одам яшайдиган уйлар, омборлар, устахоналар эса радиус бўйича бири-биридан қалин деворлар билан ажралган бир қанча секторларга бўлиниб кетган.

Жуда кўп учрайдиган сопол идишлар орасида туя ва эшакларда олиб юриладиган сувдон (фляга)га ўхшаш идиш синиқларидаги расмлар алоҳида кўзга ташланиб туради. Бу идишларнинг бирида тахтда ўтириб бола эмизаётган аёл, иккинчисида эса муштлашишга тайёрланаётган эркак (қадимги аждодларимиз бокс билан таниш бўлиши эҳтимол) аниқ тасвирланган.

Бошқа бир идишда рельефли қилиб безатилган композициянинг марказида соқолли бош бўлиб, у ён томондан кўриниб туради, четда эса грифон деган бахайбат қанотли отга ўхшаш афсонавий махлуқ тасвирланган. Яна бир сувдон парчасида серҳашам қилиб безатилган дубулға кийган эркак тасвирланган бўлиб, дубулға тожиги афсо-

навий қушнинг тасвири ишланган, энсага тушиб турадиган қисмига эса одам маскаси (ниқоби) солинган. Қўй-қирилганқалъа учун характерли бўлган ва бандининг юқори қисмида шернинг боши тасвирланган кўзаларни, қопқоғи одам шаклида ишланган сопол идишни ҳамда от ва грифонларнинг образлари берилган кўп рангли сопол ритон (ичкилик ичиладиган шохсимон идиш)ларнинг бир талай парчаларини ҳам рельефли флягалар жумласига киритиш мумкин.

Бўрттириб ишланган расмлар орасида вино кўтарган қари боғбон, жимжима жиякли камзул ва бурмали кўйлак кийиб олиб, бир қўлида кўзача, иккинчисида қадаҳ ушлаган аёл тасвирланган ҳайкалчалар диққатга сазовордир. Бу аёл сиймосида балки виночилик маъбудаси Мино тасвирлангандир. Мино ибодати ва мифологияси тўғрисида баъзи маълумотларни Беруний асарларидан топиш мумкин. Қўйқирилганқалъадан ва тева-рак-атрофдан ҳосилдорлик маъбудаси — Хоразм Анахитасининг серҳашам кийим кийган ҳолда тасвирланган талайгина ҳайкалчалари топилган. Маъбуда бир қўлини кўкрагига қўйиб, иккинчисини эса осилтириб турибди. Яна бир ҳайкалчада қўлида қадаҳ ва жажжи қўшқулоқли идиш ушлаган маъбуда тасвирланган.

Бу топилмалар на қалъанинг ташқи доирасидаги хоналарнинг бирига ўрнаштирилиб, баландлиги 1—1,5 метрча келадиган ҳамда усталик билан ишланган вино идишлар — хумлар, қалъа тева-рагида учрайдиган тоқзор излари қадимги хоразмликларда узумчилик анча тараққий қилганлигини кўрсатади.

Археологик қазиш натижасида хоналарда деворга осилган ранг-баранг нақш фрагментлари, от, туя, қўй ва шу сингари ҳайвон ҳамда қушларни тасвирловчи расмлар, ўсимлик шаклида мазмундор нақшли катта идишлар, дастаси фил ёки от бошига ўхшатиб ясалган кўзалар ва бошқа бадиий қимматли кўп хил сопол буюмларнинг парчалари топилган. Ташқи доирадаги хоналарнинг бирида топилган ҳайкалча усталик билан сополдан ясалган бўлиб, унда қўлида бола ушлаб ўтирган маймун тасвирланган, бу эса қадимги Ҳиндистон санъатини эслатади.

Тасвирий санъат намуналари ичида жимжимали оссуарийлар алоҳида ўринни эгаллайди. Юқорида айтганимиздай, бу даврда бутун Ўрта Осиёда зардушт дини ривож топган эди. Зардушт динига биноан, марҳумларни

ерга кўмиш, сувга ташлаш гуноҳ деб ҳисоблаб жасадни ё куйдирганлар, ёки гушт ва терисини йиртқич ҳайвон ва қушларга едириб, суякларини махсус сопол қути (оссуарий)ларга солиб махсус биноларда сақлаганлар.

Хоразмнинг Қўйқирилганқалъа тева­ра­ги­да кўп уч­рай­ди­ган оссуа­рий­лар ўзининг хил­ма-хилли­ги билан аж­ра­либ тура­ди. Бу оссуа­рий­лар қоп­қоқ­ла­рининг кўп­чи­ли­ги­да ҳай­кал­ча­лар қилин­ган. Қўй­қирил­ган­қалъа­дан тах­ми­нан бир ярим чақирим шимол­да қум тепа­лар ора­си­да то­пил­ган квад­рат шакли­да­ги оссуа­рий­лар­нинг қоп­қоғи­да­ги чор­до­на қуриб ўти­рган эр­как­нинг ҳай­ка­ли жу­да ажойиб­дир. Шуниси қизиқ­ки, кал­та мўй­лов­ли, соқо­ли хо­разм­ча қилиб қўйил­ган, кийими нақш­дор қилиб тўқилиб, ка­ма­ри учи­да қўй бо­шини тас­ви­рлов­чи бе­зак бор­ли­ги ҳай­кал­да кўри­ниб туриб­ди. Оссуа­рий­лар ичи­да от­га ўх­ша­тиб қилин­ган­ла­ри ҳам уч­рай­ди.

Қалъалиқир­да сўнг­ги йил­лар­да то­пил­ган қум­тош­дан, лой­дан ва але­ба­стр­дан, шунинг­дек со­пол­дан ясал­ган тур­ли тип­да­ги оссуа­рий­лар ичи­дан юз­дан ор­тиқ да­фи­на то­пил­ган эди. Ак­са­рия­ти бир хил бўл­ган бу оссуа­рий­лар ора­си­да та­лай­гина тур­ли-ту­ман тип­лар уч­рай­ди. Шу­лар­нинг ичи­да гўла­си­да те­ши­ги бўл­ган бўч­ка­симон, юқо­ри­да­ги қоп­қоғи квад­рат шакли­да­ги те­шик­ли ҳам­да уст­ки қир­раси пи­ра­ми­да шакли­да бўлиб, ю­мо­лоқ қоп­қоғи­да қуш тас­ви­ри берил­ган квад­рат ос­суа­рий­лар ало­ҳи­да аж­ра­либ тура­ди.

Қўй­қирил­ган­қалъа­да­ги ажойиб каш­фи­ёт­лар­дан яна би­ри — Хо­разм­нинг қа­дим­ги ёзу­ви­дир. Ташқи дои­ра харобалари­да хум оғ­зи­нинг че­ти­га ўйиб ёзил­ган аро­мей тип­и­да­ги ал­фа­ви­т­ли қисқа хат то­пил­ган. Ёзув шун­дай аниқ сақ­лан­ган­ки, уни осон­гина ўқиш мум­кин. Ик­кин­чи нус­ха­си хум­ча­га тушъ билан (Хо­разм та­ри­хи­да со­пол идиш­га тушъ бе­риш би­рин­чи мар­та уч­рай­ди) ёзил­ган бўлиб, у ҳам осон ўқи­лади. Бу ёзув на­му­на­ла­рини фақат Хо­разм­да­гина эмас, бал­ки бу­тун Ўрта Осиё­да ҳо­зир­ча маълум бўл­ган энг қа­дим­ги ёзув деб айт­сак ха­то қил­ма­ган бў­ламиз.

Ёзил­ган сўз, шуб­ҳасиз фор­сий тил­да бўлиб, «аспа­барак» ёки «аспа­ба­дак» деб ўқи­лади. Уни «от­да ке­та­ёт­ган» ёки «от ми­ниб тур­ган» деб тар­жи­ма қилиш мум­кин. Ҳар хол­да у атоқ­ли от бўлиб, хум эгаси­ни ва унга қара­шли от­ни ифо­да­лай­ди. Бундан ташқари сўнг­ги йил­лар­да хум­га ёзил­ган яна уч ёзув ҳам­да аёл ҳай­кал­ча­си­ни ор­қаси­га тир­наб ёзил­ган яна бир ёзув то­пил­ди. Бу

ёзувлар Хоразм архивининг эрамизнинг III асрига мансуб ҳужжатлари ҳамда янги эрадан аввалги I асрга оид ва Нисодан топилган Парфия архиви билан бирга, Ўрта Осиё қадимги халқлари ёзувларининг тез тўлиб бораётган тарихи ҳазинасига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Демак, Хоразм илк антик даврданоқ кенг тарқалган ёзувга эга бўлган, бу эса унинг маданий жиҳатдан юқори босқичда турганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, кўмиш маросими билан боғлиқ бўлган ибодат қасри Қўйқирилганқалъа қимматли ва муҳим материалларни асрлар оша бизгача сақлаб келган. Бу қалъадаги ҳаёт Кангюй давлати даврида давом қилиб, Хоразмнинг Кушан империясига қўшилиши билан тўхтаб қолади ва кейин ҳеч жонланмайди.

Қўйқирилганқалъа атрофидаги кечки Кангюй ва айниқса кейинги Кушан даврига оид суғориш иншоотларини текшириш шуни кўрсатадики, бу даврда ирригациянинг илгарига нисбатан анча торроқ (рошлар орасидаги масофа 10—15 метр) ва чуқурроқ магистраллари билан ажралиб турувчи анча такомиллашган янги типлари вужудга келган. Шу билан боғлиқ ҳолда тақсимлаш ва суғориш тармоғи ҳам магистрал каналнинг фақат бир томонидан эмас, балки иккала томонидан, каналга нисбатан тўғри бурчак остида ўтказилган. Сув оқими қонунлари тўғрисидаги анча чуқур билимга асосланган, анча тежамли ва мукамал бўлган бу суғориш системаси ўзининг асосий хусусиятлари билан сувни ва қурувчилар меҳнатини яна ҳам тежаш имконини берган ўрта асрлар суғориш системаси учун замин ҳозирлади. Бу даврда қадимги Хоразм давлати анча қудратли ва юксак ривожланган бўлиб ҳаётбахш суғориш иншоотларига зўр эътибор бера бошлаган.

Пировардида шуни ҳам қайд қилиш лозимки, бу даврда Амударё воҳасини ўраб олган апасиак — сакаравак қабилаларининг бир қисми скифларнинг жануб томон кенг қўламда юришлари туфайли Хоразм территориясига ҳам кириб келган. Эрамиздан аввалги II асрдан бошланадиган сўнгги Кангюй даври керамикасидагина эмас, балки Қўйқирилган қалъанинг охириги ҳаётига мансуб қатламида қазиб олинган, дашт қабилалари ўртасида ёйилган ва бу ерга улар томонидан келтирилган ҳар хил топилмалар бундан далолат беради. Янада илгарироқ даврга мансуб бўлган ва апасиаklarнинг ўзи барпо этган қишлоқларнинг Хоразм воҳа-

сининг жануби-ғарбий чеккаларида пайдо бўлиши ҳам шундан дарак беради.

Давлатчиликнинг шаклланиши ва унинг мустақамланиши нафақат муайян ташкилотлар ва идоралар, армия ва полиция, қонун-қоидалар ва дастурлар билан боғлиқ бўлибгина қолмай, балки ўрнатилган сиёсат, тузум ва жамиятни бошқаришни тўла таъмин қилиш учун фуқароларнинг ижтимоий онги ва маънавий дунёсини шакллантириш энг зарур вазифа ҳисобланган. Бундай мураккаб вазифани илк жамиятлар пайдо бўлган даврлардан бошлаб минг йиллар давомида умуминсоний кадриятларни ўзида мужассамлаштирган ҳар хил динлар бажариб келган.

ҚАДИМИЙ ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИНИНГ ҲОМИЙ АВЛИЁЛАРИ ВА МАЪБУДАЛАРИ

Тошдан ҳам чиқарди у оташ-олов,
Жаҳонга равшанлик сочди бу партов...
Жаҳондор яздонга дея офарин,
Шукрона саждага эгиб қоматин,
«Бу оловмас, — деди — худо ҳадяси.
Энди шунга бўлсин юрак саждаси».

Абулқосим Фирдавсий

Кўҳна Хоразмни, айниқса жуда ҳам кўп муқаддас қабрларга тўла кўҳна Урганчни учюз олтмиш авлиёлар жойлашган ўлка деб айтилиши бежиз эмас. Хоразмликларнинг қадимий диний тасаввурлари ниҳоятда хилма хил ва узоқ тарихга эга. Илк дин шакллари кенг кўламда олиб борилган тарихий ва археолог-этнографик тадқиқотлар туфайли Оролбўйида, Амударё ва Сирдарё қуйи оқимида кашф этилган ибтидоий маконларда ўз ифодасини топган. Эрамиздан аввалги IV—III минг йилликларга, яъни неолит даврига оид мазкур Калтаминор ва Тозабоғёп маданиятлари бунга ёрқин далил бўла олади.

Калтаминор ва Тозабоғёп моддий маданияти объектлари, айниқса, илк деҳқончилик қабилаларининг диний тасаввурлари тўғрисида маълумотни ўз ичига олган Хоразм обидалари орасида ибодатхона сифатида белгиланган қабрлар мажмуи, шунингдек, антропоморф ва зооморф, яъни одамсимон ва ҳайвонсимон шаклидаги ҳайкалчалар муҳим аҳамият касб этади. Катта

ҳудудда топилган, пухта ясалган, асосан аёллар тасвирланган терракота (сопол ҳайкалча)лар, шубҳасиз, қандайдир мўғиёна образлар билан боғлиқ бўлган. Шартли равишда «неолит Венералари» деган ном берилган, она уруғи шаклланган даврда юзага келган қўҳна ҳосилдорлик ибодати билан боғлиқ бўлган аёлларнинг кичик ҳайкалчалари киши диққатини ўзига тортади. Ҳайвонлар шаклчаларининг топилиши эса хоразмликларнинг қадим аجدодларида тотемизм элементлари пайдо бўлганлигидан ва улар бош маъбуда — ҳосилдорлик ҳомийсига бўйсунганидан дарак беради.

Бу даврда табиат билан инсон бирикиб кетган илк диний тасаввурлар шаклланибгина қолмай, қондошлик муносабатлари дастлаб ҳайвонларга, сўнгра табиий ҳодисаларга ва уларни гавдалантирувчи руҳлар ҳамда уруғ-қабиланинг ҳомий маъбудаларига аста-секин кўчирилган.

Сўнгги эллик йил ичида Хоразм ўзбеклари орасида олиб борилган этнографик тадқиқотлар ҳам аجدодлар топилган руҳлар ибодатини, тотемистик тасаввурларини, балки, айниқса, аёллар ва ҳунармандлар орасида сақланиб қолган авлиёлар ҳамда ҳомий маъбудалар ибодати қолдиқларининг аниқ изларини топиш имконини беради. Масалан, хоразмликларнинг қуён, сулгин, чағолоқ каби рақслари шубҳасиз, муайян тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ. Тотемлар ҳам, руҳлар ҳам, ҳомий авлиёлар ҳам турли оилавий-маиший маросим ва расм-русумларда, шунингдек, халқнинг бой мифологиясида, оғзаки эпик ижодиётида ўз аксини топган.

Бу жиҳатдан олганда, Хоразмда этнографлар ўтказилган қизиқарли тадқиқотлар натижасида кўплаб афсоналарни тўплашган ҳамда маҳаллий аҳолининг маънавий ҳаётида катта ўрин тутган 130 дан зиёд зиёратгоҳ мозорларни текширишган. Руҳлар ибодати ва шомонлик, оилавий-маиший маросимлардаги мўғиёналик, ишлаб чиқариш ва турмушдаги ҳосилдорлик ибодатлари, авлиёлар, табиат ва ҳайвон ибодати, шунингдек оилавий маросимчиликда, айниқса, дафн билан боғлиқ расм-русумда нисбатан мустаҳкам сақланиб қолган зардуштийлик қолдиқлари бўйича ноёб материал тўпланди. Хоразмлик авлиёлар тўғрисида ёзиб олинган афсона ва ривоятлар тарихий маълумотлар билан қиёсланиб, Хоразмда машҳур бўлган бир қанча руҳоний ва дунёвий шахслар — шоирлар, мутафаккирлар, таниқли ҳукмдор-

лар ва уларнинг сафдошлари ҳамда бошқа сиёсий ар-бобларни муқаддаслаштиришнинг ижтимоий-ғоявий сабаблари аниқланди.

Ибтидоий хоразмликларнинг жамоа уйлари олдида ҳар хил маросимлар ва рақс ўйинлари ўтказилганлигини атоқли шарқшунос олим С. П. Толстов илмий фараз қилган. Калтаминорликларнинг балки афсунгарлик ва тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ ҳарбий маросимлар ёки шомонларнинг садрга тушиб рақс ўйинлар ўтказилганлигини этнографик тадқиқотлар орқали қиёс қилиб тиклаш мумкин.

Маълумки, Хоразм тўйларида, халқ сайилларида кечалари гулхан ёқилиб, атрофида санъаткорлар ва раққосалар яқинларгача томошабинларга ўз санъатини намойиш қилиб келганлар. Бундай маросимларнинг ҳозиргача сақланган ва нафақат археологик қазилмалардаги деворий расмлардаги тасвирида, Наврўз байрами вақтида ўтказилганлиги ҳақида Абу Райҳон Бируний ҳам хабар беради.

Хоразм рақслари ва куйларининг энг қадимийлигини тасдиқлаш учун тадқиқотчилар бутун Ўрта Осиёда антик замонда кенг тарқалган илк ватани Хоразм ҳисобланган зардуштийлик дини ва унинг маросимлари билан боғлайдилар. Асли халқ байрамлари, сайиллари, куй ва рақслари ибтидоий даврлардан бошлаб, айниқса илк давлатлар ташкил топгандан сўнг диний байрам ва маросимлар билан узвий боғлиқ бўлган. Қадимги Хоразмда ҳам кўп санъат намуналари, байрамлари ва сайиллари диний тасаввурлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланиб келган. Шунинг учун ҳам маҳаллий маросимлар ва уларда ижро этиладиган рақс-ўйинлар Авесто ақидаларини ифодалаганлигини тадқиқотчилар қайд қиладилар. Масалан, хоразм лазгисининг қўл элементлари илоҳий руҳдаги ҳарбий рақсларни эслатади. Этнограф Тўра Қиличевнинг таърифича, «ибтидоий хоразмликлар ҳам ирокезларга ўхшаш ҳарбий рақслар ташкил қилганлар ва зафар тантаналарини ўтказилганлигини исботловчи қадимий «лазги» ўйини ҳозиргача ўйналиб, ҳарбийлик характерини ўзида сақлаб келаётир». Мазкур ҳарбийлик тизими муайян қонун-қоидаларга таянган ўзига хос бошқарув ташкилоти мавжудлигидан дарак беради.

Хоразмда ибтидоий жамоа муносабатларидан мулкчилик муносабатларига ва илк давлатчилик ришталари

пайдо бўлаётган ўтиш даврига оид анчагина археологик ёдгорлик ҳам мавжуд. С. П. Толстов маълумотларига кўра, урушдан олдинги тўрт йил ичида унинг экспедицияси аъзолари аниқлаган ёдгорликлардан 400 дан ортиғи эрамиздан аввалги IV минг йилликдан эрамизнинг XIV—XV асрларигача бўлган катта давр оралигидаги Хоразмнинг қадимги дунёсини янғича кўз билан кўриш имконини яратди.

Сариқамиш бўйи ҳавзаси ҳудудида жойлашган Кўзалиқир шаҳристони ўтиш даврининг асосий обидасидир (эрамиздан аввалги VI—V асрлар). Бу — ҳарбий истеҳкомларнинг аниқ структураси ва тизимига эга бўлган илк Хоразм шаҳарларидандир. Кўзалиқир турар жой массивида олиб борилган қазилар ишлари жараёнида нақшинкор идиш, қурбонлик амалга ошириладиган тўрт оёқли тош буюм бўлаги, учи қуббали бронза буюм парчаси, тилладан ясалган шохдор така боши ва эрамиздан аввалги VII—V асрларга оид сақлар қабрларидан олинган буюмларни эслатувчи бошқа нарсалар топилди. Қадимги мозорқўрғонлар материалларида ҳам воҳа ва дашт маданиятлари бир-бирларига ўзаро кириб боргани аниқ кўзга ташланади. Қадимги Хоразмнинг чекка жойларидаги кўплаб обидаларни текширганда, уларда дафн расм-русумлари ғоят хилма-хил бўлганлиги, айни маҳалда Хоразмдаги зардуштийлик расм-русумларида остодон (оссурий — вафот этганларнинг суяклари сақланадиган идишлар) типидagi қабрлар кенг тарқатилган маҳаллий дафн одатларига ҳам кучли таъсир кўрсатгани маълум бўлди. Энг муҳими мазкур диний ақида асли дастлабки инсонпарварлик ва социал-утопия ғоялари билан сингдирилганлигида.

Зардуштийлик таълимотида инсон муаммоси ва мавқеи унинг эзгулик кучларининг узил-кесил ғалабаси гўё Зардуштдан уч минг йил кейин, унинг қўлда сақланган уруғидан пайдо бўлган халоскор — Саошян-та келгандан сўнг намоён бўлади (бу ғоя кейинчалик жаҳон ва бошқа динларга ўтган). Инсоннинг асосий бурчи одиллик турмуш тарзи — «эзгу фикр», «эзгу сўз», «эзгу иш» орқали ёвузликка қарши кураш воситалари бўлиши зарур. Энг зўр кураш воситаларидан бири моддий бойликларни кўпайтириш, фаровон турмуш яратишдан иборат. Авесто пантеонига кирган энг ҳурматли худолардан қуёш ва Нур худоси Митра ўз образида матриархат даврига оид белгиларни ифодаловчи ҳосил-

дорлик ва сув худоси Ардвисура Анахита диққатга сазовор.

С. П. Толстовнинг ёзма манбаъларга ва археологик қазилмаларга асосланиб зардуштийликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Зардуштийликдаги олов, сув, хаома, гуаш Урвана ибодати билан боғлиқ худолар билан бирга табиат кучларини ифодаловчи маҳаллий рамзи маъбудалар мавжуд бўлган. Шулардан қадимий ҳинд-эронликлар, жумладан хоразмийликлар, бақтрияликлар, сўғдийлар, марғиёналиклар ва ўртаосиёлик «варвар»ларда кенг тарқалган. Осмон ва Зам номли мовий ва ер маъбудалари, Хвар ва Мах номли Куёш ва Ой маъбудалари диққатга сазовор. Тадқиқотчиларнинг мазкур номлар билан Хоразм этимологиясини боғлаб, бу атама «Хвар» (Офтоб) ва «Зам» (Ер) сўзларидан келиб чиққан, деб фараз қилишлари ҳақиқатга анча яқин, деса бўлади.

Узоқ ўтмишда ёзма манбаъларда тилга олинган бу улуг ва ажойиб ўлка афсона ва ривоятларда ҳам куйланган, «Шоҳнома» каби буюк асарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Антик Хоразмнинг буюклигини дабдабали қалъалар ва қасрларнинг бизгача етиб келган сон-саноксиз харобалари ҳам тасдиқлайди.

Зардуштийлик дини яратилиш даври қадимги Хоразмнинг гуллаб-яшнаган даври бўлиб, бу вақтга оид ёдгорликлар жуда кўп ва хилма-хилдир. Ўлканинг антик даврдаги шаҳарларининг деярли барчаси воҳани даштдаги қўшни қабилалардан мудофаа қилиш мақсадида қурилган. Амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб бирин-кетин чўзилган дабдабали Кангақалъа, Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Қирққиз, Қўрғошинқалъа, Аёзқалъа ва Тупроққалъа йирик суғориш иншоотларининг этагида бир бирларига яқин қилиб қурилиши, уларнинг муайян планга асосланган мудофаа системасига эга бўлиши ўша даврдаги Хоразмнинг ҳақиқатан ҳам қудратли давлат бўлганлигини кўрсатади.

Бу қалъаларни тадқиқ қилиш натижасида айниқса Қангақалъа, Жонбосқалъа ва Қўйқирилганқалъа харобаларидан топилган буюмлар, қурилиш планировкаси ва бошқа топилмалар қадимий хоразмликларнинг нафақат турмуш тарзи, уларнинг диний эътиқодларини аниқлашга имкон беради. Масалан, Жонбосқалъа марказий кўчаси охирида жойлашган иморат харобаларини текшириш натижасида ўт ибодатхонаси бўлганлиги

аниқланди. Иморат ўртасидаги супада қурилган ўчоқда муқаддас ўт доимо ёниб турган. Ибодатхонанинг ички девори тагида узун супа, оташхона ёнида эса ибодат қилувчиларнинг диний маросимларни ўтказишлари учун айрим хона ҳам мавжуд бўлган.

Кўплаб тадқиқотчилар, чунончи С. П. Толстов, зардуштийликнинг ва унинг пайғамбари Зардуштнинг асли ватани Ўрта Осиё, шу жумладан қадимги Хоразм деб таъкидлашади. Археологик-этнографик маълумотлар хоразмликларнинг ибтидоий аجدодлари турли диний тасаввурлари кейинчалик пайдо бўлган динлар, айниқса, дастлаб олов ва табиий ҳодисаларга эътиқод сифатида дунёга келган зардуштийлик таълимоти билан генетик боғлиқ бўлганини тасдиқлайди. Бу диний тизимнинг асосини Анаҳита образидаги ҳосилдорлик маъбудига, турли табиий ҳодисалар, ёритқичлар билан боғлиқ самовий тимсолларга эътиқод қилишдан иборат бўлган ибтидоий динлар ташкил қилади.

Табиий ҳодисалар ва кучларнинг зиддиятлиги, яъни бир ҳодиса, масалан, олов ва сув, ер ва ҳаво ҳам эзгулик, ҳам ёвузлик тимсоли бўлиши мумкинлиги, табақаланиш вужудга келиши билан боғлиқ бўлган ижтимоий зиддиятлар дуалистик диний тасаввурлар пайдо бўлишига олиб келди ва улар, энг аввало, эътиқод билан боғлиқ урф-одатларда намоён бўлади.

Қадимги Хоразмда дунёга келган зардуштийлик уч буюк империя — аҳамонийлар, эронийлар, афригийлар ва сосонийлар салтанатида давлат динига айланади. Бу империялар эрамиздан аввалги VI асрдан эрамизнинг VII асригача узлуксиз деярли ўн уч асрдан зиёд мавжуд бўлган ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқнинг жуда катта қисмида ҳукмронлик қилган. Шу боис зардуштийликни дастлабки жаҳон дини, Зардуштийни эса шарқ пайғамбарларининг биринчиларидан деб ҳисоблаш мумкин. Машҳур диншунос Мэри Бойс адолатли равишда қайд этиб ўтганидек, «Эроннинг (антик Хоразмнинг ҳам — И. Ж.) ҳокимияти зардуштийликка улкан обрў-эътибор келтирди ва унинг таълимотидаги айрим энг муҳим жиҳатлар яҳудийлик, насронийлик, ислом динлари ҳамда гностик мазҳаблар томонидан ўзлаштирилди. Шарқда зардуштийлик буддавийликнинг шимолий варианты ривожига таъсир кўрсатди». Бу диннинг айрим қоидалари «ноёб ва эътиборга лойиқдир, — деб ёзади Мэри Бойс, — Бу қоидалар ўз

этикодчилари учун муайян мақсадни кўзлаб ва қониқиб яшаш имконини яратди». Насроний, сўнгра ислом дини айни шу ижобий қоидаларни ижодий ўзлаш-тирганликлари боис кейинчалик жаҳон динига айланиш имконига эга бўлди.

Хоразмликларнинг маънавий ҳаётида азиз-авлиёлар муҳим ўрин тутган. Бундай этикоднинг илдизи ҳам қадим-қадимга бориб тақалади ва давлатчилик ғоялари билан боғлиқ бўлган. Ҳозирга қадар Нажмиддин Кубро, Замахшарий, Султон Увайс, Исмамут ота, Юсуф Ҳамадоний, Паҳлавон Маҳмуд сингари авлиёлар халқ орасида машҳурдир. Паҳлавон Маҳмуд ҳатто Хиванинг пири-ҳомийси деб ҳам танилган.

Хоразмликларнинг авлиёларга бағишлаган ривоятлари, оғзаки поэтик ижодиёти намуналари ғоят кенг тарқалган бўлиб, унда фольклорнинг турли жанрларига оид асарлар мавжуд. Бахшилар ва халпалар ижро этадиган дostonларда нафақат илоҳий образлар, балки қадимий скиф-сарматлар ва массагетлар даври қаҳрамонлик дostonларининг руҳи аниқ сезилиб туради.

Санъат даврлар ўртасидаги кўприқдир. Ҳозирги хоразмлик айниқса хивалик, мадирлик ва урганчлик меъморлар, истеъдодли наққошлар, қандакорлар, заргарлар, кулоллар ва халқ ижодкорларининг юқори даражада бадиийлик билан яратилган бетакрор асарлари, шубҳа йўқки, қадимги хоразмликлар кўп асрлик нафис санъати ва ижодий фаолиятининг бевосита давоми бўлиб, уларнинг юксак маҳорати ва нозик бадиий дидидан дарак беради. Қадимий аждодаларимиз санъатининг айрим қоидалари ва усуллари, ундаги буюк гуманистик ғоялар ва маънавий маданият намуналари минг йиллар оша авлоддан-авлодга ўтказилиб бизнинг кунларгача етиб келгани таҳсинга лойиқдир. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, умуминсоний қадрият ғояларига асосланган кўпконфессионал, яъни турли диний тасаввурлар билан боғлиқ ягона синкретик дунёқарашни шаклланиши эҳтиёжини юзага келтирган эди. Бундай ғоя шубҳасиз гуманистик зардуштийлик таълимоти негизида юзага келган тарихий зарурат бўлиб, уни бутун Ўрта ва Олд Осиёда биринчи жаҳон дини Зардуштийни илк пайғамбар қилиб кўтарилишига сабаб бўлган.

Буюк донишманд шоир Абдулқосим Фирдавсийнинг

ўлмас асари «Шоҳнома» бунга ёрқин далил ҳисобланади. Чунки у инсон мавқеини юқори даражага кўтариб, олий гуманистик ғояларни, адолатпарварлик ва халқ орзу-умидларини рўёбга чиқаришни, дунёда тўқ ва фаровон давлат яратиш зарурлигини зўр маҳорат билан тараннум этган. Шоир тили билан айтганда, барча нарсаларнинг ижодкори инсон, инсондан яхшилик, нур ва равшанлик, инсонсиз дунёда йўқ фаровонлик. Бу улуғ гуманистик ғоя асли жаҳонда биринчи марта эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида бутун Ўрта ва Олд Осиёга тарқалган зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авестода ўз ифодасини топган эди. Янги динни оловни кашф этиб жаҳонга равшанлик сочган қаҳрамони номидан Фирдавсий шундай деб таърифлайди:

Тошдан ҳам чиқарди у оташ-олов,
Жаҳонга равшанлик сочди бу партов...
Жаҳондор яздонга дея офарин,
Шукрона саждага эгиб қоматин,
«Бу оловмас — деди — Худо ҳадяси,
Энди шунга бўлсин юрак саждаси!!!»,

Юксак ғояларга тўла муайян тартибга солинган диний мафкураининг жуда кенг территорияда жойлашган қадимий давлатлар ва элатлар орасида ҳукмрон бўлиши тасодикий ҳодиса эмас эди.

Тарихий манбаларга асосланиб тадқиқотчилар бепоеън Евроосиё даштларида, шу жумладан Ўрта Осиёда эрамиздан аввалги III—II минг йилликларда ҳинд-европа тил туркумига оид жуда кўп ўтроқ ва кўчманчи турли элат ва қабилалар яшаганлигини исботлаб берганлар. Улар Олой тоғи этакларидан Дунай дарёси қирғоқларигача, Урал тоғ тизмаларидан Ҳинд дарёсигача ниҳоятда кенг территорияни эгаллаб нафақат тили жиҳатидан, ҳатто хўжалик фаолияти, маданияти, келиб чиқиши ва этник тузилиши жиҳатидан ҳам умумий бирликка эга бўлганлар. Мазкур элатларнинг ўша даврда ўзларини «арий» (яъни бир уруғ одамлари) деб аталган қисмлари қўшни халқлар тарихида муҳим роль ўйнаганлиги аниқ. Дарё соҳилларида яшовчи ўтроқ «арийлар» деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган бўлса, дайди кўчманчи «арийлар» чорвачилик билан шуғулланганлар.

Эрамиздан аввалги III минг йилликнинг охирларида ёзма манбаъларда бу элат ва қабилалар скиф-сармат, сак-массагет номи билан тилга олинади. Асли ярим ўтроқ ва кўчманчи ҳисобланган ҳинд-европаликларнинг бир қисми Ўрта Осиёнинг шимолида, асосан Орол бўйи, кейинчалик Сир ва Амударё қуйи оқимига жойлашиб ўзига хос юксак маданият яратганлар. Ўша даврлардаёқ сак-массагет қабила ва элатлари металлдан ҳар хил меҳнат қуроллари ва яроғ аслаҳалар — қанжар, болта, найза, ўқ-ёй учи, хилма-хил бадий безаклар, катта ғилдиракли уч-тўрт от қўшиладиган оғир аравалар ва ҳарбий юришларда ишлатиладиган енгил аравалар ясаганлар. Улар ҳатто янги чидамли от турларини парвариш қилиб, илғор уруш тактикасига эга бўлганлар. «Авесто» ва тош қояларга битилган зафарномалардан маълумки ўша даврларда ҳаракатчан темир совутли, от-аравали қўшинга эга бўлиш, муайян давлат бошқариш тузуми билан боғлиқ бўлган.

Эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарида кўҳна Хоразм, Марғиёна, Сўғдиёна ва Бақтрияда яшовчи ўтроқ, суғориладиган деҳқончилик билан шуғулланувчи, эроний (форсий) тилда гапирувчи элатлар билан жуда яқин алоқада бўлган сак-массагетлар (уларнинг кўп қисми туркий тилга яқин шеваларда ҳам гапирган бўлса эҳтимол) бутун Яқин ва Ўрта Шарқни ҳам қисман Европани ларзага келтириб турган.

Евроосиё чексиз даштларида онда-сонда учрайдиган қадимий тепаликларида дафн қилинган бой қабила бошлиқларининг ва ҳарбийларининг дабдабали қабрларини қазиб текшириш натижасида скиф-сармат, сак ва массагет қабилаларининг юксак маданиятга ва қудратли ҳарбий кучга эга бўлганлигини исботлади. Қабрларда жасад билан кўмилган турли ҳарбий қуроллар, безакка бой юган ва эгарли от-аравалар, ажойиб сопол буюмлар, гўзал ҳайкалчалар, қимматбаҳо тош ва металллардан ясалган афсонавий безаклар бунга ёрқин далилди. Антик замон муаллифлари таърифлаган, буюк Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида куйланган, кейинчалик ғарб ва шарқнинг машҳур эпик дostonларида тасвирланган, чунончи юқорида тилга олинган французларнинг «Роланд ҳақида кўшиқ» номли ажойиб дostonида ёзилганидек, «...дашту биёбон Оссиана (Окс соҳилидаги — И. Ж.) юртининг худога ишонмаган лаънати қабилалари» асрлар давомида машриқдан мағ-

рибгача қўшни элат ва давлатларга ўз таъсирини ўтказиб келган.

Шуниси муҳимки, сак ва скиф-сармат тепаликлариди топилган бадий буюмлар, от-арава, туя, қўчқор, илон ва бошқа афсонавий махлуқлар тасвирланган расм ва ҳайкаллар ўтган асрнинг охирларида жанубий Тожикистонда кашф этилган «Амударё хазинаси» буюм ва безакларида, кейинги Аҳамоний, Македониялик Искандар ва Кушан давлати даврига оид топилмаларга жуда ўхшаб кетади. Қозоғистон ва Қирғизистон тоғ бағрларида, Ўзбекистоннинг кўп туманларида қоятошларга битилган ибтидоий расмларда ҳам от-туя қўшилган аравалар, ҳар хил ҳайвонлар — туя, тоғ эчкиси, қўчқор ва бошқа ғалати махлуқларнинг тасвирланиши узоқ ўтмишда Ўрта Осиёликларнинг маънавий маданияти билан Евроосиё даштларида яшаган қабилалар маданиятида қандайдир умумийлик, яқинлик мавжудлигидан далолат беради. Туркменистон ва Ўзбекистоннинг жанубий районларида топилган Жайтун маданияти, Қоратепа, Номзогоҳтепа, Ялонғочтепа ва бошқа обидаларда қилинган ажойиб кашфиётлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ўрта Осиёда рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, минтақадаги кўчманчи қабилаларнинг аста-секин ўтроқ ҳолатга ўта бошлаши, жамиятда мулкчилик асосида социал табақаланишнинг юзага келиши ижтимоий онгда ҳам муайян ўзгаришларга олиб келган. Археология ва этнография соҳасидаги тадқиқотлар моддий бойликларни ишлаб чиқариш ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашиши таъсирида диний тасаввурлардаги эволюцион ўзгаришларни тасвирлашга имкон беради. Оқибатда илк давлатлар пайдо бўлган даврдаёқ эраميزдан аввалги I минг йиллик бошларида ижтимоий табақаланиш билан бир қаторда ғайри олам ҳам табақалана бошлайди: сон-саноксиз руҳлар ичидан олий имтиёзли ғайритабиий мавжудотлар — худолар табақаси ажралиб чиқа бошлайди. Агар руҳлар айримликни ифодалаган бўлса, худолар умумийликни ифодалайди. Энг қадимий афсонавий образлар илгари табиат кучларини ифодалаган бўлса эндиликда улар илоҳий куч сифатида ижтимоий муносабатларни ифодаладиган образлар сифатида намоён бўла бошлайди. Оқибатда политеистик, яъни кўпхудолик тасаввурлар пайдо бўлиб, худолар теварак-атрофдаги чексиз бор-

лиқнинг ҳамма томонини эгаллайди ва ўз назоратини ўрнатади.

Кенг ҳудудда бўлиб ўтган мазкур жараён асли Ўрта Осиёда, унинг ўзаги эса Хоразм воҳаси деса хато бўлмайди. Археологик қазилмаларда топилган буюм ва безакларда кўп учрайдиган афсонавий тасвирлар, айрим худоларнинг образларини ифодаловчи ҳайкал ва расмлар узоқ ўтмишдаги аجدодларимизнинг диний эътиқодлари, урф-одатлари тўғрисида мулоҳаза қилишга имкон беради.

Тарихий ва археологик маълумотларга қараганда, эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарига келиб Ўрта Осиёда жиддий ўзгаришлар рўй берган. Юқорида қайд қилганимиздек, бу даврда табиат ўзгариши, айниқса, ҳавонинг совуши ва бошқа баъзи сабабларга кўра сон-саноқсиз қабила ва элатлар ҳаракатга келади. Ўша даврда Амударёнинг Жанубий Оқчадарё ҳавзаси майдонларини одамлар ўзлаштира бошлаганлар. Унинг ён ўзанлари бўйлаб Жанубий Уралбўйи даштларидан келган андронов аҳолиси маҳаллий сувёрғон қабилалари билан аралшиб кетган (асли генетик жиҳатдан хоразмдаги калтаминорликларга тақаладиган) элатлар жойлашган. Бу маконларнинг кашф этилиши натижасида, у ердаги кулба ва қишлоқларнинг қолдиқлари, кўҳна ариқ тармоқлари ва далаларнинг аниқ излари, Жанубий Оқчадарё дельтаси аҳолисининг ҳўжалиги, уйлари ва турар жойлари тўғрисида археологларимиз жуда бой материалларни қўлга киритдилар. Хоразм бронза (жез) даврига оид бу кашфиётлар фанда мутлақо номатълум бўлган узоқ ўтмишдаги ижтимоий тузумни қайта тиклаш имконини берди. Қадимги тозабоғёпликларнинг моддий маданияти ўрганиш, уларнинг илк давлат шаклидаги этник бирикма сифатида Евроосиё дашт бронза маданияти доирасига яқинлигини асли ҳавзанинг серунум тупроғидаги деҳқончилик ҳўжалиги типига жанубий деҳқончилик маданиятининг таъсирида ривожланганлигини кўрсатади ва ҳатто бу ерга аҳолининг айрим гуруҳларининг кўчиб келганлигини исботлайди.

Орол бўйининг жанубида серунум тупроқли ҳавза текисликларида ва уни ўраб олган дашт яйловларида анча мураккаб этник жараёни бошидан кечирган аҳоли жойлашган. Маҳаллий аҳолининг этник тузилишида ҳам жанубий, ҳам шимолий группаларнинг иштирок этганлигини қадимий қабристонлардан топилган хроноло-

гик ва бошқа маълумотлар тасдиқлайди. Табиийки этник чатишмалар билан бирга уларнинг урф-одатлари ва диний тасаввурларида ҳам жиддий чатишмалар юз берган бўлиши керак. Айниқса диний тасаввурлар билан мифологик асарлар, оғзаки халқ ижоди жанрлари билан диний ақидаларнинг узвий боғлиқлиги нафақат қандайдир социал-иқтисодий бирлик ва муайян давлатчилик тизими, балки кенг халқ оммасининг дунёқарашида ва ижтимоий онгида ҳам янги диний таълимотлар билан бирга ибтидоий дин шакллариini сақлаб қолганлигини тасдиқловчи далиллар мавжудлиги диққатга сазовор.

Шундай бир мураккаб вазиятда минтақада синтетик тарзда юзага келган зардуштийлик дини янги ижтимоий тузумга мос келган эди. Ва лекин кўпчилик тарихчи, шарқшунос ва диншунос олимлар, юқорида айтилганидек турли манбаъларга таяниб зардуштийлик Ўрта Осиёда, айримлари ҳатто кўҳна Хоразмда пайдо бўлган деган фикрни исботлашга ҳаракат қилганлар. Юқорида қайд қилинган арийлар ва бошқа турли элат ва қабилаларнинг турмуш тарзи, оғзаки ижодида ҳар хил жанрлардаги образлар, айниқса эртак ва достонларнинг қаҳрамонлари янги диний таълимотда ўз аксини топганлиги, шубҳасиз Ўрта Осиё билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Абу Райҳон Берунийнинг таърифича Хоразмда энг илк давлатчилик бу ерга эрамиздан аввалги 200 йилда Қайқавуснинг ўғли Сиёвуш келиб дастлабки Хоразмшоҳлар — Сиёвушийлар сулоласига асос солган. Мазкур сулола дастлаб Афригийлар, кейин Маъмунийлар давригача, яъни эрамизнинг 995 йилигача ҳукмронлик қилган ва қўшни давлатлар билан доимий иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб турган. Эрамиздан аввалги I минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёда, (жумладан Хоразмда) пайдо бўлган қудратли давлатлар ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва уни мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун муайян ғоявий воситага муҳтож ҳам эди. Маълумки, минтақада эрамиздан аввалги VII асрнинг охирида қисқа давр ҳукмронлик қилган Ассурия империяси емирилиб, унинг харобаларида икки давлат — Мидия ва Бобил пайдо бўлган. VI—V асрнинг ўрталарида эса Олд Осиёни ўзига бўйсундирган аҳамонийлар империяси юзага келади. Унга асос солган подшо Кир II (эрамиздан аввалги 558—529 йиллар) ўз қўли остидаги давлатда

ўзини барча мавжуд динларнинг ҳомийси, деб жар қилади ва уларга ҳатто моддий ёрдам беради. Шундай тарихий вазиятда юзага келган Зардуштийлик дини шарқ мустабидларининг диққатини ўзига жалб қилган ва ғоявий байроқ бўлиб хизмат қилган эди.

Агар Хоразм зардуштийлик таълимотининг ватани деган фикр ҳақ бўлса, бу кўҳна ўлкада Мидия подшолигидек қабилавий конфедерацияга асосланган давлат эра-миздан аввалги IX—VIII асрларда шаклланган бўлиши мумкин. Чунки ўша даврлардан бошлаб Мидия подшолиги кучайиб қўшни мамлакатларга тажовузкорлик қила бошлаган ва ўз чегарасини Амударё соҳилларига етказган. Мазкур подшоликдан ажралиб чиққан янги Форс (Эрон) подшолиги Кир бошчилигида Кичик Осиё, Бақтрия, Сўғд ва Хоразмни ўзига бўйсундирган. Аммо унга қарам ҳисобланган Хоразм давлати ўз мустақиллиги учун курашиб жиддий қаршилик кўрсатган. Шундай қаршиликлардан бирида Хоразмликлар кучли Кир қўшинларини тор-мор қилиб, ҳатто Кирни ўлдирган. Демак, эра-миздан олдинги I минг йиллик ўрталарига келиб Эрон, Мидия, Ассирия каби империяларга қарши чиқа оладиган Хоразм давлати ўз қудратини намоён қилган. Хоразмликлар ўз кучини кейин Аҳамонийлар ва Искандар вақтида ҳам кўрсатганлар.

Аҳамонийлар давридаги ўтроқ деҳқон бўлиб ўзларини арий, ўз мамлакатларини эса Ариан (Эрон номи шундан келиб чиққан бўлса керак), деб атадилар. Кўчманчи арийларни аҳамоний форслари саклар деб, Ўрта Осиёнинг жанубидаги ўтроқ аҳолини турлар (Турон номи ҳам шу сўздан), деб атаганлар. Янги динга асос солган Зардуштнинг ўзи ҳам тур бўлганлиги, унинг ваъзалари кўчманчи қабилалар орасида обрў қозонмаганлиги туфайли у ўз ватанини тарк этиб, Эронга келиб диний таълимотини тарғиб қила бошлаганлиги тўғрисида ривоятлар бор. Эрон ва Турон ўртасидаги рақобат ва интиҳосиз урушлар, тур ерлари ҳақидаги воқеалар нафақат халқ оғзаки ижодида, улуг шоир Фирдавсийнинг ўлмас асарида ҳам батафсил тасвирланган. Ундаги Зардуштра (Зардушт) номи эроний тилда «кекса, ёки сариқ туя эгаси» деган маънони англатади ва бундай ном кўчманчи чорвадорлар учун характерли атамадир.

Кўп тарихий асарларда Зардушт (ёки Зардуштра) афсонавий йиғма образ, аслида бундай шахс бўлмаган,

деган фикр узоқ вақт ҳукм суриб келган эди. Кейинги тадқиқотларда, айниқса оригинал матнлар синчиклаб ўрганилиши натижасида бу фикрлар асоссиз бўлиб чиқмоқда. Айрим олимларнинг таърифича, Зардушт томонидан яратилган шеърӣ оят (гата)ларда бу пайғамбарнинг ҳаётига оид баъзи маълумотлар мавжуд. Масалан, бир ерда Зардушт ўзининг камбағаллигидан нолийди, бошқа бир ўринда унинг оиласи, қизлари ва куёвлари бўлганлиги тўғрисида хабар бор. Унинг об-разларга бой ижодида машаққат чеккан, курашларда чиниққан, зўр истеъдод эгаси, ёрқин шахс намоён бўлади. Бошқа пайғамбарларга ўхшаб Зардушт ҳам ўз таълимотини кишиларга тўла етказа олмай чуқур изтироб чекади ва атрофдагилар уни душманлик билан қарши оладилар. Зардушт гаталарида илк пайғамбар мўъжиза, илоҳий жасорат, сеҳргарлик намоён қилмайди, бундай хатти-ҳаракатларнинг барчаси зардуштийликнинг кейин пайдо бўлган асарларида афсонавий руҳда унга нисбатан бўрттириб тасвирланган.

Асли Зардушт таълимоти Ўрта Осиёда илк давлатлар шаклланган давр, аниқроғи эрамиздан аввалги I минг йилликда пайдо бўлиб у адабиётларда бошқа номлар билан ҳам аталади. Унга бош худо Ахурамазда номи билан маздаизм, бош муқаддас китоб Авесто номи билан авестаизм, асосий эътиқод оловга сифиниш бўлганлиги туфайли оташпарастлик ёки кейинги Зардуштийлик даврида худо Митра номи билан митраизм, деб аталган. Бу диннинг асосий бош асари Авесто Ўрта Осиё ва қўшни мамлакатларнинг деярли минг йиллик тарихи ва маданиятини ўрганишда энг муҳим ёзма манбаълардан бири бўлиб ҳам хизмат қилади. Агар муайян ижтимоий тузум билан боғлиқ ёзув асли бирқанча асрлар, ҳатто минг йилларда пайдо бўлишини инобатга олганда ушбу минтақада давлатчилик эрамиздан аввалги II минг йилликларда юзага келган деган фараз мантиқий жиҳатдан асослидир.

Авесто ривоятларидан бирида, афсонавий биринчи одам ва эронийларнинг биринчи подшоси Йима осмон худоси Ахурамазда унга берган ерларини кенгайтирганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Йима уч юз қиш ҳукмронлик қилган. Шу давр ичида унинг ерида ўсимликлар, қушлар, ҳайвонлар, чорва ва одамлар шундай кўпайиб кетганки, турар жой ҳам қолмаган, ерга ҳам оғирлик тушган. Кейин Йима ўз одамларини янги ма-

кон излаб, қуёш йўли билан жанубга бошлаган ва у ерда 600 йил ҳукмронлик қилган. Яна аҳоли кўпайиб зич бўлганидан, Йима ўз кишиларини 900 йил давомида аста-секин яна жануб томон кўчириб олиб кетади ва охирида орзу қилган ўлкаси Арионам Ваэжога етади. Йилнинг етти ойи илиқ қиш, беш ойи файзли гўзал ёз билан ўтган. Аммо Авестонинг бош образларидан ёвузлик худоси (руҳи) Анхра Майнйо (Ахриман) келиб, бу серунум сахий ўлкани сув билан таъмин қилиб турган дарёни «қирғин келтирадиган улуғ илон — қаҳратон қиш билан тўлдирган». Эндиликда бу ерда ўн ой қиш ва фақат икки ой ёз бўлган.

Айрим олимларнинг фикрича, бу афсонавий ўлка муқаддас Амунинг қуйи оқимида кўҳна Хоразм деб ҳисобланади. Археологик ва тарихий тадқиқотлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Беруний берган маълумотларга қараганда Хоразмга афсонавий қаҳрамон Сиёвуш келиб, дастлаб давлатга асос солган даври Хоразмга йил ҳисобининг бошланиш санаси «буюк кўчишлар» даврига тўғри келиши диққатга сазовор бўлиб, Берунийнинг хронологиясига анча яқин. Эрамизнинг X асрига қадар, ҳукмронлик қилиб келган мазкур афсонавий сиёвушийлар сулоласининг асосчиси Авестода Сиёворшон номи билан тилга олинади, унинг образи халқ дostonлари ва ривоятларида ярим худо қиёфасида гавдаланади.

Хоразм эртакларида жуда кўп учрайдиган девлар, аждаҳо ва бошқа турли ёвуз кучлар Авесто образларига тўғри келиши ҳам тасодиф эмас. Авестонинг айрим қиссалари Фирдавсий асарларида тилга олиниб, Сиёваршона ва Хусрав кўрсатган қаҳрамонликлар билан боғлиқ воқеалар Урва (Урганч) яқинидаги қўлларга бой ўлкада, Бурукаш (Орол) денгизи атрофларида ҳамда дахлар ва сарматлар (Волга бўйи даштлари) мамлакатаида рўй беради. Шу орада Буракаш денгизига яқин жойда Ардвиги (Амударё) ирмоқлари пайдо қилган оролларда «еттита киришвор» аҳоли яшаган энг қадимий вилоятлар юзага келган. Бу ерда Сасраок номли муқаддас ҳўкизга минган дастлабки авлодлар муқаддас маздакий оловини келтиради. Шу оловнинг энг қадимийси ва энг ҳурматлисини Йима (Жамшид) Хоразм тоғларидан бирининг чўққисига ўрнатади.

Йима эса буюк «Шоҳнома»да Жамшид образида намоён бўлади. Жам (йим киши исми) шид-нуроний

деган маънони англатади. Унинг подшолик қилган даври ёруғлик зулмат устидан, адолат ёвузлик устидан, инсонлар девлар устидан узил-кесил ғалаба қилган, ҳатто ўлим енгилган, ҳар бир дардга даво топилган замон деб таърифланади, эронийларнинг афсонавий тарихида «олтин давр» деб ҳисобланади. «Шоҳнома»даги бир афсонага кўра, Жамшид авлоди Хушанг Прометей сингари оловни кашф этиб, сада байрамида кишиларга ўргатиб, уни муқаддаслаштиради. Унда зардуштийлик динининг асосий эътиқоди оловга сиғинишнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳикоя қилади.

Шундан бери оташ қибласи бўлди,
Шуъласидан дилга ёруғлик тўлди,
Кеча киргач, ўт ёқиб айлади гулхан,
Гулхан атрофида аъёнлар билан
Ўлтириб бошлади базм ва байрам.
Сада деб ном берди дилдан ариб ғам
Сада базми ундан қолди ёдгор,
Хушангдек бўлсайди бари шахриёр...

Зардуштийликнинг энг муҳим белгиси унинг дуалистик характерга эга эканлигидадир. Унда ёруғлик, эзгулик худоси Ахурамазда (Ормузд) ва қоронғулик, ёвузлик худоси Ангра Майнью (Ахриман) орасидаги доимий кураш ётади. Асли Зардушт дини Ўрта Осиё қабилалари қадимий худолари образидан келиб чиққан. Икки худо — Варуна ва Митра — илк худоларнинг бошида турган. Бу жуфтликда жамоа ва давлат яратган қонун-қоидаларни ифодаловчи образлар Варуна жамият ахлоқий тартибларини бузган кишиларни жазоловчиси, Митра эса инсонларга яқин бўлиб, у кишилар ўртасидаги аҳд ва дўстлик худоси сифатида тасвирланади. Мазкур диний тасаввурлар ўрнида пайдо бўлган Зардуштийлик Варуна образини Ахурамазда (донишманд худо) сифати билан улуғлайди ва уни бутун коинот ва жонли мавжудотни, руҳларни, инсон ва жониворларни яратган ягона худога айлантирган. Бу бунёдкор парвардигор инсонга эзгулик ва ёвузлик, ҳақиқат ва ёлғонни танлаш ихтиёрини берган. Бунда тарихда биринчи марта ижтимоий зиддият ва ёвузлик муаммоси илоҳий образлар орқали ифодаланган.

Зардушт таълимотининг муҳим томони шундаки, у ижтимоий зулмга қарши курашиш имкониятини, бун-

да ҳам руҳ, ҳам инсон ўз йўлини танлаши лозимлигини баён этади. Мазкур ғоя буюк «Шоҳнома»да ҳам ўз аксини топган. Унда инсон ҳаёти кўринишларининг моҳирона тасвирларида, кишиларнинг ўзларига хос эзгулик ва камчиликларни, ижобий ва салбий томонлари тасвири ифодаланган. Иккинчи асосий ғоя яхшилик ва ёмонлик орасидаги азалий ва абадий кураш ғоясидир. Асарда зўр маҳорат билан дунё Ахурамазда бошчилигидаги яхшилик кучларининг Ахриман қўл остидаги ёвузлик лашкарларига қарши кураш сифатида талқин этилади. Тадқиқотчилар қайд қилганидек, «Шоҳнома»да ўтроқ аҳоли эронийлар уларнинг қўшнилари эзгулик кучлар мужассам ҳисобланса, туронийлар, румийлар ва бошқа барча кўчманчилар ёвузлик — Ахриман томонидан юборилган бало, деб тасвирланади. Фирдавсийнинг энг сеvimли образи Рустам ёвуз ниятли босқинчиларга қарши курашдан ғолиб чиқиб, ўз биродарига урушдан кейинги эл аҳволини таърифлаб шундай деб ёзади:

Бир четда қолади ростлик, аҳд-паймон,
Ҳурматда бўлади эгрилик, ёлғон.
Ҳақиқий жангчилар айланур ётга,
Лофчи, опқочарлар минишар отга,
Ҳунарсиз деҳқонлар бўлади аскар,
Мева бермай қўяр насаб ва ҳунар.
Пинҳона ошкордан баттарроқ бўлур
Шоҳлари тош кўнгил, бебошвоқ бўлур —
Ёмонлик ўйлайди отага бола,
Ўғилдан отанинг дилида нола...
Эронига араб турклар қотишиб,
Уруғ пайдо бўлур бари чатишиб,
На турку, на араб, на деҳқон бўлур,
Тили ҳазил-мазах, сўз ёлғон бўлур.

Асарнинг бош қаҳрамони номидан айтилган бу башорат сўзлар асли зардуштийлик динининг асосий ғоявий моҳиятини ифодалагина қолмай, балки бизнинг замонамиз муаммоларини тушунишга ёрдам берадиган муҳим ғоялар десак хато бўлмайди.

Қадим ўлкамизда пайдо бўлган буюк аждодимиз илк пайғамбар Зардушт таълимотининг энг зўр ва муҳим муаммоларидан бири икки ярим — уч минг йиллар муқаддам барча машҳур гуманистик асарларда ва халқ

ижодида куйланиб келган юксак ғоя инсон муаммосидир. Илк пайғамбар, унинг таърифича, барча одамлар эзгулик йўли ва ёвузлик йўлини ихтиёрий равишда танлашади. Бу ахлоқни эркин танлашда тарихий бурилиш даври, бир турмуш тартибидан бошқасига ўтиш учун характерли бўлган шахс озодлиги ўз аксини топган. Инсон мавқеини улуғлаб, Зардушт ўз наздида ҳақиқат, яъни тўғри турмуш тарзи тинч меҳнатдан иборат. Унинг фикрича, бу дунёда илоҳий кучлар марҳамати билан ва нариги дунёда катта қурбонликлар шарофати билан бахтга эришиш мумкин эмас. Тинч меҳнат, бойликларни жамғариш ва уларни муҳофаза қиладиган тежамкорлик ҳам мустаҳкам ҳокимият — Зардушт яратган Арта (ҳақиқат, тартиб)нинг мазмуни ана шундан иборат. Ҳеч бир бошқа динларда меҳнат ва тинчлик ғоялари бу тариқа улуғланмаган, инсон мавқеи бунча юқори кўтирилмаган. Бундай гуманистик таълимот юксак цивилизация заминидан пайдо бўлган давлатчилик тузумига хизмат қилиши табиийдир.

Шуниси қизиқки, Зардушт таълимотидаги инсон муаммоси оташин сатрларда жўшқин руҳда «Шоҳнома»да ҳам куйланади. Фирдавсий ўз достонида инсонга озор бермасликка, ёмонликнинг уруғини қуритишга давлат этади. Одам энг қимматли гавҳар, барча нарсанинг ижодкори инсон, унга ёмонлик раво кўрмаслик, деган фикрни илгари суради. Доимо тинчлик тарафдори қон тўкишга қарши бўлган Фирдавсий пайғамбар Зардушт сингари ҳаётни қадрлашга, инсонни эъзозлашга чорлайди.

Билиб қўй яхшимас қон тўкиш асло,
Бегуноҳларга ҳеч келтирма бало!
Сабабсиз жанг бошлар экан қай инсон,
Бўлур жигари қон, ранги зафарон...
Инсондан яхшилик, нур ва равшанлик,
Инсонсиз дунёда йўқ фаровонлик.

Зардуштийлик таълимотига биноан келажакда, юқорида қайд қилганимиздек, Ахурамазда ва Ахриман ёвуз девлар устидан ғалаб қозонади, бутун инсоният бирикиб, ягона тил ўрнатилади, барча одамлар фаровон ва тинч ҳаёт кечириладилар. Аммо «зиё салтанати», яъни жаннатга ҳаёт ўрнатилишидан олдин қиёмат қойим бошланади, бутун жонзотлар эриб турган маъдан ичидан ўтадилар.

Гаталарда бундай дейилади: «қип-қизил олов ва эриб турган маъдан синовидан ўтгач, Дурж (ёлғон, тартибсизлик руҳи) тарафдорлари зулмат салтанатига, Арта (ҳақиқат, тартибот руҳи) тарафдорлари эса зиё салтанатига тушадилар». Мазкур ғоя умуминсонни эзгу ниятларини ўзида мужассамлаштирган инсонпарварлик таълимоти асосида жамиятни бошқариб турган давлат тузумига хос мафкура бўлиб хизмат қилганлиги табиийдир.

Унда жаннат ва дўзах тасаввури қуйидагича таърифланган: «Келажакда ҳар кимнинг ўз эгаси бор. Ким Арамати (тинчлик) билан дўстлашса, ўша Ахурамазда ва Арта салтанатига тушади». Зардушт фикрича, ўлгандан сўнг кишининг руҳи жар устидан чинвот (исломдаги Сирот — И. Ж.) кўпригидан ўтиши керак. Бу кўприк тақводорлар учун кенг ва равон бўлса, ёвузлар учун қилдай энсиз бўлиб қолади ва оқибатда улар жаҳаннамга қулаб тушадилар.

Мазкур ғоялар кейинчалик иудаизм, христианлик ва ислом динларида ўз аксини топган эди. Жаҳон динларига ўтган охират таълимоти ва одамларнинг нариги дунёда худо олдида тенг бўлиши ғоялари ўша даврда Урта Осиё ва бутун Ўрта Шарқни ларзага келтирган, бой-зодагонлар ва руҳонийларга қарши қаратилган маздақизм номли халқ ҳаракатида ўз ифодасини топади. Маниҳой қоҳини Маздак бошчилигидаги диний ниқобда бошланган бу ҳаракатнинг ғояси «Шоҳнома»да жўшқин сатрларда куйланади:

Маздак оддий халққа фикр этиб изҳор,
Дерди: «Бою гадо — баробар зинҳор.
Кам ортиқ бўлмасин ҳеч кимнинг моли,
Бир бўлсин ўриш ва арқоқ мисоли,
Бойлик, бечоралик бўлмасин, токим
Тенглик бўлсин жаҳон мулкида ҳоким
Бир хилда яшасин қошшоқ билан бой.
Қашшоқда ҳам бўлсин оила, уй-жой
Ушбу эътиқодим менинг динимдир...»

Бундай демократик ва гуманистик ғояларнинг пайдо бўлиши Авестонинг энг қадимий қисми «гаталар» китоби изҳор қилинган ибтидоий жамоа тузуми анъаналарининг таъсири ва акс садоси эканлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки ундаги утопик социализм таълимнинг куртаклари ва демократия ғоялари асли анча

тараққий қилган шубҳасиз давлат тузумига эга қонун-қоидали жамият маҳсули бўлиб, бизнинг узоқ ўтмишдаги ажодларимиз биринчи жаҳон динининг муқаддас китобини оламга ҳадя этганлар. Улар инсон мавқеини меҳнат, тартиб, ахлоқ билан боғлаб, ғарб маърифатчиларидан ва утопик социализм кашфиётчиларидан минг йиллар олдин буюк инсонпарварлик туйғуларини меҳнат аҳлининг эзгу ниятларини биринчи бўлиб муқаддаслаштирганини алоҳида қайд қилишимиз лозим. Юртбошимиз Ислом Каримов асосли равишда айтганидек, ҳақиқатан ҳам, «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди».

Маълумки, ғарб тарихида машҳур реформатор (ислоҳотчи)лар ва маърифатчилар даври энг зўр ва ажойиб Ренессанс (Уйғониш) деб номланган даврни ҳозирги замон маданиятининг бешиги ҳисобланган антик Рим ва Юнонистон маданиятига қиёс қилиниб таърифланади. Асли дастлабки гуманистик ғоялар реформатор (ислоҳотчи)лик ҳаракати Ўрта Осиёнинг буюк фарзанди Зардушт пайғамбардан бошласак ҳақиқатга тўғри келади. Чунки унинг таълимоти нафақат инсонпарварлик ғояларини биринчи бўлиб илоҳийлаштириб дунёвий ҳаётни муқаддаслаштирган, унинг асосий ақидалари кейинги жаҳон динлари — христианлик ва исломнинг ақидавий ва ибодат қоидаларига ҳам замин бўлган.

Зардушт образи муқаддас Таврот, Инжил ва Куръонда куйланган пайғамбар тақдирига тўғри келиши ҳам тасодиф эмас. У ҳам муайян тарихий даврда Ўрта Осиёда дастлабки ижтимоий табақаланиш ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнида юзага келади. Оқибатда минтақада даставвал политеизм (хўп ҳудодик) ва кейинчалик монотеизм (якка ҳудодик) ғояларнинг умумий қонун-қоидалаштириш заруриятини мавжуд диний тасаввурларнинг танланиши ва тартибга солинишига сабаб бўлади. Бундай зарурат Ўрта Осиё шароитида реформатор сифатида Зардуштни биринчи пайғамбарлардан бири қилиб тарих саҳнасига кўтарган эди.

Юқорида қайд қилинганидек, Зардушт афсонавий шахс деб таърифлансада, асли тарихий образни ўзида мужассамлаштирган аммо кўп асрлик тарих илоҳиёт-

чиларнинг ижодий фаолияти туфайли афсоналарга чулганган шахс сифатида намоён бўлади. Зардуштийлик анъанасига биноан унинг ҳаёт даври эрамиздан аввалги VII аср охири — VI аср бошларига тўғри келади. Аммо мазкур таълимотдаги ғоялар узоқ даврлар шаклланиб келиши шубҳасиз. Бир қатор олимларнинг фикрича, Зардушт ўз тарғиботини Ўрта Осиёдаёқ бошлаган ва лекин бошқа пайғамбарлар сингари у ҳам ўз ватанида муваффақият қозонмагач бу ерни тарк этишга мажбур бўлган. Тарихчи И. М. Дъяковнинг ёзишига кўра, Зардушт узоқ саргардонликдан кейин Дрангиё (ҳозирги Эрон билан Афғонистон чегарасидаги) ўлкасига бориб, унинг ҳокими (кави) Виштаспа ҳузуридан паноҳ топган. Маҳаллий ҳоким янги диний таълимотни тарғиб қилишда пайғамбарга ёрдам берган.

Зардуштийлик таълимотида инсон муаммоси ва мавқеи унинг эзгулик ва ёвузликка бўлган муносабати билан ўлчанган. Эзгулик кучларининг узил-кесил ғалабаси Зардуштдан уч минг йил кейин, унинг қўлда сақланган уруғидан пайдо бўлган халоскор — Саошянта келгандан сўнг намоён бўлади (бу ғоя кейинчалик жаҳон ва бошқа динларга ўтган). Инсоннинг асосий бурчи одиллик турмуш тарзи «эзгу фикр», «эзгу сўз», «эзгу иш» орқали ёвузликка қарши кураш воситалари бўлиши зарур. Энг муҳим кураш воситаларидан бири моддий бойликларни кўпайтириш, фаровон турмуш яратишдан иборат. Авесто пантеонига кирган энг ҳурматли худолардан Қуёш ва нур худоси Митра ўз образида матриархат даврига оид белгиларни ифодаловчи ҳосилдорлик ва сув худоси Ардвисура Анахита диққатга сазовордир.

Яна бир ўзига хослик бу диндаги дафн маросими. Унга биноан тобут ва жасад билан боғлиқ кишилар (ўлик ювғучи) бутун умр нопок ҳисобланиб, улар олов, сув, муқаддас буюмлардан 30 қадам, бошқа одамлардан уч қадам узоқликда бўлиши, яъни яқинлашмаслиги шарт ҳисобланган. Шундай қилиб, табақаланиш диний жиҳатдан муқаддаслаштирилган. Ҳатто ётиш-туриш ҳам табақаларга қараб тайинланган. Масалан, хўрознинг биринчи қичқириши билан дастлаб олов меҳроби хизматчиси, иккинчи қичқиришида — деҳқон, учинчисида — бошқа одамлар уйғониши зарур.

Энди яна мазкур диннинг пайғамбари Зардуштнинг илк ватани Хоразмга қайтайлик. Кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотларга биноан С. П. Толстовнинг

ёзма манъбаларга ва археологик қазилмаларга асосланиб зардуштийликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги фикрлари яна ҳам мустаҳкамланади. Масалан, Зардуштийликдаги олов, сув, хаома, гуаш, Урвана ибодати билан боғлиқ худолар билан бирга табиат кучларини ифодаловчи маҳаллий рамзий маъбудалар мавжуд бўлган. Шулардан қадимий ҳинд-эронликлар, хоразмийликлар, бақтрияликлар, сўғдийлар, марғионаликлар ва ўрта осийлик «варвар»лар орасида кенг тарқалган Осмон ва Зам номли мовий ва ер маъбудалари, Хвар ва Мах номли Қуёш ва Ой маъбудалари диққатга сазовор. Тадқиқотчиларнинг мазкур номлар билан Хоразм этилмологиясини боғлаб, бу атама «Хвар» (офтоб) ва «Зам» (ер) сўзларидан келиб чиққан, деб фараз қилишлари ҳақиқатга анча яқин. Узоқ ўтмишда ёзма манбаларда тилга олинган бу улуг ва ажойиб ўлка афсона ва ривоятларда ҳам куйланган, «Шоҳнома» каби ноёб асарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлганлигини Фирдавсийнинг ўзи қайд қилади. Антик Хоразм давлатининг буюклигини дабдабали қалъалар ва қасрларнинг бизгача етиб келган сон-саноқсиз харобалари ҳам тасдиқлайди.

МИНГ ЙИЛЛИК СУЛОЛА ВА БУЮК ХОРАЗМШОҲЛАР ШАЖАРАСИ

Ҳар бири буюк бир уста дастхати,
Хоразм шонидан ўйма нақш ёдгор,
Бири юз йилларнинг ёрлиғи бўлса,
Барида минг йиллик тарих муҳри бор.

Омон Матжон

Машҳур тарихчи Наршоҳий ўзининг «Тарихи Бухоро» номли ажойиб асарида қадимий даврлардан «бу ерда халқ орасида хоразмликларнинг кумуш тангаси муомалада бўлган», деб ёзади. Антик даврни жиддий ўрганган С. П. Толстов экспедицияси Хоразм ҳудудида ниҳоятда кўпсонли танга нусхаларини топган эди. Бундай топилмалар нафақат Амударё ва Сирдарё воҳасида, узоқ-яқин мамлакатларда ҳам кашф этилган. Наршоҳийнинг таърифича, ҳатто VIII асрга келиб хоразм дирхамлари бухоро тангаларини сиқиб чиқарган.

Хоразм экспедицияси ходимлари афирғийлар давлатининг пойтахти ҳисобланган Тупроққалъа ҳароба-

ларидан ва унинг теварагидан, Норинжон ва Беркут-қалъа атрофларидан ҳам уларга яқин қасрлардан, Анқақалъа, Уллигулдурсун, Қўшпўрсан, Жилдиққалъа, Аёзқалъа каби ҳаробалардан дастлабки йиллардаёқ мингдан ортиқ танга нусхаларини, асосан мис тангаларини топганлар. Маълумки асли танга-сақа зарб қилиш нафақат давлатчилик, балки муайян давлатнинг мустақил эканлигидан далолат беради. Хоразм тангаларининг кўпчилигида, айниқса кумуш ва олтин тангаларида айрим подшоларнинг ёки афсонавий образларнинг зарб қилиниши ҳам бу ерда ўзининг ички ва ташқи сиёсатини олиб борган қудратли давлат тузуми мавжудлигини тасдиқлайди. Ҳатто кўпчилик тангалар муайян тамгаларга эга эканлигини инобатга олсак, бу давлатда нафақат мустабид подшолар, айрим вилоятлар ёки ҳокимдорлар мустақил социал-иқтисодий сиёсат олиб борган бўлса таажжуб эмас.

Шуниси қизиқки, эрамиздан аввалги I асрдан эрамизнинг VIII асригача, яъни араб истилосига қадар даврга оид топилган хоразм тангаларида тасвирланган чавандоз образи кўп жиҳатдан хоразмшоҳлар сулоласига асос солган афсонавий Сиёвуш образини эслатади. Қадимий афсона ва дostonларда тасвирланган, «Авесто»да Сиёваршан номи билан тилга тушган, паҳловий адабиётида ва машҳур «Шоҳнома»да ҳам, ҳатто Беруний асарларида ҳам Сиёвуш (яна бир диққатга сазовор номи Сиёвахш) фақат ярим худо — қаҳрамон сифатида тасвирланади.

Талқиқотчилар тангалардаги расмларга қараб уларни икки гуруҳга бўладилар: сиёвушийларнинг бизга маълум бўлган қадимги тамғаси босилган, кумуш танганинг ўнг томонига мунчоғ ёки тўқа билан безатилган думалоқ тож кийган соқолли подшонинг бежирим қилиб ишланган расми туширилган; танганинг тескари томонида — тантанали равишда қадам ташлаб бораётган отга минган чавандоз сурати ва бузилган қадимий юнон ҳарфларидан иборат ёзув. Шу тарздаги мис тангаларнинг реверс, яъни тескари томонида марказда хоразм ёзуви билан безатилган тамға белгиси; ўнг томонида соқолли ёки бесоқол тож кийган подшо сиймоси ромб шаклидаги мунчоқлар билан ҳошия қилиб безатилган расм. Иккинчи гуруҳга, анча кенг тарқалган, Ўрта Осиёнинг турли районларидан шимолда Тошкент водийсидан Шимолий Ҳиндистонгача «герай тангалари»

номи билан кирган тангалар ҳам бир томонида подшонинг бюсти, тескари томонида чавандоз тасвирланган бўлиб, жуда кўп топилган. С. П. Толстов таърифлаганидек, энг қадимги Хоразм тангаларининг Грек-Бақтрия тангаларига ўхшашлиги сулоалар ўртасидаги алоқаларга ҳам боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас, чунки қадимги замонда зарб қилинган аксарият тангаларга ана шу нарса хос эканлиги аниқ сезилади.

Танга муносабатини пайдо бўлиши давлатда социал-иқтисодий ва маданий баркамоллик ва осойишталик ўрнатилганлигининг ёрқин далилидир. Зўр цивилизация яратган маҳаллий элатлар моддий маданиятининг яна бир кўриниши ўша даврга оид археологлар кашф этган уй қурилиши ва рўзгор буюмлари, кийим-кечак ва безакларнинг намуналари, айниқса қаср ва қалъа ҳаробаларидан топилган тангалар, ҳайкаллар ва деворий расмларда аниқ тасвирланган. Ҳашаматли кийим сарполар кийган қандайдир афсонавий образлар шубҳасиз замонасининг тўқ фаровон яшаган задоганлар вакилларидир.

Топилмалар тасвирланган қадимий хоразмликларнинг кийим-бошлари Яқин Шарқдаги қабилаларнинг кийимлари билан жуда кўп умумийликка эга эканлиги уларнинг «фригия қалпоғи» ва узун қўнжли этиклардан тортиб, хотин-қизларнинг сарполари ва безакларигача ҳаммаси қадимги Ассирия (хетт) ва Эрон кийим бошлари, бўртма нақшкорлиги ҳамда грек санъати ёдгорликларидан маълум. Турли безак ва тақинчоқлар осган узун бурма балки ипак кийимлар кийган аёллар образи мамлакат аҳолисининг турмуш тарзи ва маданиятини тушунишга имкон беради. Мазкур тарихий алоқалар Марказий ва Ғарбий Евроосиё халқлари этногенези ва этник тарихининг баъзи ечилмаган муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради. Шуниси муҳимки, Ўрта Осиё халқлари яратган юксак цивилизация ва илк давлатлар энг қадимий даврлардан моддий-маданий жиҳатдан узоқ-яқин Евроосиё халқлари ва давлатлари билан доимий алоқада бўлиб турганлиги. Шунинг учун ҳам нафақат моддий маданият умумийлиги, савдо-сотиқнинг мустақамлиги, балки давлат бошқариш усуллари, солиқ системаси каби масалаларда ҳам яқиндан ўзлаштириш мавжудлигини аниқлаш мумкин.

Эрамиздан аввалги I минг йилликларда Грек-Бақтрия

давлати емирилиб, унинг ҳаробаларида Кушан империяси кўтарила бошлайди. Илк даврларда император Канишка (78—123 й.) ҳукмронлик қилган вақтда Хоразм ярим вассал сифатида Кушан империясига кирган бўлиши мумкин. Аммо эрамизнинг I—II асрларидан бошлаб Хоразмда маҳаллий шоҳларнинг тангалари зарб қилиниб кушан тангаларининг сиқиб чиқарилиши африғийлар сулоласи ҳукмронлик қилаётган Хоразм давлати илгаригидан сиёсий мустақилликка эришганлигини кўрсатади.

Аммо зўр қудратли Кушан давлати Канишка даврида жуда кенг ҳудудни ўз ичига олган, замонасининг буюк давлатлари Рим, Парфия, Хитой билан бир қаторда машҳур бўлган. Унинг чегаралари Ғарбда Орол ва Каспий денгизи бўйлариғача, Шарқда Қашғарларнинг Хутан шаҳридан Ганг бўйларидаги Банорасгача, жанубда Ҳинд дарёсининг қуйи оқимиғача чўзилган. Канишка ғолибона юришлардан ташқари мамлакатда катта қурилишлар қилган, кўп давлатлар билан иқтисодий, савдо ва сиёсий алоқалар ўрнатган. Кушан ҳудудида жуда кўп рим тангаларининг топилиши, Римга кушан элчиларининг бориши бунга далил бўла олади. Кушан тангалари эса айрим Олд Осиё ўлкаларида, Кама бўйларида ҳам топилган. Тарихчиларнинг хабар беришича, Хитойга буддизм Кушан империяси орқали тарқалган.

Кушан даврида унга қарашли ва қўшни мамлакатларнинг маданиятига таъсири зўр бўлган. Бу даврда пайдо бўлган гандҳар санъати, айниқса архитектура ва ҳайкалтарошлик намуналари Шимолий Ҳиндистонда, Бақтрияда, Қабул дарёси водийсида, Амударёнинг юқори қисмида сақланиб бизгача етиб келган. Машҳур гандҳар санъати Хитой, Ҳинд-Хитой, Япония ва Индонезия халқлари маданиятига зўр таъсир қилган ҳамда унинг анъаналари ҳозиргача сақланиб келмоқда. Кушан империяси давридаги дин, бинокорлик ва бадиий санъат соҳасидаги ўзгаришлар Хоразм маданиятига ҳам таъсир этган. Мазкур юксак маданият Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига, чунончи қадимги Бақтрия (Айртом обидаси), Тўхористон (Болаликтепа ёдгорлиги) маданиятлари ҳам асли гандҳар санъати анъаналарининг бевосита таъсири остида тараққий қилган. Натижада Хоразмда учрайдиган кушан даври ҳайкалчаларининг характери анча ўзгаради. Эндиликда ҳайкалчалардаги

кийим ва безаклар кангюй давриникидай серҳашам бўлмай, унда гандҳар санъатининг таъсири сезилиб туради. Янги типдаги ҳайкалчалар ҳинд кийимларидагидай анча ери очик бўлиб, бу ҳол унинг будда образлари билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Хоразмнинг Кушан даврига оид ёдгорликлари ҳам жуда бой ва ажойибдир. Бу даврда ҳам илгаригидай суғориш тармоқлари ривожланади ва такомиллашади, эски қалъалар қайта қурилади, янги қалъалар ва аҳоли яшайдиган пунктлар вужудга келади. Янги пайдо бўлган катта суғориш иншоотларидан Қирққиз ва Тупроққалъа каналларини айтиб ўтиш лозим. Воҳа чеккаларида кушан даври учун типик бўлган мудофаа иншоотларидан қуйи Чарманёпда Говурқалъа, Устюрт қирларида Девкесганқалъа бунёдга келади. Суғориш тармоқларининг ривожланиши натижасида Аёзқалъа, Қўрғошинқалъа, Тупроққалъа, Катта Гулдурсун, Кичик Қирққиз каби яхши мустаҳкамланган шаҳар ва қалъалар пайдо бўлади. Бу ёдгорликларнинг ичида Катта Гулдурсун, Қизилқалъа, Аёзқалъа, Говурқалъа, Анқақалъа ва ажойиб тарихий хазина бўлган Хоразмшоҳлар резиденцияси — Тупроққалъа алоҳида диққатга сазовордир. Антик Хоразмнинг илк пойтахти деб ҳисобланган мазкур обида ва унинг теварагидаги ёдгорликлар тўғрисида батафсил тўхтаб ўтиш зарур.

Катта Гулдурсун найзасимон шинакли қўшдевор билан ўралган нотўғри тўртбурчак (280—230 м.) шаклидаги зўр истеҳком бўлиб, у иккита катта сув иншооти — Қирққиз ва Тупроққалъа каналлари бир-биридан ажралган жойда қурилган. Ички ҳовлида илк кушан нухасидаги қизил лойдан ишланган сополлар ва катта иморатларнинг қолдиғи бор. Қалъа яқинида қазилган катта сув иншооти Норинжон шаҳри орқали ўтиб Тупроққалъага боради ва Қизилқалъа истеҳкоми олдида тугайди. Жилдиққалъа районидаги шоҳобчанинг кўп қисми ҳозир қум остида қолиб кетган бўлиб, этаги Аёзқалъадаги тоғ ён бағирларида пайдо бўлади. Бу каналнинг катталигидан ҳатто Тупроққалъа канали унинг шоҳобчаларига ўхшаб кетади. Мана шу зўр сув иншоотларининг бош қисмини мудофаа қилувчи ва сув тақсимлаш ишларини бошқарувчи марказий идора Гулдурсунқалъасида бўлса, эҳтимол. Бу канал ва шоҳобчаларнинг қуйи оқимларини Қизилқалъа, Аёзқалъа ва бошқа қалъалар қўриқлаган. Булар ичида Қизилқалъа

илк кушан даврида баланд ғишт пойдеворга қурилган анча қудратли истеҳком бўлиб, ундаги бинолар каттагина чегара соқчилигини олиб борган ҳарбий гарнизонга мўлжалланган. Қалъанинг ички қисмига ёппасига равоқли йўлаксимон бинолар қурилган. Қизилқалъа муҳим стратегик пункт бўлиб, у Хоразмшоҳлар резиденцияси — Тупроққалъани қадимги йўлдан ҳамда Амурарё томондан қўриқлаб турган.

Аёзқалъа ёдгорлиги кичик девор билан ўралган Султон Увайс тоғининг шарқий этагидаги йирик деҳқонларнинг қўрғонларидан иборатдир. Эҳтимол, қўрғон ичида боғ ва полизлар мавжуд бўлган. Бу жуда кўп деҳқон қўрғонлари орасида учтаси алоҳида ажралиб туради. Аёзқалъа қоясининг тепасини безаб турган Аёз — I деб аталган истеҳком ярим доира шаклидаги буржли баланд қўшдеворлар билан ўраб олинган. Қалъа бурчакларида иккибуржнинг бир-бири қўшилган «қалдирғоч думига» ўхшаш қизиқ шакл ҳосил бўлади. Бундай қурилиш усулини фақат илк кушанлар даврида қадимги Хоразмнинг ҳарбий истеҳком қурувчи усталари қўллаган. Кенг саҳро ўртасида баландга кўтарилиб турган Аёз — I ҳам Қизилқалъа каби Хоразмга шимолдан олиб борадиган йўл устидаги муҳим стратегик иншоот ҳисобланади.

Кушан империясининг шимолий чегараларидаги кучли мудофаа иншоотларига Говурқалъа ҳам киради. Қалъа Амударё қирғоғида, Султон Увайс тоғининг Ғарбий тизмаларини кесиб ўтган жойда, дарё ва дарё бўйлаб кетадиган йўлни мудофаа қилишга қулай бўлган баланд қоя устида қурилган. Бу истеҳком тахминан II—III асрларга оид бўлиб, мудофаа вақтида ундаги гарнизон таркибига ҳарбий кемалар ҳам кирган.

Қалъа ичида шимолий девор бўйлаб қурилган хона ҳаробаларидан иборат бўлиб, унда мудофаа гарнизони ўрнашган бўлса, эҳтимол. Қалъанинг шимоли Ғарб бурчагида квадрат шаклда қурилган зал алоҳида ажралиб туради. Зал деворлари сувоқ қилинган ва унга нақш берилганлиги билиниб турибди. Тўрт деворда тўрт топча бўлиб, ўртада тошдан усталик билан ясалган иккита тагкурси қўйилган. Устун ҳозирги ҳовлилардагидек ўйиб нақш берилган ёғочдан ишланган бўлиши, эҳтимол. Зални текширилганда лойдан ясалган, эркак кишининг бошини тасвирловчи ҳайкал алоҳида диққатга сазовордир.

Кушан империясининг сўнгги даврларидаги мудо-
фаа иншоотларидан яна бири Анқақалъадир. Бу ёдгор-
лик Кўйқирилганқалъадан икки километр шарқда,
қадимги қўрғон ва қишлоқ ҳаробалари ўртасида жой-
лашган. Шу ҳаробаларнинг бирида эрамизнинг III ас-
рига оид бўлган бошига бургутсимон темир қалпоқ кий-
ган шохнинг расми солинган хоразм мис тангаларидан
иккитаси топилган.

Мустақкам қўрғонлар пайдо бўлиши билан бирга
катта шаҳарлар ҳам вужудга келади ва сиёсий, савдо ва
ҳунармандчилик маркази сифатида ривожланади. Шаҳар
маданиятининг юксалиши мамлакатда жиддий ўзгариш-
лар бўлаётганлигидан дарак беради. Аммо ички зидди-
ятлар, тахтталашувлар туфайли бу даврга келиб Кушан
давлати инқирозга юз тутди ва эски ҳамда маҳаллий
сулола ўртасида ички сиёсий кураш кучайиб кетади.

Бундай муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни архе-
ологик тадқиқотлар асосида қўлга киритилган хилма-
хил маълумотлар орқали ҳам яққол тасаввур қилиш
мумкин. Текширишлар шуни кўрсатадики, бу даврда
суғориш тармоқлари жуда қисқариб кетади. Амударё-
нинг ўнг қирғоғидаги энг йирик икки магистрал канал
сафдан чиққан, учинчи канал зонаси анча қисқариб
кетган. Сўл қирғоқларидаги «қадимги суғориладиган
ерлар»нинг улкан суғориш тармоғи тамомила ишдан
чиққан. Маълум бўлган барча қадимги шаҳарлар, акса-
ри ҳарбий фожиалар натижасида яксон бўла бошлаган.
Булардан энг кўп фаолият кўрсатган ҳунармандчилик
ҳам оғир тушқунликка учраганлиги маълум бўлди.

Империяда рўй бераётган ижтимоий ва сиёсий
жараёнда Хоразм муҳим роль ўйнаган бўлса керак, чун-
ки танга пулларни текшириш натижасида олинган маъ-
лумотларга қараганда, III асрдаёқ ўз мустақиллиги учун
кураш бошлаган. Бу муносабат билан ички сиёсат лар-
зага келади, натижада Хоразм территориясида иқти-
содий ва сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиб олган қатор
айрим ҳокимликлар вужудга келади. Тупроққалъа са-
ройи залларнинг бирида бошига тож кийган ва қўлига
бургут ушлаган подшо ҳайкалининг топилиши, шунинг-
дек, Анқақалъа яқинида ҳам бошида тож, қўлида бур-
гут ушлаган киши расми солинган танганинг топили-
ши ва бу тангаларнинг шу жойда зарб қилинганлиги —
маҳаллий сулола ҳокимияти ўрнатилганлигидан гувоҳлик
беради. Топилган тангаларда латин алфавити билан «S»

ҳарфига ўхшаш сиёвушлар тангасининг борлиги, бу сулола сиёвушлар авлодидан бўлган бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Эрамизнинг III асри ўрталарида Кушан империясидагина эмас, балки бутун Ўрта Шарқда катта сиёсий ўзгаришлар рўй берди. Кушанлар сулоласи билан бир вақтда Парфия аршакидларининг ҳукмронлиги емирилади. Эронда давлат бошига сомониylар сулоласи келади ва у Ўрта Осиёнинг бир қисмини ўз қўл остига олади. Бу даврда Хитой империяси ҳам емирила бошлайди.

Аммо, Хоразмда кушанлар билан кураш ва ички сиёсий ларзалар қудратли маҳаллий сулолани вужудга келтиради. Бу сулола ўз тангаларини зарб қилади ва шаҳарларда ўзларига саройлар қуради, қўшни кучли давлатларда бўлаётган ларзалардан фойдаланиб бутун дунёга ҳукмрон бўлишга даъво қила бошлайди. Тангаларни текшириш туфайли олинган хулосаларга қараганда Хоразм мустақиллиги VIII асрнинг охирларигача давом этади.

Шундай қилиб, III асрдан Хоразмда кушанлар билан курашда ғолиб чиққан сиёсий гуруҳ — афригийлар сулоласига асос солинади. Бу янги сулола Тупроққалъага таянган ҳолда ўз ҳокимиятини дастлаб воҳанинг ўнг қирғоғида ўрнатади. Тупроққалъа ҳаробаларини текшириш унинг ҳақиқатан ҳам катта давлат таянчи — шоҳлар резиденцияси, балки пойтахт бўлганлигини кўрсатади.

Тупроққалъа ўзининг планировкаси, деворлари ва ундаги шинаклар, у ердаги хоналарнинг қурилиш ва мудофаа системаси билан антик даврдаги катта шаҳарларга ўхшаб кетади. Лекин у, айниқса ўзининг ажойиб санъат бойлиги билан алоҳида ўрин тутати. Шунинг учун буюк хоразмшоҳларнинг илк пойтахти ҳисобланган бу ажойиб тарихий обида Султон Увайс тоғларининг жануброғида, қадимий қалъалар районида жойлашган бу тилсимли қалъа ҳаробалари 17,5 гектар майдонни (500х350 метрни) ишғол этади. Кўринишдан тўғри бурчак шаклидаги Тупроққалъа шимолдан жанубга чўзилган бўлиб, атрофи катта қолипда қуйилган хом ғишлардан қурилган қалин ва баланд девор билан ўралган. Деворлар бўйлаб квадрат шаклдаги жуда кўп буржлар қад кўтариб туради. Қалъанинг шимоли-ғарбида эни ҳам, бўйи ҳам 180 метр келадиган икки қават қилиб солинган ҳашаматли сарой ҳаробалари кўзга ташланиб тура-

ди. Саройнинг учта буржи бўлиб, бу буржларнинг баландлиги ер сатҳидан 25 метрга етади.

Мана шаҳарнинг жанубий бош дарвозаси. Дарвозадан ичкарига кирилган заҳоти тўғри бурчакли қилиб солинган уйга дуч келинади. Афтидан, бу шаҳар соқчилари турган жой бўлса керак. Шу уйдан марказий куча бошланади. Ўн метр кенгликдаги бу куча тўғри ҳокимнинг саройига ва шаҳар ибодатхонасига олиб кирадиган дарвозага бориб тақалади. Шу кўчанинг охиридан ўнгга қараб кетган куча бозорга олиб чиқади. Бош кўчанинг ҳар томонида бир-бирига тўғри келадиган тор кўчаларда 9—10 тадан қаторлаб кўп хонали катта уйлар солинган. Қалъанинг ички архитектураси Жонбосқалъага ўхшаб кетади.

Ана шундай тор кўчалар ўртасидаги ҳовли-жойлар бир-бирига туташиб кетган бўлиб, улар орасида девор йўқдай кўринади. Туташ ҳовлилардаги хоналарнинг сони 200 гача боради. Бу нарсa Тупроққалъада истиқомат қилган аҳоли уруғчилик анъанасига асосланиб авлод-ма-авлод яшаганлигидан ва ижтимоий ҳаётнинг жуда қадимги шаклига мансуб бўлганлигидан далолат беради.

Ҳоким саройининг жанубий дарвозасидан бошландиган узун йўлакнинг охирида ўт ибодатхонаси жойлашган. Ибодатхона бир неча иншоотлардан ташкил топган. Иншоотларнинг ўртасида қўш деворлар билан қуршалган ва ичкарига айланма йўлаги бўлган тўғри бурчакли бино туради. Қадимий хоразмликлар ибодат қилган сўнмас ўт шу бинода бўлган.

Ўт ибодатхонаси билан ёнма-ён иккиқават қилиб ишланган, уч бурчакли ажойиб бино ўзининг ҳашаматли кўриниши билан кишини ҳайратда қолдиради. Бинонинг юқори қисмидаги девор ганчдан ишланган чиройли ҳайкалчалар билан безатилган. Сарой ва ибодатхона қурилишлари жанубий ҳамда шарқий тарафдан шинакли қалин ва баланд деворлар билан гир айлантириб ўралган. Саройнинг олдида балки хўжаликка оид 12 хона бўлиб, уларда ҳеч қандай безаклар учрамайди. Девор бўйлаб бурж ва дарвозалар қурилган саройга шарқ томондаги пандусдан кирилар эди. Пандуснинг охири турли ўсимликларга ўхшатиб нафис нақшлар солинган тор йўлак билан тугайди. Сарой шу қадар баланд қилиб солинганки, аҳоли яшайдиган ҳовлилар ундан жуда кичкина бўлиб кўринади.

Сарой биноларининг ўртасида ташқарига олиб чиқадиган катта хоналар, нақш ва ҳайкаллар билан безатилган зал бор. Археологларимиз топилган нарсаларнинг харақтерига қараб, бу хоналарга «шоҳан-шоҳлар зали», «зафарлар зали», «жангчилар зали», «буғулар зали», «ўймакорганч зали» каби номлар беришган.

Саройда булардан ташқари турли турар жойлар, хўжалик ва хизмат кўрсатиш бинолари, шунингдек устахоналар бор. Хоналарнинг деразалари йўқ. Ёруғ тушиб туриши учун туйнук қилинган. Пештоқ йўлаклари орқали хонадан хонага ўтилади.

Саройнинг кўча ёки ҳовлига очиладиган эшиклари, шунингдек, хоналардаги эшиклар хилма-хил ўйма-нақшлар билан безатилган. Уларда кишилар, ҳайвонлар, қушлар ва ҳатто тўлқинларда сузаётган балиқларнинг расмлари моҳирона тасвирланган. Арфага ўхшаш уч бурчак шаклдаги катта созда ўйнаётган аёлнинг, шунингдек дўмбирасимон икки оёқли мусиқа асбобининг пардасини ушлаб турган қўл расми ўзининг завқлантирадиган даражада усталик билан солинган, юзбетлари одам бадани ранги билан, кийимлари эса турли хил ранг билан бўялган, ҳайкаллар лой, сопол ва ганчдан ишланган.

Сарой биноларининг панжара ва пирамонлари ҳам нақшдор қилиб ишланган. Деворларга барглардан чамбарак қилиб гуллар солинган. Бу ердаги нақш ва безаклар қадимги Хоразм санъатининг ўзига хос ажойиб ютуқларга эришганлигидан дарак беради. Энг муҳими шундаки, тупроққалъаликларнинг юриш-туришлари, кийимлари, уйлари кўп жиҳатдан ҳозирги хоразмликларникига ўхшаб кетади.

1948—1949 йилларда қилинган энг ажойиб кашфиёт, саройнинг юқори қаватдаги хоналарнинг биридан қадимги хоразмликларнинг тери ва ёғочга ёзилган архивининг топилиши эди. Ундан ҳаммаси бўлиб 140 та ҳужжат чиққан. Шундан 122 таси терига ёзилган бўлиб, уларнинг кўпи чириб кетган. Терига ёзилган ҳужжатлардан 18 таси, тахтага ёзилганлардан эса 8 таси яхши сақланган. Бу ҳужжатларнинг асосий қисми маъмурий хўжалик масалаларига доир бўлиб, аромай типдаги алифбеда ёзилган.

Кушан давлати ўрнатилгандан кейин Хоразмда маҳаллий танга зарб қилиш деярлик тўхталиб, Кушан подишоларининг тангалари тарқала бошлади. Хо-

разм территориясида Кадфиз II, Канишка, Хувишка, Васудева номли подшоларнинг исмлари зарб қилинган 60 га яқин тангалар топилган. Кўп тангаларда илгариги маҳаллий сулола — сиёвушларга оид тамга мавжуд бўлган. Бу эса Кушан даврида ҳам Хоразм ўзининг мустақиллигини сақлаб қолишга интилиб келаётганлигини кўрсатади.

Демак, топилган тангалар асосида Кушан ҳукмронлиги ўрнатилгандан бошлаб, то Африғийлар давригача Хоразмда зўр тарихий ҳодисалар рўй берганлигини, ҳокимлик бир неча марта бир қўлдан иккинчисига ўтганлигини исботлаш мумкин. Танга намуналари, хўжаликка оид архив ҳужжатлари африғийлар давлатида бошқариш ва солиқ системаси такомиллашган ва муайян тартибга солинганлигини тасдиқлайди.

Шубҳасиз, Тупроққалъадан топилган жуда бой археологик материалларни пухта текшириш билан хоразмликларнинг III—IV асрлардаги хўжалик фаолияти, жумладан қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилиги, ҳарбий тузум, бадий маданияти ва ёзувини тўла равишда тасвирлаш мумкин.

Бутун Хоразмда шоҳларнинг тенги йўқ дабдабали резиденцияси бўлган Тупроққалъа саройи номаълум сабабларга кўра IV асрга келиб ташландиққа айланиб бўшаб қолади, шаҳардаги бўшлиқ эса VI асргача давом этади. Худди шу даврда Амударёнинг ўнг ва алоҳида сўл қирғоғидаги суғориш иншоотлари ҳам инқирозга учрайди. Катта магистрал каналларининг қуйи оқимидаги тармоқлари бутунлай ишдан чиқади. Қадимги Калтаминор сув системаси ниҳоят қисқариб кетади. Сўл қирғоғидаги суғориладиган кўп ерлар чўлу биёбонга айланиб, анча шаҳарлар ҳувиллаб қолади.

Африғ сулоласи шундай катта тарихий ўзгаришлар содир бўлган бир даврга тўғри келади. Дарвоқе, эра-мизнинг IV асрларидан бошлаб шундай кучли воқеалар рўй берадики, натижада Хоразмнинг бутун хўжалик ва жамият тузуми, маиший ва сиёсий аҳволи кескин равишда ўзгара бошлайди. Бу ўзгаришлар янги хилдаги истеҳком ва ҳовлиларнинг пайдо бўлишида яққол кўринади.

Қудратли қалъалар соясида сақланиб, мустаҳкам қурилмаган истеҳкомлар ўрнига далалар ўртасида деҳқонларнинг ўзбошимчалик билан мустаҳкамлаб қурган қўрғончалари пайдо бўлади. Бу қўрғончалар билан

бир қаторда зодагонлар яшайдиган ваҳимали янги қасрлар ҳам қад кўтаради. Воҳадаги дабдабали антик шаҳарлар тушкунликка учраб, жамият ҳаёти шаҳардан қишлоққа ўта бошлайди.

Шубҳасиз, Хоразм воҳасида рўй бериб турган бу муҳим ижтимоий-иқтисодий жараён Ўрта Осиёда авж олиб бораётган сиёсий воқеалар билан бевосита боғлиқ бўлган. Ажойиб тарихий обида Тупроққалъанинг қисқа муддатда, яъни бир неча асрда тикланиб, кейин инқирозга учраши минтақадаги жиддий ўзгаришларнинг ёрқин ифодаси эди.

С. П. Толстовнинг таърифича, Тупроққалъа шаҳари ва ундаги саройнинг қурилиши ҳам даставвал муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеа ҳисобланади. Чунки бу иншоотнинг бунёд этилиши тарихда «хоразм эрасини бошлаб берган воқеа, деб юксак баҳолайди Сергей Павлович. Сабаби эрамиздан аввалги II асрда дашт қабилаларининг босиб келиниши натижасида қудратли Грек-Бактрия давлати емирилиб, Парфия инқирозга учраб барбод бўла бошлайди. «Кангюй» маданиятининг тушкунликка юз тутиши Амударё этакларида ягона Хоразм давлатининг тикланиши ва кучайиши янги сулоланинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эканлигини намоён қилади. Балки африғийлар сулоласи сиёвущийлар аъъаналарини давом қилдириб ўз кучини кўрсатиш учун ҳашаматли Тупроққалъани бунёд қилгандир. Янги сулоланинг қуйи Амударё воҳасида пайдо бўлиб, хоразмшоҳлар билан боғлиқ янги йил ҳисобининг, Беруний кўрсатганидек, ўша даврдан бошланиши ҳам бежиз бўлмаган. Чунки мазкур шаҳар-қалъанинг яратилиши Хоразм давлатининг қайтадан тикланиб мустақилликка эришганлигининг рамзи сифатида африғийлар тахтининг мустаҳкамлиги ва унинг қадимий тарихий ва мафкуравий аъъаналар билан боғлиқлигини ифода қилиши мумкин. Бу фикрни тасдиқлайдиган яна бир далил — эрамиздан аввалги IV—III асрларда Хоразмда арамей ёзуви билан зарб қилинган африғий тангаларининг тарқалиши.

Тадқиқотчилар орасида Тупроққалъа мамлакатнинг пойтахти бўлганми ё пойтахт бошқа шаҳар ҳисобланганми, деган баҳслар ҳозиргача давом қилмоқда. Кўпчилик олимлар, жумладан С. П. Толстовнинг ўзи ҳам, мазкур обидани пойтахт билан боғлиқ давлатни бошқариб турган подшоҳлар резиденцияси деб ҳисоб-

лайдилар. Қурилиш услубига қараганда ҳашаматли сарой қасри билан шаҳар кварталлари эгаллаган ҳудуд сатҳи тахминан бир майдонга тенг (13 га ва 10 га). Эҳтимол бу ерда истиқомат қилувчилар асосан зодагонлар, хизматкорлар ва қўриқловчи аскарлар. Шаҳар ҳудудида бозор ва ҳунармандлар расталарининг йўқлиги ҳам мазкур фикрни қувватлайди. Асли Сарой биноси, унда топилган ёзма ҳужжатлар Тупроққалъа, шубҳасиз қулларнинг оғир меҳнати, меъморларнинг зўр маҳорати, ижодкорларнинг нафис санъати мужассамланган антик Хоразм социал тузуми ва давлатчилиқни ифодаловчи муқаддас ноёб обида ҳисобланади.

Тупроққалъани мамлакатнинг бош шаҳри, яъни пойтахти бўлмасдан, яъни сулола ҳукмдорларининг марказий резиденцияси вазифасини бажарганлигини тасдиқловчи қўшни Парфия подшоҳларининг истеҳкоми, кўшк-саройи ва ибодат маркази ҳисобланган Эски Ниса билан қиёс қилса бўлади. Аммо хоразмшоҳлар резиденцияси ўзининг планировкаси, қурилиш услуби ва баъзи функциялари билан Нисадан ажралиб туради. С. П. Толстовнинг фикрича, тупроққалъа архитектура-си кўп жиҳатдан Месопотамия иншоотларига ўхшаб кетади. Қалъада қурилган уйлар сатҳидан анча баланд кўтарилиб қурилган сарой бинолари муқаддас тоғни ифодаловчи қадимий шарқ иншоотларни эслатади. Бунга қурилиш услубидаги қадимий Бобил ва Ассирия билан хоразмликларнинг баъзи архитектура элементларининг умумийлиги мисол бўла олади. Бу ерда Месопотамия икки дарёлиги ўртасидагидек қалъа резиденцияси текисликда ўхшаш қурилиш техникаси ва планировкаси асосида тикланиши диққатга сазовор.

Балки мазкур умумийлик негизида Аҳамонийлар даврида Хоразм узоқдаги сатрап (қарам вилоят)ни бошқариш ва контрол қилиш мақсадида жануб сатрап ҳисобланган Месопотамиядан ҳар хил касбдаги кишиларни юбориб, улар Хоразмга ўзларининг қурилиш услуби ва архитектура анъаналарини, айрим мафкуравий тасаввурларини олиб келиб ўзлаштирганлар. Аммо аҳамонийларга қарам бўлган Хоразм ҳудудида Кўзалиқир ҳаробаларини текширганда, унда ҳам эрамиздан аввалги VI—V асрларга оид маҳаллий ҳокимнинг кенг сарой комплекси мавжуд бўлиб, Тупроққалъадан фарқ қилиб, анча архаик қуриш анъаналарини сақлаган. Бир асрча кейинроқ қурилган ниҳоятда мустаҳкам деворли Қалъа-

лиқир-І шаҳар саройи аксинча қурилиши жиҳатдан бир оз фарқ қилади ва аҳамонийлар саройларига кўпроқ ўхшайди. Балки Қалъалиқир-І истехкоми Хоразм сатраплигининг маркази ҳисобланган ва унга серунум бой ўлкани контрол қилиш, бошқариш ва солиқ тўплаш вазифалари топширилган, яъни сатрапнинг пойтахти бўлиб хизмат қилгандир.

Тешикқалъани текшириш шуни кўрсатадики, бу қаср катта ерли деҳқон оилаларники бўлган. Бу даврда деҳқон оилаларининг қаср ва қўрғонлари асосан катта-кичиклиги билан фарқ қилиб, зодагон деҳқонлар оддий деҳқонларга қарама-қарши социал гуруҳлар сифатида эмас, аксинча, булар ҳаммаси бир ижтимоий табақа ҳисобланган. Ўша вақтда маҳаллий зодагон «деҳқон» сўзи билан аталган. Демак, янги ижтимоий тузум — феодализм ҳали ғалаба қозонмаган, аммо унинг белгилари ҳамма ёқда сезиларли. Зодагон оқсуякларнинг дабдабали қасрлари катта сув иншоотларининг бошини аста-секин эгаллаб, оддий деҳқон қўрғонлари устидан ўз ҳукмини ўтказа бошлайди. Қўрғонларни мустаҳкамлашдан мақсад ташқи душмандан мудофаа қилишгина эмас, шунингдек, ўздан кучли зодагонлардан ўз озодлигини ҳимоя қилишни кўзлаган эди. Бу даврга оид баъзи бир манбалар Хоразмнинг ички аҳволида жиддий социал тўқнашувлар мавжудлигини кўрсатади. Воҳадаги истехкомларнинг мустаҳкамланганлиги, моддий ва маданий соҳада ўзига хос тор рамкадалиги — Хоразмнинг сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларидан ажралиб қолганлигини кўрсатади. Бу факт VIII асрга келиб араблар истилоси арафасида Хоразмшоҳлар олий ҳокимиятининг заифлашганлигидан дарак беради.

Африғийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврида шаҳарларнинг тушкунликка учраши ҳақидаги маълумотлар VII аср араб ёзувчилари ҳикояларида ҳам мавжуд. Ал Табарий 712 йилда Хоразмда фақат учта катта шаҳар Кат (Пил), Хазорасп ва Урганч борлигини хабар қилади. Эндиликда илгариги «мингта шаҳар»лар ўрнига ўн минглаб қаср ва қўрғонлар пайдо бўлади. Ал Мақдисийнинг ёзишича, X асрда африғийлар сулоласининг энг охириги кунлари арафасида фақат Маздаҳхон (Қорақалпоғистоннинг Хўжайли райониغا яқин) шаҳарининг атрофида 12 минг қўрғон бўлган. Хоразмнинг тушкун-

ликка учрашига яна бир далил — катта суғориш иншоотларининг ишдан чиқишидир. Бу даврда Амударёнинг чап қисмидаги энг катта сув системаси — Чарманёп канали ва ундан фойдаланаётган жойлар харобаликка айланади.

Бутун Ўрта Осиё территориясида содир бўлган бу янги ижтимоий ва сиёсий жараён марказлашмаган қудратли давлатларнинг ўрнига тарқоқ майда подшолик ва хонликларнинг пайдо бўлиши — араб истилосининг муваффақият қозонишида анча енгиллик туғдирган.

Тарихий манбаларга қараганда араблар Хоразмни истило қилишдан олдин унга икки марта юриш қилганлар: биринчи юриш 674 йили Халифа Муовия томонидан Убайдулла ибн Зиёд бошчилигида; иккинчиси эса 696 йили Хуросон ноиби Умайян ибн Абдулла бошчилигида амалга оширилган. Бу юришлар асосан талончилик мақсадини кўзлаган.

Ўрта Осиёни, шу жумладан Хоразмнинг босиб олиниши VIII аср бошларидаги Хуросон ноиби Қутайба ибн Муслим номи билан боғлиқ, 712 йили эса Қутайба лашкарлари Хоразмни забт қилади. Хоразмни забт қилиш оғир шароитда ўтган эди. Манбаларга биноан Чағон номли Хоразм шоҳи халқ кўзғолонларининг бошида туриб унга раҳбарлик қилган ўз укаси Хурзоддан қўрқиб, 711 йилда Қутайбадан ёрдам сўрайди ва унга ўз шаҳарларининг олтин калитларини юборади. Қутайба Хоразмга келиб, Хурзодни тормор қилишда унинг акасига ёрдам беради. Араб муаллифларидан Таборийнинг ҳикоя қилишича, Хоразмшоҳнинг укаси Хурзод ўз тарафдорларига суяниб қонуний шоҳни мамлакатдан ҳайдаб, ҳокимиятни тортиб олган. У шоҳ тарафдорлари бўлган Хоразм аслзодаларини қаттиқ жабрлаган, уларнинг мол-мулкани, чорвасини, қизларини, сингилларини ва хотинларини тортиб олган. Аслида Хурзод кўзғолони маздакийлар ҳаракати типигаги аксилфеодал характерга эга бўлиб, зодагонларга қарашли ҳарамларни йўқотиш, хотин-қизларни феодаллар томонидан тортиб олинишини тугатиш ва қадимий жамоа анъаналарини тиклашга қаратилган эди.

Бинобарин, Хурзод сиймосида жамоалар билан иттифоқ тузиб ва бу иттифоққа таяниб ҳаракат қилиш орқали қудратли заминдор зодагонларнинг ажралиб

чиқиш тенденцияларига қарши кураш йўлларини қидирган қадимий сулолалардан бирининг намояндасини кўрамыз. Кавод, эфталит подшолари, Абруй ва кейинги асрларда ўтган бошқа давлат арбоблари ҳам худди шу йўлни тутган эдилар.

Қутайба лашкарлари унинг укаси Абдурахмон саркардалигида Хазорасп остоналарида пайдо бўлади ва Хурзодни асир олади. Даставвал араблар кўзни чалғитиш учун Сўғд томонга юриш қилган эдилар. Хоразм шоҳи хоинлик қилиб ўз қўшини ва халқи диққатини тезда шу томонга жалб қилиб, бу ёлғон хабар билан босқинчиларга кутилмаган пайтда зарб бериш имконини туғдирган эди. Тўсатдан қўлга тушган Хурзод билан бирга тўрт минг асирни истилочилар ўлимга ҳукм қилдилар. Шунинг ўзи ҳам Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олинishi учун замин яратиб берган эди. Қутайба бу билан чекланиб қолмай, хоразмликларнинг тарихий адабиётини ва маданий меросини яратган ва сақлаб келган олимларни қириб юборди ва қувғин қилди. «Қутайба ибн Муслим Бахилий Хоразм хаттотларини ҳалокатга дучор қилганидан, — деб ёзади Беруний, — руҳонийларни ўлдириб, уларнинг китоблари ва ёзувларини куйдирганидан сўнг, хоразмликлар саводсиз бўлиб қолдилар ва ўзларига лозим бўлган масалаларда ўз хотираларигагина ишонганлар». Хоразмшоҳ араб лашкарбошиси билан тузган шартномага биноан талон-тарож қилинган аҳоли ҳисобига йилига ўн минг бош мол солиғи тўлаш мажбуриятини олади.

Арабларнинг кетиши билан Хоразмда янгидан кўзғолон кўтарилиб, кўзғолончилар ўз ватанини сотган шоҳни ўлдирадилар. Бу эса, Беруний ва Ибн ал Асирнинг ёзишича, Қутайбанинг Хоразмга иккинчи марта юриш қилишига сабаб бўлади. Хоразмни қайтадан забт қилган Қутайба ўлдирилган шоҳ ўрнига укаси Асқажамуқни тахтга ўтказди, унга ёрдамчи (волий) қилиб, ўз укаси Абдуллаҳни белгилайди. Африғийлар билан яқинлашиш мақсадида, ҳатто укасини Хоразм шоҳининг қизига уйлантиради.

Шундай қилиб, Хоразм ўз мустақиллигини йўқотиб, араб халифалигига қарам бўлиб қолади. Бу ҳолат ички ва ташқи зиддиятнинг яна ҳам кучайишига, ниҳоят араб истилоси арафасидаги иқтисодий тушкунликни яна ҳам жиддийлаштиришга олиб келади. Бундай фожиали воқеани тушуниши учун араб истилоси арафа-

сидаги ўлканинг социал-иқтисодий аҳволига бир назар ташлайлик.

Араб лашкарлари Хоразмга келишдан бир оз илгари маҳаллий аҳолисининг жойланиш манзарасини Бургутқалъа харобалари атрофидаги жуда кўп қалъача ва қасрлар ҳувиллаб ётганлигини гувоҳи бўламиз. Ҳар бир қаср баланд деворлар билан ўралган мудофаа иншоотларини эслатиб, ўша даврда аҳоли қандайдир ҳарбий хавф остида яшаганлигини кўрсатади. Тахминан 25 км. узунлигида, 2—3 км. энига кўҳна қадимий канал бўйлаб чўзилган воҳада юздан ортиқ мустаҳкамланган катта-кичик ҳовли-қасрлар жойлашганлиги аниқланган. Улар шимолда Қирққиз қалъасигача, жанубда Тешикқалъа қасригача юз-икки юз метр оралигида қурилган катта ҳашаматли шинакли деворлар билан мудофаалаштирилган қасрлар ва майда деҳқонларнинг ҳовлиларидан иборат бўлган.

Мазкур катта донжон (қаср)ли қалъачалар африғийлар давридаги зодагонлар турар жойи бўлса, майдароқ қаср-ҳовлиларда катта патриархал типдаги эркин деҳқонлар оилалари истиқомат қилган. Берқут қалъа воҳасида яшовчи аҳоли асосан бош каналга яқин жойда қаср қурдирган ва уларнинг жойланиши табақаларга қараб сув соҳасида каттароқ ёки бойроқ зодагонлар ёки жамоа бошлиқлари, сув этагида камбағалроқ майда қасрлар қад кўтарган. Демак феодал табақаланиш жараёни мустаҳкамланган қаср-қалъа архитектурасида ўз ифодасини топган. Аммо юзлаб қаср-ҳовлилар муайян қону қариндошлик тамойилига асосланиб айрим гуруҳларни ташкил қилган. Бундай африғийлар қишлоқларининг тузилиши асли илк феодал тузуми билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб турибди.

Бургутқалъа комплексига кирган ўзига хос қишлоқ қаср-ҳовлилари араб истилоси туфайли IX асрларга келиб харобаликка айланиб аста-секин сўнади. XI—XII асрларда воҳа тақирликларга айланиб, бу ерда яхши сақланган баъзи қасрлар чегара ҳарбий аскарларининг турар жойига айланган. Стратегик жиҳатдан муҳим ҳисобланган Аёзқалъа ва Тешикқалъа бунга мисол бўла олади.

Бургутқалъа мисолида бу воҳа қўрғонларини ўрганиш натижасида шаҳарқалъалар атрофидаги ҳовлилардан иборат қишлоқ манзилгоҳлари деҳқон аҳолисининг

кўпчилик бўлиб яшайдиган оилалардан иборат жамоа структурасининг ўзига хослигини аниқлаш мумкин бўлди. Айрим манбалар ва археологик маълумотларга кўра, ўрта асрлар, африкийлар давридаги хоразмликлар маданияти, афтидан, кўпроқ шимоли-шарқдан, Сирдарёнинг қуйи оқими ҳамда Оролбўйи минтақаларидан келиб қолган сўнгги сак қабилалари иштирокида вужудга келган

Хоразм қишлоқ манзилгоҳлари ва турар жойларини (I—XIV асрлар) ўрганиш натижасида уларнинг ўша замондаги эволюциясини кузатиш, фақат ер эгаллиги ва ердан фойдаланиш масалаларини кўриб чиқишгина эмас, балки хоразмликларнинг замонавий меъморчилиги ва бинокорлик техникасининг теран илдизларини ҳам аниқлаш мумкин бўлди. Масалан, турар жойни режалаштиришнинг VII—VIII асрларда кенг тарқалган икки туридан ҳозирги Урганч ва Хивада ҳам фойдаланилади. Қишлоқ турар жойларини режалаштиришнинг деярли икки минг йиллик давр мобайнида бу қадар барқарор сақланиб қолиши оила шакллари-нинг, кўп кишилиқ оила жамоаларининг эволюциясини ва маҳаллий аҳоли этногенетик жараёнларининг бошқа жиҳатларини тадқиқ қилиш учун имкон яра-тади.

Сарҳадлари Каспий денгизидан Хўтангача ҳамда Хоразмдан Шимолий Ҳиндистонгача бориб тақалувчи қудратли Кушан давлатини, кейин эса эфталитлар давлатини барпо этган, илдизи массагетларга бориб тақалувчи халқларнинг Ўрта Осиё ҳудудида етти аср давомида ҳукмронлик қилиши фақат ажойиб санъат асарларидагина эмас, балки аҳолининг этник таркибида ҳам ўз изини қолдирди.

В. В. Бартольд VIII асрдаги Хоразмни назарда тутган ҳолда: «Араблар бу ерда атрофдаги вилоят аҳоли-сидан кийим-кечаги билан ажралиб турувчи ҳамда бошқаларга тушунарли бўлмаган ва ёзма ҳужжатларда ҳам ишлатиладиган алоҳида тилда гаплашувчи ўзига хос аҳолига дуч келдилар», — деб ёзган эди у.

Тарихий-археологик маълумотларга қараганда, араб истилоси арафасида Хоразм жиддий тангликни бошдан кечирмоқда эди. Бу пайтда Хива, Шовот Тупроққалъаси, Кўҳна Урганч шаҳарлари таназзулга юз тутди, Капарас, Қалъажик қалъаларида, Хива шаҳри яқинидаги Тупроққалъада, Тўққалъада ва бошқа жойларда ҳаёт

сўниб борди. Суғориладиган экин майдони кескин қисқариб кетди, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши таназзулга юз тутди. Ички кризис туфайли заифлашган Хоразм ўз ҳудудида кириб келиб, воҳада ўтроқ бўлиб қолган ярим кўчманчи ва кўчманчи қабилалар сиқувига дош беролмади. Бу омилларнинг бари хоразмликларнинг социал ва этник қиёфасига ўз таъсирини ўтказди.

Хоразмда, Кўҳна Урганч ва Хивада шаҳар бўшлиғи тикланиб мўғул истилоси арафасида гуркираб ривожланди. Ёзма манбалар ҳам, археологик қазилмалар ҳам бундан далолат беради. Бу ерда янги меъморий иншоотлар қад кўтарган, янги масжид, минора ва мадрасалар қурилган, карвонсаройлар барпо этилган, қалъа деворининг бузилган қисми тикланиб мустаҳкамланган.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, айрим тадқиқотчилар таърифича «бутун Ўрта Осиёдаги каби, Хоразмда ҳам VII—XII асрларда шаҳарлар янгиларини қуриш ҳисобига эмас, балки, асосан эскиларини тиклаш ҳисобига ривожланди. XI—XII асрларда воҳа сарҳадларида қалъалар жадал қурилганлиги, янги шаҳарлар бунёд қилинганлиги археологик жиҳатдан қайд этилган. Бироқ янги шаҳарлар майдони катта бўлмаган». Шундай бўлсада, археологларнинг сўнгги қазилмаларидан маълум бўлишича, бу қалъалар атрофида камида 1—1,5 километр кенгликда анча зич ҳовли-жойлар қурилган, улар алебастр ва сирли кошин билан безатилган. Бу ерда катта-катта карвонсаройлар ва бошқа иншоотлар барпо этилгани ҳам хоразмшоҳлар даврида шаҳарлар ривожланганидан далолат беради. Олтин Ўрда хонлиги даврида янги қалъалар, карвонсаройлар ва шаҳар атрофидаги турар жойлар анча жадаллик билан қурилган.

Африғийлар даврига оид обидаларни қазиб текшириш Хоразм давлатининг VI—VIII асрлар ва илк ислом давридаги ўлканинг социал-иқтисодий бўшлиғини аниқлашга имкон беради. Даставвал йирик шаҳар-қалъалар атрофида мусулмон давригача юзлаб қаср-ҳовлиларнинг пайдо бўлиши бу ерда феодал мулкчилиги ва давлатчилиги шакллана бошлаганлигидан далолат беради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, араб-форс муаллифларнинг IX—XI асрларда Ўрта Осиёда шаҳарлар теварагида юзлаб қаср (кўшк)лар тўғрисида ёзишлари, мазкур ҳудудда, балки бу ерда бой феодал зодагонлари

билан бирга «савдо капитали»га эга йирик савдогарлар ҳам юзага келганлигидан дарак беради. Аммо Хоразмдаги йирик ер эгалари истиқомат қилган катта қалъачалардан ташқари, ҳали қарам бўлмаган жамоачилик тузумида яшаб келаётган мулкдор борлигидан маълумотлар мавжуд. Хоразм воҳасида 150—200 метр масофада жойлашган юздан ортиқ қаср (кўшк)ларда катта оилали деҳқон жамоалари яшаганлиги аниқланган. Масалан, араб сайёҳи Истаҳрийнинг таърифича Бухородаги учта шаҳар ариқлари бўйлаб тўрт минг «қаср» мавжуд бўлган. Наршоҳий таърифича, араблар келиб Бухородан ҳайдалган кушан савдогарлари шаҳар атрофида 700 «қаср» тиклаганлар. Ёқубнинг ёзишига қараганда, кичкина Усрушона вилоятида 400 «қаср» мавжуд бўлган, атоқли араб сайёҳи Мақдисийнинг бизга етиб келган ёзувларига биноан Хоразмда кичкина Маздахкон шаҳари атрофида «ўн икки минг қаср» мавжуд экан.

Бундай маълумотлар, шубҳасиз, бутун Ўрта Осиёда араб истилосидан кейин, айниқса X—XII асрларда социал-иқтисодий жиҳатдан жиддий жараёнлар бўлганлигини кўрсатади. Шаҳар маданиятининг гуркираб ўсиши, унинг атрофида аҳолининг кўпайиб қўшқу-биёбонларнинг, қаср-ҳовлиларнинг кўпайиб кетиши, савдо-сотиқнинг ривожланиши минтақада, шу жумладан Хоразмда ҳам давлатчиликнинг равнақ топишидан, янги сиёсий тузумнинг мустақкамланишининг ёрқин ифодаси эди.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, бу даврда хоразмликлар эмиграцияси кучайиб қўшни мамлакатларда Хоразм колониялари пайдо бўла бошлайди. Айрим муаллифларнинг ёзишича хоразмликларнинг кўпи қўшни мамлакатларнинг шаҳарларида жойлашганлар. Масалан, тарихий маълумотларга қараганда, «Хуросонда биронта катта шаҳар йўқки, унда кўплаб Хоразм аҳолиси яшамасин... Уларнинг мамлакатаида олтин йўқ, қумуш қонлар ҳам, қимматбаҳо тошлар тўғрисида эса сўз ҳам бўлиши мумкин эмас: бойликнинг катта қисмини турклар билан савдодан ва мол боқиб кўпайтиришдан топдилар. Қўшни турк қуллари билан бир қаторда, славян ва хазор қулларининг катта қисми, дашт тулкиси, соболь, тулки, қундуз мўйнасининг катта қисми ҳам уларнинг қўлига тушадди».

X асрда Хоразмнинг йирик ҳунармандчилик, деҳ-

қончилик ва чорвачилик марказига айланганлиги ва хоразмликларнинг иқтисодий жиҳатдан фаоллигининг тез суръатлар билан ўсганлигини исботловчи маълумотлар ал Мақдисий асарларида ҳам ёзиб қолдирилган. У Хуросон музофотларидан халифалик ўлкаларига чиқариладиган молларни тасвирлар экан, энг узун рўйхатни Хоразм моллари учун тузади:

«Хоразмдан — соболь, кул ранг олмахон, оқ сичқон, дашт тулкиси, сувсар, тулки, қундуз, бўялган қуён, эчки, мум, камон ўқи, оқ терак пўстлоғи, қалпоқ, балиқ елими ва балиқ тиши чиқарилади; қундуз териси, анбар, кимухт (терининг бир тури), мис, ўрмон ёнғоғи, лочинлар, қилич, совут, қайин, славян қуллари, қўй ва сигирлар — буқаларнинг ҳаммаси бўлғордан келади. Хоразмда узум, майиз, печенье, кунжут, йўл-йўл кийим-бошлар, гиламлар, кўрпалар, ажойиб кимхоб, «мулҳам» деган чойшаб, кул рангли кийимлар, энг кучли одамлар эга оладиган камонлар, алоҳида бир хил пишлоқ, зарбдор, балиқ тайёрланади. У ерда кемалар ясалади, ясалганда ҳам ниҳоясига етказилади». Бу рўйхат Хоразмда айрибошлаш муҳим роль ўйнаганлигини ва бу ўлка Буюк Ипак йўли чорраҳасидаги муҳим транзит савдо марказларидан бирига айланганлигини яққол кўрсатади.

Хоразмшоҳлар давридаги иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг гуриллаб ўсиши ёзма манбалардагина эмас, шунингдек моддий-маданий ёдгорликларда ҳам ёрқин кўринади.

XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида, шоҳ Текеш (1172—1200) даврида, Хоразм кучайиб, шарқдаги энг қудратли давлатлардан бирига айланади. Буюк хоразмшоҳлар даврида илгари чўлга айланган Чарманёп воҳасида маданий бўшлиқ тикланиб, Шоҳсанам, Змухшир, Говурқалъа, Девқалъа, Қалъалиқир — 2 каби қадимий шаҳар ва истеҳкомлар қайтадан жонланиб кетади. Катта Чарманёп каналининг сув билан таъминланиши қудратли марказлашган давлат борлигидан далолат беради.

Текширишлар XI—XII асрларда Хоразмда темирчилик, кулолчилик, шиша ва қурилиш касбларининг жуда ҳам тараққий қилганлигини кўрсатади. Бу даврда янги қурилиш материали — пишган ғишт ишлатила бошланади ҳамда биринчи марта деразаларга ойна қўйилади. Дераза ойнасининг қолдиқлари Хоразмда Ўрта Осиёнинг бошқа ерларига нисбатан энг

аввал топилган. Уйларининг ички архитектурасини безашда деворга чизилган расмлардан ташқари, ўйма нақш берилган ёғочлар ҳам ишлатилади. Бу эса Хоразмнинг қудратли давлатлиги туфайли маънавий маданият ва тасвирий санъатнинг янги юқори босқичга кўтарилганлигини кўрсатади.

Бундай ёдгорликлардан анча тўла текширилгани қадимги Чарманёп каналининг этагидаги афсоналарга чулганган, дostonларда куйланган Шоҳсанам истехкомидир. Ёқут асарларида кўрсатилганидек, унинг илк Ўрта асрдаги Субурни шаҳри харобалари билан боғлиқлигини олимлар исботлаган. Шаҳарнинг номи ҳам (Сув бурни) унинг сув этагида ўрнашганлигини кўрсатади.

Шаҳар девори XII асрда қурилган бўлса-да, аммо ўз антик анъаналарини сақлаганлиги билан ажралиб туради. Девор антик даврдаги хом гиштдан қурилган. Девор қадимги қалъалардагидек икки қават бўлиб, ундаги шинакларнинг шакли рўмбага ўхшаганлиги билан фарқ қилади. Шаҳарнинг жанубида кенг майдонни эгаллаган боғ бўлганлигини кўрсатувчи белгилар, боғ чеккаларидаги ҳашаматли иморат харобалари кишига Ғариб ва Шоҳсанам достонидаги чуқур маҳорат билан тасвирланган кўшк боғини эслатади.

Субурнининг шимолида жуда кўп учрайдиган қўрғонча харобалари, кичик сув иншооти қолдиқлари ва катта қабристон диққатга сазовордир. Айрим қабрларнинг сағанаси ганч билан ўймакор қилиб ишланган. Шаҳардан 8 километрча шимолда ойна ва ойна буюмлари ишлайдиган катта устахона қолдиқларининг топилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўрта Осиёда техниканинг тараққий қилганлигидан дарак беради.

Шаҳардаги иморатларнинг энг ҳашаматлиси катта мачит харобаларидир. Мачит меҳробидаги жимжимадор ва нафис нақшли ёзувлар кишини ҳайратда қолдиради. Мачитдан хоразмшоҳ Текеш зарб қилган танга топилган. Топилган нарсалар орасида жуда кўп маиший буюмлар ҳам бор. Булар ичида ҳаммаёғи нақшдор ёзув билан чиройли қилиб ишланган жез қозон алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, жез ва суякдан дастаси хўроз бошига ўхшатиб ишланган бигизлар, ҳар хил ойнадан ишланган ҳамда экспедиция тарихида биринчи марта топилган Кушан империясининг сўнгги даврларига оид кумуш танга, тошдан ишланган қозон ва бошқа буюмларни кўрсатиш мумкин.

Текширишларга қараганда, Шоҳсанам истеҳкоми антик даврда, яъни эрамиздан аввалги I минг йилликнинг охирларида пайдо бўлиб, унда ҳаёт бутун Кушан империяси давомида мавжуд бўлган. Аммо африғийлар даврига келиб, бу қалъа харобаликка айланади. Буюк хоразмшоҳлар даврида у ерда ҳаёт қайтадан тикланади, аммо мўғуллар истилоси даврида яна сўнади. Бу даврга оид ёдгорликларнинг ичида стратегик жиҳатдан муҳими — Амударёнинг баланд чап қирғоғидаги Қизқалъадир. Адирнинг тепасидаги бу баланд қирғоқ мудофаа жиҳатидан қулайлиги учун қалъа жуда мустаҳкам бўлган. Унга жанубдан тор қия йўлаксимон пастлик ўтиб, афтидан, бу ўша вақтда истеҳкомга киралиган пандус бўлган. Баландликни ўраб олган девор бўйлаб қалъа гарнизонидаги кишилар учун турар жойлар қурилган.

Археологик маълумотларга қараганда, Қизқалъа ва Йигитқалъа ёдгорликларида ҳам XII аср ўрталари ҳамда XIII аср бошларигача, яъни мўғуллар истилосигача ҳаёт давом қилган.

Қаватқалъа комплексига кирувчи ёдгорликлар буюк хоразмшоҳлар даврининг ижтимоий-сиёсий ва маданий қиёфасини тўлиқроқ билишга ёрдам беради. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу даврда Хоразмнинг ижтимоий-иқтисодий тузумида катта ўзгаришлар рўй берган. Африғийлар даврида бир табақага қарашли бўлган озод деҳқонлар ишлаб чиқариш усулининг тубдан ўзгариши туфайли кучли давлат аппаратига таянган эзувчи феодал ва эзилган деҳқонлар табақаси ажратиб ташланган эди. Африғийлар даврида жиддий тус олган ўзаро урушлар ўрта асрнинг барқарор бўлиши билан тугаб, тинч ҳаёт аҳолининг хавфсизликка бўлган ишончи билан алмашинади. Илгариги мустаҳкам қалъалар ўрнига энди феодалларнинг ҳашаматли кўшклари ва деҳқонларнинг мустаҳкамланмаган қўрғонлари пайдо бўлади.

Бу ўзгаришлар моддий-маданий ёдгорликларидан Говхўра канали воҳасидаги қаватқалъа комплексига кирган ёдгорликларда айниқса сезилиб туради. Говхўра воҳаси шу ном билан аталган канал бўйлаб, эни 2—3 километр, узунлиги эса 15 километргача чўзилган сон-саноқсиз қалъа, қаср ва қўрғон харобалари билан банд бўлган территориядан иборат. Қаватқалъа атрофида 8 км. майдонни эгаллаб ётган жойнинг ўзидагина тўқсондан ортиқ истеҳком борлиги аниқланди.

Воҳа марказида унча катта бўлмаган шаҳарчага ўхшаш мустаҳкам қалъа (сатҳи 160x190 м) бўлиб, унинг ўртасида ҳашаматли пахсага ўйма нақш берилган сарой харобалари бор. Қалъа атрофидан ўтган Говхўра канали бўйлаб шу даврга хос яна тўртта ҳашаматли қаср бор. Тўрт бурчак шаклидаги шинаксимон аркли истехкомларнинг бурчаклари нақш берилган қиррали буржлар билан мустаҳкамланган. Аммо қалъа деворлари антик мудофаа иншоотларидай қалин бўлмай, мудофаа мақсадида қурилмагандай бўлиб туйилади. Айрим қаср деворларига ҳам нафис ўйма нақшлар берилган.

Қасрлар атрофида сон-саноксиз майда ер эгалари ва деҳқонларнинг қўрғонлари жойлашган. Қўрғонлар бир-бирига яқин қурилган бўлиб, паст пахса деворлар билан ўралган. Қўрғонларнинг бирига ёнма-ён қилиб солинган кўп хонали иморат сўнгги вақтларгача Хоразм қишлоқларида учрайдиган катта оила учун солинган кунгирали ҳовлиларга ўхшаб кетади.

Бироқ хоразмшоҳлар даврида кўп шаҳарлар Ўрта Осиёда типик бўлган ўрта аср шаҳарлари қиёфасига киради. Хоразмнинг ўша даврдаги пойтахти Урганч ёки, тарихий манбаларда ёзилганидек, Гурганж бунга мисол бўла олади. Урганч харобалари ва бу харобалар орасида қад кўтарган пишган гиштдан қурилиб, кошин билан моҳирона зийнатланган ажойиб ҳашаматли, ҳозиргача сақланиб келган ёдгорликлар кўп вақтларгача сайёҳ ва тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб келган. Урганч шаҳрининг харобалари тахминан 400 гектар майдонни эгаллайди. Шаҳар ҳозирги Кўҳна Урганч билан Амударёнинг қадимги ўзани Дарёлик ўртасида гуллаб-яшнаётган деҳқон далалари қуршовида жойлашган.

Бир вақтлар шаҳар атрофи мустаҳкам деворлар билан ўралган эди. Хоразм экспедицияси ер устида яхши сақланиб қолган машҳур ёдгорликлардан Тўрабекхоним мақбараси ва унга яқин турган ажойиб Урганч минораси (XIV аср), ҳашаматли Текеш ва Фахриддин Рази мақбаралари (XII — XIII асрлар)нинг жанубидаги Тошқалъа номли истехком харобаларини қазиб текширди. Бу истехкомнинг шарқида деворлари майда хом гиштдан ишланган Оққалъа харобалари сақланиб келган. Тахминан Тошқалъадан 1,5 километр Фарбда катта пахса девор билан ўралган Хоразмбоғ номли ёдгорлик бўлиб, у киши диққатини ўзига жалб қилади.

Тошқалъа 600x800 метр келадиган кўпбурчакли истеҳком бўлиб, пишган ғиштдан тикланган девор ва чуқур ҳандақ билан ўралган. Қалъа территориясида Карвонсарой дарвозаси номи билан машҳур пештоқ харобалари ва XX аср арафасида йиқилган илк ўрта аср даврига оид катта минора қолдиқлари бор. Тошқалъанинг жанубий дарвозаси атрофида ўтказилган археологик қазишмалар натижасида шаҳар деворининг қолдиқлари топилиб, унинг пишган ғиштдан қурилгани маълум бўлди. Девор остида чуқурлиги 2,5 метр келадиган пишган ғиштдан қилинган ҳандақ ҳам бор. Катта шаҳар девори ажойиб қилиб қурилган. У ташқи томони 1,65 м, ички томони 0,8 м. қалинликда пишган ғишт билан, ўртаси эса тупроқ билан шиббаланиб, умумий қалинлиги 4 метрча келадиган иншоотдан иборатдир.

«Карвонсарой дарвозаси» жойлашган ердаги катта кўча бўйида шаҳар маҳалласининг харобалари қазиб текширилди. Карвонсарой олдидаги Чорсуда жуда кўп ҳунармандларнинг кўча томон қараб турган дўконлари, бир бурчакда чойхона, ошхона ва балиқхона борлиги маълум бўлди. Ошхона олдида катта қозон учун қазилган ўчоқларнинг излари бор. Чойхона харобаларидан жуда кўп чойнак синиқлари ва кичик бир халтачада майда чақалар топилган. Бу ерда катта тандирли нонвойхона, темирчилик дўкони, ҳаммом ва шунга ўхшаш қурилишларнинг борлиги аниқланган.

Маҳаллада яшаган кишиларнинг бой ва камбағаллиги ундаги турар жойларнинг архитектурасида яққол кўриниб турибди. Бир томонда камбағал ҳунарманднинг кичик хонаси бўлса, иккинчи томонда судхўр бойнинг ганч ва бўёқлар билан безатилган ҳашаматли иморати кўзга ташланади. Хоналарнинг ҳаммасида, катта-кичиклигидан қатъи назар, одамлар ётиш учун пишган ғиштдан қилинган ва остидан ўт ёқиб қиздирилган супалар (бу супалар Хитойда кенг тарқалган бўлиб, у қан номи билан юритилади), ташнов ва ўчоқлар бор. Топилган сопол буюмларнинг сифати паст бўлган.

Топилган нарсалар орасида иероглиф билан тамға қўйилган чинни идишнинг синиқлари Хоразм билан Хитой ўртасидаги савдо муносабати илгаригидай фаол давом қилганлигини кўрсатади. Топилган нарсалар ичида темир ва жездан ишланган қўл тарозилари, ангишвона, кичик шишасимон жез идишлар, суякдан

ишланган канъкига ўхшаш ғалати буюм, узук, тарози тош, ҳар хил мунчоқлар ва бошқа темир, жез, суяк ва шохдан ишланган жуда кўп буюмлар учрайди.

Илк Ўрта асрга оид минора харобаларини қазиб текшириш ҳам муҳим маълумотларни берди. Минора харобалари ёнида 1900 йили топилган тошга ёзилган хатга қараганда бу минора 1011 йили, яъни Маъмун академиясида Абу Али ибн Сино ва Беруний хизмат қилаётган даврда пайдо бўлган. Лекин бу ёдгорлик мўғул истилоси даврида шаҳарнинг бошқа ёдгорликлари билан бир вақтда йиқилган. Минора қайтадан XIV асрда тикланган бўлиб, уни Кўҳна Урганчнинг ҳозиргача сақланиб келган катта минораси, Тўрабекахоним ва шу даврда қурилган бошқа ёдгорликлар билан тенгдош деб ҳисоблаш мумкин.

Минорага қўшилган XI асрга оид жуда ҳам катта ҳашаматли мачит харобалари диққатга сазовордир. Балки бу мачит Беруний яшаган даврдаги Урганчнинг марказий мачити бўлгандир ва унда буюк мутафаккир тез-тез бўлиб, ўзининг ўлмас ғояларини ташвиқ қилиб, руҳонийлар билан олишиб турган бўлса ажаб эмас. Бу мачит ҳам мўғул истилоси даврида харобага айланиб, кейин тикланган. Кейин Темур лашкарлари таслим бўлмаган мустақил Хоразм давлати пойтахти Урганчни босиб олганларида уни яна ҳам вайроналикка айлантирадилар.

Хоразмбоғ ёдгорлигини текшириш, бу квадрат шаклдаги катта истехком, унда топилган ажойиб ганчдан ишланган хилма-хил қурилиш зийнатлари, нозик қилиб ясалган сопол идиш синиқлари ва бошқа муҳим буюм қолдиқлари XIII—XIV асрларда қурилган нафис ҳашаматли сарой Олтин Ўрда давридаги Хоразм ҳокимининг шаҳар четидаги ёзги кўшки бўлганлигини кўрсатади.

Бутун Урганч харобалари, онда-сонда сақланиб қолган ёдгорликларни эътиборга олмаганда, Хоразм мўғул ва ундан кейинги истилочиларнинг мисли кўрилмаган ваҳшиёна юришлари натижасида қандай фожиали аҳволга тушганлигини муфассал тасаввур қилишга имкон беради.

Ўша даврдаги тарихий воқеаларни эслар эканмиз жасур хоразмликларнинг ўз мустақиллиги учун курашда чеккан азоблари ноилож Эркин Самандаровнинг қуйидаги жўшқин сатрларини эслатади:

Гоҳ булут остида қолди, гоҳи кулди юлдузи,
Қирди бу юртни неча ёв, бости Жўжи, Чингизи,
Сув бўлиб қон оққанини сўйласин Жайхун ўзи...
Сувга гарқ бўлганда Урганч, бормиди дарёда айб,
Йиғласа мотам йўлида йўқдир ҳеч «гирёда» айб,
Тоју тахт илгида айбу, бераҳм дунёда айб...

Ҳозирги Туркменистоннинг шимолидаги Тошҳовуз вилоятида кўҳна харобалар қад кўтарган илк Ўрта асрларга оид бир неча ажойиб обидалар ҳозиргача кишини чуқур ҳаяжонга солади. Бу обидалар ичида бир вақтлар дунёни ларзага келтирган буюк ҳоразмшоҳлар даврида тикланган, аммо фалакнинг гардиши билан тасодифан сақланиб қолган 40 метрлик баланд минора, ҳашаматли Тўрабек хонум мақбараси, машҳур илоҳиётчи олим Фахриддин Разийнинг қабри, сўнгги ҳоразмшоҳлардан султон Текешнинг улуғвор «гўк гумбаз авлиё» деб танилган обида ва машҳур Нажмиддин Кубро номли мақбараси. Бундай жозибадор, дабдабали обидаларнинг Хоразмшоҳларнинг кейинги пойтахти кўҳна Урганчнинг бераҳм Чингизхон ва кейинги истилочиларнинг кетма-кет юришлари натижасида бошига тушган мислсиз фожиалардан сўнг сақланиб қолганлигига ишониш қийин. Бундай ҳашаматли обидалар ва ачинарли харобалар буюк аждодларимизнинг нақадар юксак истеъдодли, мустаҳкам иродали, толмас заҳматкаш ва барча қийинчиликларга бардош берадиган қаҳрамон халқ эканлигини яна бир бор исботлайди.

Халқимизнинг яна бир ажойиб фазилати унинг оптимистлиги, яъни у қандай вазиятга тушмасин доимо сабр-тоқатли, шукрона табиати билан келажакка яхши умид боғлаб яшай билишидир. Бундай фазилат уни изланишларга, ижодий фаолиятга чорлайди. Мазкур кишини лол қиладиган гўзал ажойиб обидалар бир-биридан анча узоқроқда жойлашган, уларнинг оралиги хувиллаб ётган қабристон, майда парчаланган ғиштарлар, емирилган иморатларнинг ер текислигидаги харобалари, турли сопол идишлар ва буюмларнинг синиқлари, онда-сонда қуруқ ариқ рошларининг ва полизларнинг излари бу ерда мисли кўрилмаган фожиалар бўлиб ўтганлигининг тилсиз гувоҳидир.

Шундай ачинарли манзара бераҳм Чингизхон юришларидан кейин Хоразм пойтахти Урганчнинг ер билан яксон қилиб унинг ўрнига арпа экилгани тўғрисида тарихий манбаълар хабар берганлиги аниқ. Буни архе-

ологик кашфиётлар ҳам тасдиқлайди. Машҳур араб сайёҳи Ёқут ал-Ҳамавий хабар беради: «Мен бу шаҳарни мўғуллар забт этиб вайронага айлантирганигача, 616 йили (1219—1220) кўрганман. Назаримда, бундан катта, бундан ҳам бой ва обод шаҳарни кўрмаганман. Бироқ мўғуллар босиб олгандан кейин бунинг ҳаммаси тамом бўлди; шаҳарда мустаҳкамроқ биноларгина омон қолган, аҳолини эса тамом қириб ташлаган, деб эшитдим». Аммо заҳматкаш халқ қабристонга айланган пойтахтни бошқа жойга кўчириб бошлиқ қайта тикланган ва ўзининг бунёдкорлик фаолиятини давом эттириб, бетакрор обидалар теварагида турли афсоналар ва ривоятлар ижод қилган.

Хоразм гуллаб-яшнаб юқори босқичга чиққанда, қудратли хоразмшоҳлар давлати атрофида энг кучли турк қабилалари — қангли, қипчоқ, туркман ва туб хоразм (сарт) аҳолиси бирикиб жипслашаётган ва дунёни забт қилиш мақсадида халифаликнинг маркази Бағдодга қарши юришга тайёрланаётган бир пайтда шафқатсиз Чингизхон кўшинлари ваҳшийларча бостириб киради. Аммо биринчи қарашда мустаҳкам бўлиб кўринган бу давлат кучли ички қарама-қаршиликларни бошдан кечираётган эди.

Мўғул истилоси арафасида Хоразмга қарашли турк қабилалари ва маҳаллий зодагонлар ўртасида тўхтовсиз сиёсий кураш давом этиб, бу кураш сарой атрофидаги доираларга ўтиб, жиддий тус олади. Хоразмнинг ана шу даврдаги подшоси Султон Муҳаммад (1200—1220 й.)нинг қипчоқ онаси ва унинг қариндош уруғларининг, шунингдек кўпгина руҳонийларнинг таъсири остидаги халифаликка ён берган турк доиралари ҳокимиятни ўз қўлига олишга уринадилар, бунга Хоразмшоҳнинг ўғли, тахт эгаси Жалолиддин Мангуберди шаҳар ва қишлоқ зодагонлари ёрдамида тиш-тирноғи билан қарши туради. Бундай кескин вазият Чингизхон лашкарларининг ғолибона юришларига енгиллик туғдирган албатта.

МАШҲУР СИЙМОЛАР, ЖАСУР САРКАРДА ВА ШАҲЗОДАЛАР ТАҚДИРИ

Менинг кўз ўнгимда жонланар тарих,
Ғамлардан тўқилган шу кўҳна олам.
Асрлар бирма-бир ўтар ва охир
Юксалар қаршимда энг бахтли одам.

Абдулла Орипов

Мамлакат равнақи ва фаровонлиги даставвал социал-иқтисодий ва сиёсий вазият билан боғлиқ бўлса, унинг маданий-маънавий савияси жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси билан ўлчанади. Шарқ ренессанси марказларидан бири ҳисобланган кўҳна Хоразм ҳам жаҳон тарихи буюк сиймоларни, йирик давлат арбобларини ва жасур саркардаларни етказиб берган юксак маданиятли давлат бўлиб танилган.

Антик Хоразмнинг қудратли иқтисодий ва маданий пойдевори асосида вужудга келган янги ҷамият қисқа вақт ичида дашт қабиалари ҳужумлари ва араб истилосидан кейинги оғир ижтимоий қийинчиликларни аста-секин бартараф қилиб ўз қаддини кўтара бошлайди. Кучли ички ларзаларни ҳам бошидан кечирган Хоразм IX—X асрларда араб халифалигининг емирилиши туфайли кетма-кет Ўрта Осиё ва Шарқий Эронда пайдо бўлган йирик илк феодал давлатлари — тахирийлар, саффорийлар ва сомонийлар қўл остида бўлади. Бу даврда Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидагидек, Хоразмда ҳам янги туғилган феодал тузумининг тараққий қилишига тўсқинлик қилаётган патриархал қулдорлик анъаналари анча тез емирила боради. Бу емирилиш йирик феодал зодагонлари билан озод деҳқон оммаси орасидаги шартли тенглик ниқобини олиб ташлаб, улар ўртасидаги жиддий ихтилофни кучайтиради. Чунки юқори табақага тез кўтарилаётган мулкдор оқсуяклар ва маҳаллий ҳукмдорлар ўз мавзесини мустаҳкамлаштириш мақсадида янги давлат тузумини такомиллаштириш, унинг барча имкониятларидан, даставвал ҷамиятни одилona бошқариш сиёсатини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан қайтмаганлар. Бундай ҳолат табиийки мамлакатда социал-иқтисодий вазиятни анча мураккаблаштиради.

Мўғул истилоси арафасида Хоразм анча юксалиб келаётган ўрта асрларга хос Ғарбдаги феодал монархияларга ўхшаш шаклланаётган йирик давлат сифатида та-

нилган. Аммо ўз даврининг маҳсули ҳисобланган бу монархия ҳам ички ва ташқи сиёсатида ўзига хос кучли ва заиф томонлари, катта-кичик зиддиятлар ва турли низолар билан ривожлана бошлаган. Бу ҳолатни нафақат ёзма манбаларда, балки археологик ва этнографик кашфиётлар туфайли тўпланган материаллар асосида ҳам тасаввур қилиш мумкин.

Хоразм экспедициясининг бу даврга оид ажойиб кашфиётлари ёзма манбаларда ҳам учрайдиган тарихий далилларни тадқиқ қилиб мўғул истилоси арафасидаги воқеаларга бир оз аниқликлар киритишга имкон берди. Бундай ноёб обидалардан IX—XI асрларга тегишли Бўронқалъа ва Ноибқалъа харобалари диққатга сазовор. Африғийлар сулоласининг охириги асрларида пайдо бўлган мазкур обидалар ривожланган феодализм тузуми истеҳкомлари типик намуналарини намоён қилади. Айниқса ўлик воҳага айланган Қаватқалъа харобалари Хоразм қишлоқларининг ўрта асрлар даври манзарасини тасаввур қилишга имкон беради. Йирик Қаватқалъа қасри атрофидаги бешта феодал қасрлари билан яқин жойлашган 90 та мустаҳкамланмаган деҳқон ҳовлилари бу даврда шаклланган ўрта аср типидagi қишлоқлар пайдо бўлганлигини тасдиқлайди. Бизнинг кўз олдимизда муайян маҳаллий ҳоким ўз вассаллари ва қарам деҳқонлари билан қишлоқ истеҳкоми намоён бўлади. Асли ҳоким қасри илк африғийлар давридагидек мустаҳкам мудрофаа иншоотларига ўхшамайди. Унинг деворлари шинаксиз буржли унча қалин бўлмаган. Демак, XII—XIII асрларга келиб Хоразм давлати ўз қудрати билан маҳаллий аҳоли осойишталигини ва фаровонлигини таъмин қилган.

Хоразмга 1219 йили келган араб сайёҳи Ёқут шундай деб ёзади: «Мен ҳеч вақт бундай (Хоразмдай) кўп аҳоли яшаган вилоятни кўрмаганман... узлуксиз зич жойлашган, бир-бирига яқин қишлоқлар, даштларда жуда кўп қасрлар ва ҳовлилар, рустакларда ўзлаштирилмаган ерлари деярли кўринмайди. Бу ерда дарахтлар жуда ҳам кўп. Айниқса тут дарахтлари ва бўй тераклар. Улардан аҳоли қурилишда ва ипак қурти боқишда фойдаланади. Қишлоқлар ва шаҳарларни кезганда, бозорларни кўрганда бутун вилоятда аҳоли жойланиши бир хил кўринади. Хоразмдек фаровон ҳаёт ва аҳолиси зич вилоят ҳеч қаерда бўлмаса керак... Хоразм аҳолиси нозу-неъматларга тўла дўконлар ва бой бозорларга эга. Бозори бўлмаган қишлоқ жуда кам учрайди.

Мазкур аҳвол мамлакатда умумий осойишталик ва ҳавфхатарсиз хотиржамлик ҳукм сурганлигидан дарак беради».

Буюк Хоразмшоҳлар империяси яратган қудратли марказлашган ҳарбий — бюрократик давлат аппарати мамлакатда антик даврдагидек кучли мудофаалаштирилган қалъаларга муҳтож бўлмаган. Ўша даврда бутун Шарқдаги Хоразмнинг нафақат сиёсий мавзеи, унинг табиий-географик ниҳоятда қулай шароити ҳам империянинг марказида истиқомат қилувчи хоразмликларнинг тўқ-фаровон ва осойишталикда яшашига тўлиқ имконият яратган. Археологик обидаларни текшириш ҳам шуни кўрсатадики, Хоразмшоҳлар ўрнатган гегемония туфайли марказий вилоятга келаётган туганмас бойликларнинг кўп қисми фақат ҳукмдорлар ва феодал зодагонларига тегибгина қолмай, балки оддий деҳқонларнинг ҳам турмуш даражасини кўтаришга сарфланган. Бундай тўқ-фаровон турмуш, шубҳасиз, мамлакатда илм-фанни, маданият ва санъатни ривожланишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун ҳам бу ерда нисбатан қисқа муддат ичида араб истило-сидан кейин рўй берган уйғониш туфайли мусулмон дунёсида «танилган буюк сиймоларнинг пайдо бўлиши тасодикий эмас эди». Мамлакатдаги иқтисоди-маданий юксалиш, осойишталик ва фаровон ҳаёт, ҳавфхатарсизлик Хоразм империясида халқаро савдо-сотикнинг ривожланиши билан ҳам бевосита боғлиқ бўлган. Масалан, археологларимизнинг аниқлашича, ўша даврда Ҳазар подшолигининг маркази — Итилга борадиган савдо йўли Беловули харобаси орқали Эмбанинг қуйи оқими Урал ва Волгага қараб ўтган. X асрнинг охирлари — XI асрнинг бошларида шу йўлдан юрган араб сайёҳи Фадлан кесилган тошлардан қилинган ва четига тош териблиб ишланган қудуқлари бўлган ҳашаматли карвонсаройлар бўлганлиги ҳамда карвонсаройлар орасидаги масофа тахминан 25 километрга тенг бўлганлигини кўрсатади. Бу ҳолат карвонларнинг нормал юришини таъмин қилган. Тадқиқотчи олимларимиз қазиб текширган ўша даврга оид Талайхонота карвонсаройи ибн Фадлан тасвир қилган карвонсаройларга ўхшаб кетади.

Мазкур савдо йўлида жойлашган яна бир обида Беловли номли карвонсарой харобаларидир. Бу ажойиб иншоот ички девори йўнилган тош билан қопланган тўртта қудуқ ёнида жойлашган бўлиб, ҳар бир қудуқнинг

оғзи тош плиталардан ишланган, тўғри тўрт бурчак шаклидаги тўсиқ билан жиҳозланган. Тўсиқ ичида, ҳар қудуқнинг ёнида молларга сув берадиган тошдан ясалган катта охур мавжуд. Карвонсарой биносининг ўзи зўр маҳорат билан йўнилган сарғиш тошдан урилган квадрат шаклдаги, безатилган юмалоқ буржли ҳамда ясси рельефли қилиб ишланган баланд тош пештоқдан иборат бўлиб, унинг юқори қисмида икки томондан бўрттириб ишланган шерларнинг тасвири берилган. Бинонинг ички планировкаси девор бўйлаб солинган икки қаватли ҳужралар ва бинонинг орқа қисмидаги бир қанча йирик заллар ҳосил қилган тўғри тўрт бурчакдан иборат. Пештоқ қаршисида бир саҳн бўлиб, унинг ичида кўмилиб кетган қудуқ ёки ҳовузнинг излари кўзга ташланиб туради.

Беловли илк ўрта асрлардаги Хоразм меъморчилиги ва монументал декоратив санъатнинг ажойиб намунаси бўлибгина қолмай, Хоразмшоҳларнинг Волгага олиб борадиган «катта шоҳона йўли» иншооти бўлиб, кўлами жиҳатидан форсларнинг қадимий «шоҳона йўлидан қолишмайди».

Агар Беловлидан шимоли — Ғарб, яъни Эмба томонга равона бўлсангиз, унча катта бўлмаган иншоотлардан бири — Чурук номли обидага дуч келасиз, яна уч-тўрт тош йўл босилса Қўсқудуқ, кейин Учоқон, Тоскечу каби харобаларни учратасиз. Агар жануби-шарқ томонга йўл олинса, Қўсбўлоқ, Булоқ, Учқудуқ номли карвонсаройларнинг харобалари учрайди. Бу йўл билан хоразмшоҳларнинг ўрта асрлардаги маркази харобага айланган кўҳна Урганчга етиб борасиз. Кўп карвонсаройларда ҳозиргача бир-иккита сувли қудуқларни учратиш мумкин.

Шарқий Европа билан савдонинг ўсиши натижасида Хоразм давлатининг шимоли — ғарб томонидаги энг четки истеҳкоми бўлган Урганч Хоразмда бу савдонинг биринчи аҳамиятга эга бўлган марказига айланади. XI—XII асрларда Хоразмдаги кўп шаҳарлар, жумладан Урганч, Кат кабилар Ўрта Осиёда типик бўлган ўрта аср шаҳарлари қиёфасига киради. Ўша даврдаги хоразмшоҳлар пойтахти, Берунийнинг она шаҳри — Кат ҳам мамлакатнинг энг йирик савдо ва иқтисодий маркази бўлиб танилган. XII асрга оид «Худуд ал Олам» номли асарнинг номаълум муаллифи таърифича: «Кат — Хоразмнинг бош шаҳри, гузлар Туркистонига кириладиган дарвоза, Туркистон, Мавароуннаҳр ва хазорлар

музофоти молларнинг омбори, савдогарлар тўпланадиган жой...». Мақдисийнинг ёзишича, унинг даврида Кат шаҳри Бухородан катта бўлган ўша даврнинг жуда кўп олимлари ва донишмандлари шу ерда яшаганлар, баъзи жиҳатдан Кат ҳатто Ироқнинг энг йирик маданий марказларидан ҳам устун турган. Бу шаҳарда Осиё ва Европа турли халқлари, жумладан суриялик ва румликларнинг намоёндалари тўпланишганлиги бежиз бўлмаган.

Дайди Амударёнинг бетайин оқими натижасида рўй берадиган доимий тошқинлар (дегиш) шаҳарнинг ривожланиши, гуллаб-яшнаши учун тўсқинлик қилиб келган, аҳолининг дарё қирғоқларидан нарироққа чекинишига мажбур этган. X асрнинг биринчи ярмидаёқ Амударёнинг тўлқинлари қадимги Кат қалъасини ва шаҳарнинг унга ёндошган қисмларини ювиб кетиш хавфини туғдирган, шаҳар дарвозасини эса сув олиб кетган. Асрнинг охирларига келиб дарё қалъани емириб тамомлаган эди. Берунийнинг кўрсатишича, Амударё шаҳар қалъасининг тагидан ювиб, унинг бўлакларини йил сайин олиб кетаверган ва оқибатда 994-йилга келиб, қалъадан асар ҳам қолмаган. Ваҳоланки хоразмликлар жасорати туфайли дарёнинг фожиали ҳужуми натижасида Катдаги ҳаёти узилмаган, унинг аҳолиси эски шаҳарни ташлаб, шарқий томонда янги уй-жойлар қура бошлайди. Яна шу Мақдисийнинг таърифича, ўз санъатлари билан донг чиқарган хоразмлик меъморлар вайроналарни қисқа муддатда тиклаганлар. Жалолиддин Мангуберди туғилган она шаҳри буюк сиймо Беруний ҳаёти ва илмий фаолияти билан боғлиқ бўлган яна бир йирик тарихий обида Туркменистоннинг Тошҳовуз областидаги Кўҳна Урганч харобаларидир.

X аср охирларигача Хоразм икки ҳокимликдан иборат эди. 995 йилда Гурганч (Кўҳна Урганч) ҳокими Кат шаҳрини эгаллаши билан икки ҳокимликка барҳам берилган. Маъмун II даврида Гурганч (Урганч) Шарқ мамлакатларидаги йирик марказларидан бирига айланади. Унда савдо, ҳунармандчилик, маданият ва фан ривожланади. XI—XII асрларга келиб Гурганч буюк Хоразм Давлатининг гўзал ва ажойиб пойтахти бўлиб танилади.

Дунёнинг жуда кўп ерларини айланган атоқли араб сайёҳи ва географи Ёқут ёзади: «Мен умримда бу шаҳарга ўхшаш бой ва чиройли шаҳарни кўрмаганман. Битмас-туганмас бойликлари ва пойтахтининг кенгли-

ги ҳамда аҳолисининг жуда кўплиги ва яхшилиги билан Хоразмнинг бош шаҳрига ўхшаган шаҳар бўлмаса керак деб ўйлайман». Истоҳрийнинг таърифича: «Гурганч Хоразмнинг энг катта шаҳри... у ўғузлар билан савдо қиладиган жой бўлиб у ердан Журжония, Хозорларга, Хуросонга карвонлар жўнайди». Истоҳрийдан олдинроқ Хоразмга келган Ибн Ботута: «У (Урганч) аҳолисининг кўплигидан денгиз сингари тўлқинланиб туради», деб ёзган эди.

Урганч ҳаробалари ва бу ҳаробалар орасида қад кўтарган пишган гиштдан қурилиб, кошин билан моҳирона зийнатланган ажойиб ҳашаматли, ҳозиргача сақланиб келган ёдгорликлар кўп вақтларгача сайёҳ ва тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб келган. Бу ажойиб обида ҳаробалари тахминан 400 гектар майдонни эгаллайди.

Пойтахт йирик ҳунармандчилик маркази бўлган. XIII аср муаллифларидан бирининг хабар беришича ўша даврдаги хоразм шаҳарларида тахминан 50 та турли ҳунар-касблар мавжуд бўлган. Закарийя ал-Казвини таърифича, урганчликлар «моҳир ҳунармандлар», айниқса темирчилик, дурадгорлик каби касбларни мукаммал эгаллаганлар. Урганч ўймакорлари суяк ва ёғочдан ажойиб маҳсулотлар яратиб донг чиқарганлар, аёллар эса ниҳоятда моҳир каштачилар. Манбаъларда ёзилишича, шаҳарда натурал ипак дўконлари ишлаб турган, бинокор усталар толдан мустаҳкам синч уйлар қурганлар. Казвини Урганчни жаннатдаги шаҳарга ўхшатиб, уни фаришталар куёв келинга эътибор қилгандай эъзозлайдилар, деб таърифлайди. Араб муаллифлари, Урганчни ниҳоятда зич аҳолили, кенг территорияда Амударёнинг икки соҳилида жойлашган тўғонли шаҳар бўлиб, уни мўғуллар узоқ вақт қамал қилганлар. Фақат шаҳар тўғонини бузиб уни сувга бостириб аҳолини таслим қилдирганлар.

Мазкур обидалардан ташқари мўғул истилоси натижасида Хоразмнинг Гулдурсун, Шўрахон, Норинжон, Дарғонота ва шу каби шаҳар ва қалъалари абадий ҳаробаликка айланган. Қолган шаҳар ва қишлоқлар ҳам вайрон қилинган бўлсада, бир қанча вақт ўтиши билан улардаги ҳаёт қайта тикланади.

Аммо буюк империя бўлиб танилган Хоразмнинг илм-фан соҳасида жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ниҳоятда юксак ва беқиёс. Шарқ Ренессанси туйғули Хоразм маданиятининг ниҳоятда зўр ривожла-

ниши бу ерда буюк сиймоларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Мусулмон оламида, Европада латин тили фан тили бўлиб танилганидек араб тили ҳам ўзига хос латини бўлиб танилган ва алломаларни миллатига қарамай бирлаштирган. Ўша даврда фан оламида ярқираб чиққан юлдузлардан бири буюк аллома Беруний замона талабига қараб ўз асарларини хоразм тилида ёзаолмаганлигидан афсусланган. Узининг она тили фан тили бўлмай қолганлигини ва унинг ўрнини араб тили эгаллаганини алам билан эътироф қилиб, дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларида фанлар араб тилига таржима қилинган, деб ёзган эди у. Берунийнинг таърифича, ҳар бир халқ ўзи алоқа қиладиган тилини севади. «Мен араб ва форс тилларида ёза бошладим, — деб нолийди у, — лекин уларнинг ҳар иккови ҳам менинг она тилим эмас, шунинг учун ўз фикримни бу тилларда баён этишга қийналаман». Албатта, охириги иборани Берунийнинг камтарлиги деб тушиниш лозим, чунки у араб тилини мукаммал билибгина қолмай, араб ва бошқа шарқ тилларда адабий жанрларнинг барча турларидан бемалол фойдаланган. У она ватани Хоразмда туриб қадимий юнон илмини билган, бир неча чет тилларни, фалсафа, ботаника, математика, астрономия фанларини эгаллаган буюк қомусий олим бўлиб етилади. Беруний қўшни ажнабий мамлакатларда бўлиб ўз билимини оширибгина қолмай, йирик асарлари билан Хоразмни жаҳонга танитган улўф сиймо эди.

Бепоеън Хоразм воҳасида сон-сановқисз археологик обидаларни жиддий ўрганиш ҳам антик вақтлардан буён Хоразмда аниқ ва табиий фанлар юқори даражада тараққий этганлигини исботлайди. Ажойиб меъморчилик санъати аниқ қонуниятга асосланганлигини қурилиш ишларининг синчиклаб ҳисоб қилиниши дабдабали қурилиш иншоотлари, Беруний тасвирлаган Хоразм тақвими ва мукаммал астрономик терминология, Тупроққалъа, Кўҳна Урганч ва бошқа обидаларда кашф этилган нақшлардаги минерал бўёқларнинг бойлиги ва ранг-баранглиги, қазилмалардан топилган шиша ва ҳар хил металл буюмлар — булар ҳаммаси ўша даврда Хоразмда аниқ фанлар анча ривожланганлигини исботлайди. Мазкур фаннинг буюк намоёндаларидан янги илм-фан мактабига асос солган машҳур математик, астроном ва географ олим Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий дунё фани тарихида алоҳида ўринни эгаллайди. Математика фанида «алгоритм» атамаси ал-Хоразмий

номининг бузилиб айтилишидан келиб чиққанлиги, унинг «ал-Жабр» номли асаридан «алгебра» предмети пайдо бўлганлиги ҳаммага аён. Ал-Хоразмий нафақат буюк олим, балки араб ҳалифалигининг элчиси сифатида Хазарияга борганлиги маълум.

Тадқиқотчилар орасида Шарқий Европа жуғрофия ва этнографиясининг негизини ал-Хоразмий яратган, деган фикр мавжуд. В. В. Бартольднинг эътироф этишича, бу улуғ олим ўзининг «Оламнинг суратлари» номли асари билан араб жуғрофия фанига асос солган. Бундан ташқари Хоразмий машғул бўлган астрономия хронологияси унинг замондошлари ва кейинги авлод олимлари томонидан зўр қунт ва ғайрат билан ривожлантирилган.

Ал Хоразмий ва Ал Берунийлар яратган жаҳон фанининг ривожига зўр таъсир этган асарлар мазкур соҳалар бўйича ўзига хос Хоразм илмий мактабини ташкил этганлигини алоҳида қайд қилиш лозим. Абу Райҳон Беруний ана шу мактабнинг энг ёрқин намо-яндаси бўлибгина қолмай, Урганчда «Байтул ҳикма» номи билан машҳур бўлган илм маскани Маъмун Академиясининг ташкилотчиси деб танилган. Унинг ижодида Хоразм фани энг юксак чўққига чиққан. Беруний сиймосида Шарқнинг улуғ олими, астрономи, географи, минерологи, этнографи, тарихчиси ва шоири му-жассамлашган. Дунё фан оламининг энг буюк арбоблари орасида Берунийга тенг келадиган олимни топишга уриниб, уни иккинчи Эротосфен, Птолемей ва ҳатто Ренессанс даврининг буюк рассоми ва олими Леонардо да Винчи деб атаганлар. Аслида, Сергей Павлович Толстов одилона қайд қилганидек, Беруний иккинчи Леонардо да Винчи эмас, аксинча Леонардо да Винчини биринчи Шарқ Ренессанси яратган ёрқин фан юлдузи иккинчи Беруний дейиш мантиққа мувофиқ бўлар эди.

Беруний ёшлигида чет элларга кетиб кўпроқ бир неча мамлакатларда бўлиб 1004 йили, ўттиз бир ёшларида она ватанига қайтиб келгач ижодий фаолиятини яна ҳам кучайтиради. У Али ибн Маъмун ҳукмдорлик қилган пайтда, олти йил давомида бевосита фан билан бемалол шуғулланиш имкониятига эга бўлган. Кейинчалик янги ҳоким Маъмун ибн Маъмун тахтга келиб Берунийни ўзининг энг яқин давлат маслаҳатчиси қилиб олади ва унга энг оғир ва масъулиятли ишларни, жумладан дипломатик муаммоларни ҳам топширади. Шун-

дай бўлсада бу давр давлат ишларига кетаётган вақтига ачинган, фидойи олим ижодининг зўр кўтаринки ва ривожланган даври эди.

Маъмун II бошқа ўзига ўхшаш шоҳлар сингари эл олдида обрў қозониш мақсадида саройга атоқли алломалар, шоир ва ижодкорларни тўплаб, Беруний ташаббуси билан илмий тўгарак ташкил этган. Тахминан 1010 йилда ташкил топган «Маъмун Академияси» номи билан машҳур бўлган бу тўгаракка Ўрта аср фанининг энг йирик сиймоларидан бухоролик Абу Али ибн Сино, атоқли астроном ва математик Абу Наср Мансур ибн Ироқ ва Маҳмуд Ҳамид ибн Хидр ал Хўжандий, машҳур табиб ва файласуф журжонлик Абу Саҳл ал Масҳий, зўр табиб ва таржимон Абўл Хайр Ҳаммор, тарихчи ва тилшунос олимлар Абу Мансур ас Саолибий ва Абу Али ибн Мискавайҳ, Берунийнинг биринчи устози Абу Наср ибн Ироқ ва бошқалар кирган.

Маъмун Академияси олимлари даврасида ўзининг теран билими ва нотиклиги билан машҳур бўлган Абу Мансур ас-Саолий ўз асарларида турли хил тарихий воқеалар билан бир қаторда X—XI асрларда яшаб ўтган 124 та (шулардан 104 таси Ўрта Осиёлик) аллома, шоир ва ижодкорларни тилга олади. Шулардан Хоразм воҳасида етишиб чиққан Абу Бакр Муҳаммад ибн Аббос ал-Хоразмий, Абу Саид Аҳмад ибн Шабиб ат-Шабибий, Абу Муҳаммад Абул Қосим ибн Зирғом каби олимлар ҳам кўрсатилган.

Хоразмнинг маънавият марказига айланишида мазкур алломалар билан бир қаторда ўлкани жаҳонга танитган шаҳоншоҳлар Текеш ва Алавиддин Муҳаммад даврида ажойиб сиймолар бутун бир гулдас-таси намоён бўлади. Ана шундай улуг донишмандлардан бири Умар ибн Муҳаммад ал-Хоразмий аз-Замахшарий (1075—1144). У жуда кўп асарлари билан риторика, астрономия, стилистика каби фанлар соҳасида қилган кашфиётлари туфайли танилган. Аз-Замахшарийнинг истеъдодли шогирдларидан ал Муваффоқ ибн Аҳмад ал-Макки гўзал нотик, имомлар садри, араб тилининг забардаст билимдони, энг зўр мударрис ва ажойиб адиб деб танилган. Ўша даврда яшаган қуръон луғатини тузган Зайнитдин Муҳаммад ибн Абулқосим ал-Баққош ал Хоразмий, хоразмшоҳи Отсизга бағишлаб ажойиб тиббиёт асарини ёзган Абу Иброҳим Исмоил ал-Журжони каби алломалар жаҳон фанини ривожлантиришда зўр ҳисса қўшганлардан.

Замондошлари томонидан юксак баҳоланган Сирожиддин Ёқуб ас Сақоқий «барча алломаларнинг саркардаси» деб ном қозонган.

Нафақат Хоразмда, мусулмон оламида диний-мазҳабий адабиётларда куйланиб авлиё даражасига кўтарилган улуғ зотлардан бири Аҳмад ибн Умарбек ал-Хивақий ал-Хоразмий бутун Шарқда Нажмиддин Кубро номи билан машҳур. Хива шаҳрида таваллуд топган бу катта аллома жуда кўп шарқ мамлакатларини кезиб, она юртига қайтиб кубровия тариқатига асос солган. Султон Алавиддин Муҳаммад ҳукмронлик қилган даврда энг танилган арбоб ва мударрислардан Шихобиддин Абу Саид ибн Ирмон ал-Хивақий атоқли ҳуқуқшунос, машҳур муфтий ва донишмандлардан ҳисобланган. Шоҳ унинг билан маслаҳатлашган ва айтганига қулоқ солган Шихобиддин Хоразм мадрасаларидан бештасида мударрислик қилган ва ким келса ҳам ҳеч вақт ўз дарсини бўлмаган. Унинг шафийлар мадрасасида қурдирган жуда зўр кутубхонасига бутун минтақада тенг келадигани бўлмаган.

Хоразмда мударрислик касби шунча ҳурматли ва эъзозли бўлганки, юқори мансабдаги арбобларнинг кўпчилиги давлат ишларидан бўшагач мударрислик қилишни фахрли иш деб билганлар. Ўша даврда Хоразм давлатининг обрўси ва бойлиги даставвал мамлакатда илм-маърифат ва маънавиятни қадрлаш, фан, адабиёт ва санъат аҳлини эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсати туфайли намоён бўлганлигини барча манбалар тасдиқлайди. Манбаларнинг биридаги таърифича, Хоразм «барча замонларда илм аҳли макони ва донишмандлар карвонининг манзилгоҳи» ҳисобланган.

Хоразм донишмандлари нафақат «барча алломаларнинг саркардаси» деб танилибгина қолмай, улар чинакам халқпарвар ва ватанпарвар фуқаролар сифатида катта обрў қозонган. Бунга мисол афсоналарга чўлғонган авлиё даражасига кўтарилган мазкур Нажмиддин Кубро. Жуда кўп асарлар муаллифи 1145 йили Хивада таваллуд топиб Хоразмшоҳлар пойтахти Урганчда фаол ижод қилган 81 ёшга етган бу улуғ аллома мўғул истилоси вақтида Урганч мудофаасида ўз халқи билан бир сафда қўлга қурол олиб ватан йўлида қурбон бўлган.

Нажмиддин мусулмон оламининг Ғарб давлатларида бўлган, у ердаги атоқли уламолар билан мулоқот

ўрнатиб, дашт қабилалари орасида ислом таълимотини тарқатган. В. Г. Гордлевский хабар қилишича, у Салжуқийлар давлатининг барча диний мистик марказларида бўлган, минтақада шайх сифатида тўла шаклланган ва катта уламо бўлиб танилган. Рашидаддин келтирган ривоятига биноан, Чингизхон шайхдан Урганч қамалда бўлганда шаҳарни тарк қилишини таклиф этганда Кубро унга жавобан ўз ватандошлари билан яхши-ёмон кунларда тақдирини бирга кўражагини айтиб, таклифни рад қилган. В. В. Бартольд Чингизхоннинг «олий жаноблигига» шубҳа билдириб, Нажмиддиннинг ҳақиқий ватанпарварлиги чинлигига ишонган.

Халқ орасида тарқалган ривоятларга қараганда (улар ёзма манбалардаги ҳикояларга ҳам тўғри келади), пойтахт қамал қилинганда, хоразмшоҳлар саройи ва амалдорлари шаҳарни ташлаб қочганда, Кубро ҳимоячилар билан бирга қўлга қурол олиб жанг қилган. Араб муаллифларидан тарихчи Абу Саодат Абдуллаҳ ал-Ямани ал-Яфий ҳикоя қилади: Нажмиддин шайх Абул Ҳасан Исмоил ал-Қасрининг шогирди издоши бўлган, Макка ва бошқа мусулмон шаҳарларига борган ва таниқли сўфий алломалари билан мулоқотда бўлган. Асли Кубро доимо Хоразм (Урганчда) истиқомат қилган. Мўғуллар Урганчни қамал қилганда сафдошлари ва дўсту биродарларига шаҳарни тарк қилмасликни қатъиян маслаҳат бериб, ўзи шайх либосини кийиб камар боғлаб, қуролланиб қалъа муҳофаасига чиқиб кетган. Жангда ҳалок бўлган шайхни калласини танидан жуда қилганда, гўё у калласини қўлга олиб, уни бошини кесган мўғул саркардаси ўғлининг сочига қаттиқ ёпишган ҳолда ўлган. Унинг жасадини калласи билан ўз талабалари ўқитган рабатнинг хонасига дафн қилганлар. Бошқа бир ривоятда шайх камон ўқи билан яраланганда, ўқни қўли билан олиб осмонга ирғитган ва Оллоҳга мурожаат қилиб ҳалок бўлган. Аммо ўлиmidан олдин еттита душман лашкарларини ўлдирган. Урганчнинг забт қилиниши ва харобаликка айланиши ватанни тарк этган сотқин шоҳларга қарши қаратилган қарғишларининг оқибати деб ҳисоблайдилар.

Иккинчи ватанпарвар аллома Инножиб-бобо авлиё афсонаси (В. В. Бартольд асарларида Ибн Хожиб) ҳам Чингиз истилоси билан боғлиқ. Мазкур аллома Нажмиддин Кубро ва бошқа диний арбоблар билан душманга қарши курашга халқни чорлаб, ўзлари ҳам озодлик учун курашда қаҳрамонона қурбон бўлганлар. Буюк

Хоразмшоҳлар давлатининг қудрати ва шон-шарафи ҳам асли заҳматкаш халқнинг ватанпарварлиги, унинг бой маънавияти, жасур фидоий фарзандлари билан боғлиқ. Қандай фожиали воқеалар, тахт талашувлар ва сиёсий найранглар юз бермасин хоразмлик фидоийлар сабр тоқатли, шижоатли, элим-юртим деб куйиб ёниб курашиб келганлар. Уларнинг барча ижобий фазилатлари, айниқса ватан олдидаги буюк жасорати ҳақиқатан ҳам мўғуллар истилоси вақтида катта синовдан ўтган эди.

Маълумки, XII аср бошларида қудратли империяни ташкил қилган Чингизхоннинг 1218—1219-йилларда Жебе бошчилигидаги қўшинлари Еттисув ва Шарқий Туркистон ерларини эгаллаб, бутун Моварауннаҳр, қисман Эрон, Афғонистон, Олд Осиё ва Кавказгача кенг территорияни ўзига бўйсундириб Хоразм давлати чегараларига яқинлашади. Мўғуллар 1220 йилнинг бошларида дастлаб Сирдарё бўйидаги Ўтрорни, кейин Бухоро ва Самарқандни босиб оладилар. Истилочилар шаҳар ва қишлоқларни талон-тарож қилиб, аҳолининг кўпчилигини қириб, бир қисмини қулликка маҳкум этганлар. Муқаддас Бухоронинг ҳимоячилари бутунлай қирилган, истеҳкомлар яксон этилиб, шаҳарга ўт қўйилган. Самарқанд аҳолиси ҳам қаҳрамонлик билан ўз шаҳрини ҳимоя қилган, шаҳар аҳолисининг тўртдан бир қисми тирик қолган, холос. Хоразмликлар ҳам шундай мусибатни бошидан кечирганлар. Араб тарихчиси Ибн ал-Асир бу воқеаларнинг жонли гувоҳи сифатида шундай деб ёзади: «Улар (мўғуллар — И.Ж.) ҳеч кимсани аямас эдилар, аёлларни, қарияларни, болаларни қатл этдилар..., орқада бирон шаҳарни қолдирмай ер билан текислаб ўтар эдилар».

Чингиз қўшинларнинг нисбатан енгил ғалабаларининг бош сабабларидан бири Хоразм империясининг ички низолар, бетўхтов урушлар, эзилган халқ норозилиги каби омиллар иқтисодий ва сиёсий инқирознинг бошланиши эди. Қудратли африғийлар сулоласининг охириги вакиллари маъмунийлар ўрнига келган турк ҳокимлари томонидан тайинланган, янги сулолага асос солган Қутбиддин Муҳаммад ибн Ануштегин (1117—1127) анча уддабурон ва матонатли ҳукмдор бўлсада, унинг фарзандлари, нева-чеваралари даврида мамлакат бироз тушкунликка юз ўгиради. Унинг ўғли Отсиз (1127—1156)нинг муваффақият билан ҳукмронлик қилган йиллари шиддатли воқеаларга тўла бўлган. Айниқса даҳшатли ташқи

кучлар билан ички тахт ва мансаб талашувлар давлатни анча бўшаштирган. Сўнгги «Улуғ салжуқий» султон Санжар ва Шарқдан кириб келган қорахитойлар эса буюк хоразмшоҳлар давлатини инқирозга учрашига дастлабки омиллардан эди.

Отсизнинг набираси Аловиддин Текеш ибн Ил-Арслон (1172—1200) Хоразм давлатини мустаҳкамлаш, қўшимча ерларни босиб олиш сиёсатини амалга оширишга ҳаракат қилган. Агар Отсиз Хоразмнинг чинакам мустақиллигига ва улуғдавлатчилик сиёсатига замин яратган бўлса, Текеш ўз империясининг ҳақиқий асосчиси, деб танилган. Унинг уғли ва валиаҳди Аловиддин Муҳаммад II отасининг сиёсатини давом қилдиришга ҳаракат қилиб, қорахитойларга қарши сабрматонат билан муваффақиятли кураш олиб борган. Унинг подшолик қилган даврида (1200—1220) Самарқанд ва Ўтрор қорахонийлар қўлидан тортиб олинган, узоқ Ғазнагача (Афғонистон жанубида) ўз чегарасини кенгайтириб Ғарбий Эрон ва Озарбайжонни бўйсундиради, Дашт Қипчоқнинг ичларига кириб боради. Аловиддин Муҳаммад қорахитойлар билан муваффақиятли курашиб, уларни таслим бўлишига мажбур қилади. Хоразм шоҳи ўзини «Иккинчи Искандар», деб эълон қилади. Айрим маълумотларга кўра, шоҳга тобе бўлган 27 мамлакатнинг ҳокимлари ёки бу ҳокимларнинг гаров тарзида юборилган ўғиллари Муҳаммаднинг саройи қошида тилла ноғора чалганлар.

Шундай бўлса-да, феодал монархияларга хос ички зиддиятлар, айниқса саройдаги ва унинг атрофидаги низолар бу ерда ҳам мавжуд эди. Мўғуллар истилоси арафасида Хоразмда асли иккиҳокимлик ўрнатилган деса бўлади. Бутун мамлакатда шоҳ ва султон деб Аловиддин Муҳаммад ҳисобланса-да, ички ва ташқи сиёсатни олиб боришда иккинчи ҳоким шоҳнинг онаси Туркан-хотун ҳисобланган. У ҳаттоки айрим масалаларни ҳал қилишда биринчи бўлган, султоннинг баъзи фармон ва буйруқларини инкор этган ва ўз номидан фармонлар чиқариб истаган масалаларни ҳал қилиш қудратига эга бўлган. Шоҳ ҳеч вақт эътироз билдирмаган, чунки бир томондан она ҳурмати, иккинчидан Туркан-хотуннинг тарафдорлари унинг уруғидан чиққан турк амирлари кўпчиликти ташкил этган. Замондошларининг таърифича, Туркан-хотун «Худованди-жаҳон», яъни «жаҳон ҳокими», деб ном қозонган, фармон чиқара олган, ўзининг тугруси

(муҳри)га эга бўлган. Уни «Исмат ад-Дунё ва-д-Дин уруғ Туркан Малика нисаъ ал-аламайн», яъни «Улуғ Туркан дунё ва диннинг ҳомийси, икки дунёдаги аёлларнинг маликаси», деб улуғлаганлар. У ўзига «Фақат Оллоҳ менинг мадаккорим», деган сўзларни бош шиор қилиб олган. Туркан-хотун пойтахт Урганчда истиқомат қилган, ўзининг махсус кўшки ва иккита мулкига эга бўлган, шоҳ ўғли эса Самарқандга кўчиб шу ердан ҳукмронлик қилган. Малика нафақат султон устидан ҳукмронлик қилибгина қолмай, молия масалаларига ҳам араллашиб хўжайинлик қилган, олий амирлар ва амалдорларга ҳукмини ўтказган. Туркан-хотун ҳатто тахт меросхўрини ўзи белгилаган. Бундай ҳолат, шубҳасиз, Хоразм давлатини бўшаштиришга ва унинг инқирозини кучайишига олиб келган.

Хоразм шоҳининг катта хатоси Чингиз томонидан савдо-сотиқ масалаларида чўзилган қўлни рад қилиши эди. У мўғул подшоси билан дастлабки даврларда яхши муносабатда бўлиб, ўзаро элчи ва савдогарлар, бой совға-саломлар олишган. Аммо 1218 йилнинг охирларидан бошлаб алоқалар бузила бошлайди, хоразм лашкарлари билан мўғул отрядлари орасида биринчи ҳарбий тўқнашувлар рўй беради. Меркитларга қарши урушга чиққан Чингизнинг ўғли Жўчи лашкарлари, Хоразм шаҳзодаси Жалолиддин Мангуберди лашкарлари орасида хоразмликларнинг ташаббуси билан дастлабки жанг бўлади. 20 мингдан ортиқ кишини йўқотган Жалолиддин ғолиб чиқиб, Жўчи қўшинлари чекинади ва Чингизхонга ноҳуш хабарни етказди. Аммо мўғул шоҳи бунга эътибор бермай яна савдо-сотиқни ривожлантириш таклифини қайталайди. Жалолиддин отаси Алавиддин Муҳаммадга юмшоқ ва мулойим бўлишни, элчи ва савдогарларга нисбатан шавқат ва ҳурмат билан муносабат қилишни таклиф этган. Жаҳлдор шоҳ Чингиз юборган кўпсонли савдо карвонининг Ухун бошчилигида ҳибсга олишни буюрган. Ўтрор амири Файрихон Инол эса элчиларни айғоқчи деб айблаб ҳаммасини қатл қилдирган, барча молларини мусодара этган. Одат бўйича элчиларни ўлдириш мумкин эмас эди. Элчилар билан Чингизхон юборган 450 савдогар асли мусулмон бўлган. Илгари Муҳаммад қатл қилдирган элчи Кушлухон ҳам мусулмон эди.

Ўтрордаги Чингизхоннинг 450 савдогаридан тирик қолган биттаси келиб хонга бўлган фожиани батафсил гапириб берган. Мўғул солномаларида қайд қилинга-

нидек, Чингизхон ўзига яқин кишиларни йиғиб шундай деган экан: «Сартаул халқига қарши юриш бошлайман ва қонуний равишда Ухун бошчилигида юзлаб қатл қилинган элчи кишиларимиз учун қасос оламан. Сартаул халқига бизнинг тиллашоҳли жиловимизни бежазо юлиб ташлашга йўл қўйиш мумкинми?» Хон учкечаю уч кундуз якка ибодат қилиб худога шундай илтижо этган: «Э, парвардигор ва оламни яратгувчи! Тозик ва туркларни яратган! Бу ғалаённинг сабабчиси мен эмас! Менга қасос учун куч-қувват ҳадя қилгин!».

Чингизхон лашкарларининг хоразмшоҳлар давлатига қарши чиқишининг яна бир сабаби Алавиaddin Муҳаммаднинг ортиқ даражада манманлик қилиб ўзини оламни бошқарадиган якка подшо деб ҳисоблашидир. У бўйсундирган мамлакатларда маҳаллий ҳокимларни қатл қилдириб, барча ерларни иккита қилиб, ўз қариндошлари, амирлари ва амалдорларига бўлиб берган. Оқибатда илгариги ҳокимларга хизмат қилиб келган ҳарбий бошлиқларни, тўра ва бекларни ўзига қарши норози қилиб қўйган. Илгари салжуқийлар эса, аксинча, эски амалдорлардан фойдаланиб уларни ўз ўрнида қолдириб рағбатлантириб келган. Хоразмшоҳнинг учинчи катта хатоси йирик қўшин резервларини Амударё орқасига олиб ўтиб, қолган қисмларини қалъаларга бўлиб юборган.

Муҳаммад шоҳнинг Чингизга қарши тузган стратегик режаси мутлақо яроқсиз чиқди. Бир қанча шаҳарлар чинакамига мардларча ҳимоя қилиниб (айниқса империя пойтахти Урганч), мўғулларнинг кучлари кўп ойлаб тийиб турилганига қарамай, бу қалъалар биринкетин таслим бўла бошлади. Асосий зарбанинг йўналиши империя шарқий чеккасининг энг заиф ҳалқаси яқиндагина қўшиб олинган ва сиёсий ғалаёнлар ниҳоятда авжига минган бой шаҳарлар, Ўрта Осиё ва Хитой билан савдо алоқалари бўлиб турган муҳим қалъалар бўлганлиги тасодифий эмас эди. Чунки бу ердаги савдогарларнинг юқори табақалари ичида кучли гуруҳлар ажралиб чиқиб, мўғуллар билан яқин алоқада бўлиб, уларнинг муваффақиятларидан манфаатдор эдилар. Бундай ҳолат империянинг катта шаҳарларидан Бухоро ва Самарқандга ҳам хос бўлиб, мазкур шаҳарларнинг ичида «бешинчи колонна» сотқин-хоинлардан иборат гуруҳларнинг мавжудлиги бу даврда рўй берган воқеаларда маълум роль ўйнади. Бухоро ва Самарқандга берилган зарба туфайли пойтахт Урганч яккаланиб

қолди. Оқибатда Чингизнинг олдин қўшинлари тез орада Амударё соҳилига етиб келди ва Хоразм шоҳининг кучли ҳисобланган улкан армиясини парокандаликка солди. Оқибатда сон жиҳатдан кам бўлган Чингизхон қўшинлари ғалаба қозонди. Лашкар бошлари Жебе ва Субутойнинг йигирма минглик энг яхши корпуси Алавиддин Муҳаммадни Каспий денгизи томон чекинишга мажбур қилди ва у ердаги ороллардан бирига яширинган буюк шоҳ ўша ерда ўлиб кетади. Тарихий манбаъларда қайд қилинганидек, Хоразм шоҳи 1220 йилнинг декабрь ойида вафот этади ва унинг жасадини кўмиш учун ҳатто қафан топилмаган.

Шундай қилиб, «Энг буюк жаҳон ҳокими», деб танилган Хоразм шоҳи Алавиддин Муҳаммад хору-зор бўлиб оламдан ўтган. Манбаъларнинг таърифича, бу жаҳонгир шоҳ қорахитойларнинг ерлари, Мавароуннахр, Хоразм, Исфохон, Мазандорон, Кармона, Мекрон, Кеш, Фазна, Гур, Сижистон, Бамён, Форс, Ўтрор, Озарбайжон, Ироқ, Тобористон, Журжон устидан ҳукмронлик қилган. Унга бўйсунган территория жанубда Ҳиндистонга, Ғарбда Турклар юртига, шарқда Хитойгача чўзилган. Унинг номи Дарбанд ва Ширвон, Хуросон ва бошқа мамлакат ва шаҳарлардаги мачитларда хутба номозида тилга олинган. Алавиддин Муҳаммаднинг бойлиги ҳисобсиз бўлиб, мўғуллар қўлига 10 млн. динар, 1000 қоп атлас ва бошқа газлама, 30 минг от ва хачирлар, сон-саноксиз турли моллар ўтган.

Хоразм пойтахтини қамал этган Чингиз лашкарлари турли найранглар билан шоҳнинг онаси Турканхотунни таслим бўлишини талаб қилган. Урганчдаги қўшин ва аҳолиси мудофаа кучига эга бўлсада Турканхотун ватанни душманга ташлаб қочган ўғли Муҳаммаддан кейин ваҳимага тушади. Шоҳ хотинлари ва фарзандларини, хазинадаги бойликларни ва бошқа қимматбаҳо буюмларни олиб шаҳарни тарк этади. Бераҳм малика шаҳарда қолган барча султонлар, ҳокимлар ва уларнинг ўғилларини — жами 26 кишини қатл қилдирган эди. Уларни Амударёга чўктирган. Бундай шармандалик Турканхотундан кўп тарафдорларини юз ўгиртирган, у фақат ўз хизматкорлари, вазир Муҳаммад ибн Солиҳ ҳам йўл кўрсатувчи Умархон билан қочган.

Ношукр малика Илол шаҳри Мазандаронга етгач йўл бошловчини ҳам қатл қилдиради. Чингиз лашкарлари Турканхотунни изидан бориб Илол шаҳрини

қамал қилиб, кўп ўтмай уни ҳам босиб олади. Малика Хоразмшоҳнинг бутун ҳарами болалари билан асирга тушади. Мўғуллар шоҳ болаларини ўлдириб, ҳарам аёлларини хотин қилиб оладилар, Туркан-хотун эса Чингизхон қароргоҳига жўнатилади ва у ерда хору-зорликда 1233 йили вафот этади.

Империянинг пойтахти аҳолиси етти ой мардонавор курашгач султон Хумар-Тегин бошчилигида таслим бўлишига мажбур этилган. Шунча қаршиликка ҳеч қаерда учрамаган мўғуллар бутун аҳолини (100 минг ҳунармандларни ажратиб Мўғулистонга жўнатиб) ёшуқарини аямай қирганлар. Тарихчиларнинг ёзишича, қамал қилган 50 минг мўғул лашкарларининг ҳар биттаси 24 та урганчликни ўлдирган. Пойтахтни бутунлай емириб, ер билан яксон қилиш буюрилган. Ваҳший истилочилар аҳолини бутунлай қириб бўлгач Амударё тўғонини бузиб пойтахтни сувга бостиради. Оқибатда ажойиб тарихий обидалар, минглаб ноёб китоблар сақланган кутубхоналар барбод этилган эди.

Хоразм шоҳи шармандалик вафотидан кейин донғи чиққан бир вақтлар энг қудратли ҳисобланган катта империя емирилади ва у, тарихчи Жувайнинг таърифича, «Бошқа мамлакатлар ўртасида арқони қирқилган қапага ўхшаб қолди». Бу Аловиддин Муҳаммад Хоразм шоҳи вафотидан олдин онаси тайинлаган валиаҳд тўғрисидаги фармонни бекор этиб, Жалолиддин империянинг тахт вориси деб эълон қилади.

Буюк Хоразм давлати тарихида сўнгги шоҳ Жалолиддиннинг империяни сақлаб қолиш учун олиб борган мардонавор курашининг ўн йиллик жангномаси бу шиддатли даврнинг энг фожиали ва улуғвор саҳифаларидан бири. Ўз вақтида Туркан-хотун томонидан тан олинмаган жасур, истеъдодли Жалолиддин отаси ўрнига маликанинг иродаси билан тахтга ўтқазилган акаси Кутбиддин Ўзлог шоҳ бошчилигида сарой атрофида тўплаган ношуд тўдаларнинг фитналарига қарамай, мўғулларнинг муносиб рақиби бўлиб чиқди. У ўзига қарашли Фазна вилоятини истилочиларга қаршилик кўрсатиш марказига айлантирган эди. Жалолиддин фитнанинг уясига айланган пойтахтни ташлаб, бу ерга қочиб келишга мажбур бўлган. У қариндош-уруғлари томонидан уюштирилган суиқасдга қарамай, ҳатто душманлари тан берган бу қаҳрамоннинг шон-шухрати кенг тарқалган.

Жалолиддин Урганчдан 300 отлиқ билан қочиб, Нисо шаҳри остонасида унинг йўлини беркитиб қўйган 700 отлиқ мўғул қўшинларини енгади. У Ғазнага келиб янги куч тўплаб, карвон яқинида бўлган жангда мўғуллар устидан яна бир ажойиб ғалаба қозонган. Мард лашкарбоши Жалолиддин бу жангда ҳарбий фан тарихида биринчи бўлиб отдан тушиб, пиёдага айланган ўқ ёйчи (ёйондоз)лар сафини тузиб мўғулларнинг отлиқ аскарларига қарши қўйиб, уларга қаттиқ зарба берган. Бундай жасурликка тан берган Чингизхон ўзининг асосий кучлари билан Жалолиддинга қарши отланишга мажбур бўлган.

Мўғул лашкарларига қарши мардонавор курашганлар ичида ҳақиқий ватанпарвар лашкар бошлиқлар ва садоқатли султонлар билан Хоразмшоҳнинг ўғиллари Ўзлог-шоҳ ва Оқ-шоҳ ҳам бўлган. Улар Хуросон тупроғини мудофаа қилишда ўз лашкарлари билан таъқиб қилувчилар билан жанговор курашда ҳалок бўладилар. Шоҳнинг учинчи ўғли Рукнаддин Гурганжи ҳам олти ой қамалда қаршилиқ кўрсатиб, кейин асирга тушади. Мўғул Тоймас-нўён олдига келтирилган шахзода тиз чўкишдан бўйин ўтириб, қийноқ билан қатл этилган.

Аммо энг зўр қаршилиқ кўрсатган ва мардонавор кураш олиб борган Жалолиддин кетма-кет истилочиларга даҳшатли зарба бериб куч тенг бўлмаганлигидан чекиншга мажбур бўлган. Ҳинд дарёси соҳилида 1221 йил ноябрида бўлган охириги шиддатли жангда гарчи ҳарбий устунлик Жалолиддин томонида бўлса-да, Чингизхон кучли резервларни жангга солиб ўз рақибининг қаршилигини синдиришга муяссар бўлган. Албатта Жалолиддин қўшинлари орасида ҳам бир хил қаҳрамонона курашганлар бўлмаган, айрим жанглардаги ғалаба туфайли ўлжа талашган бир қанча кўчманчи ҳарбий бошлиқларнинг хиёнати ва қочоқлиги ҳам Чингизхонга қўл келган.

Ҳинд дарёси соҳилига сиқиб келинган Жалолиддин уч кунлик даҳшатли жангдан сўнг мағлубиятга учрашиб, яқинда Чингизхон томонидан асирга тушган саккиз яшар ўғлининг ваҳшиёна қатл қилдирилганлигини эслаб сундан кечиб ўтиш воситаларидан маҳрум бўлганлиги туфайли ҳарамдаги хотинларини асирга тушиб номусга қўймаслик учун уларни дарёга чўктириб ўлдиртиради. Чингизхон Жалолиддинни тириклай қўлга киритишни буюрган эди. 1221 йили 25 ноябрда бўлган бу жангда унинг 700 га яқин қўшини қолган эди.

Жалолиддин асирга тушмаслик учун жўшқин дарёга

бутун қурол-яроғи билан от солади ва мўғуллар ўқининг жаласи остида бошқа соҳилга ўтиб олади. Чингизхон бундай жасурликдан ҳайратда маҳлиё бўлган султонни таъқиб қилмасликни буюради. У ўғилларига қараб шундай деган экан: «Ота ўғли фақат шундай бўлиши керак! Шундай даҳшатли жангдан ва жўшқин дарё қаъридан соҳилга соғомон чиққан киши ҳали жуда кўп улуг ишлар ва фаолият кўрсатади!» Унинг билан бирга дарёнинг у соҳилига учта отлиқ амир ва тўрт мингга яқин қўшини ўтади.

Анча ҳолсизланган ва пачоқланган Жалолиддин оч ва ҳориган озгина сафдошлари билан нотаниш ва душманларча кутиб олган Шимолий Ҳиндистон аҳолиси орасида пайдо бўлган. Маҳаллий ҳоким (рана) уни оғир аҳволдан фойдаланиб бир минг отлиқ ва беш минг пиёда аскарлар билан Жалолиддинга қарши ҳужум қилади. Моҳир ва тажрибали лашкарбоши олдида ожизлик қилган ҳинд қўшинлари тор-мор қилиниб қочиб кетадилар. Оқибатда Шимолий Ҳиндистон Жалолиддинга тўла бўйсунди ва унга қарам бўлади. Султон ўзининг аҳволини яхшилаб олади, ҳатто ўз номидан танга чиқариб, барча вилоятларда унинг исми билан хутба ўқиладиган бўлади. Жалолиддин Ҳиндистонда ҳар хил жанглар ва фитналарни бошидан кечириб уч йил ҳукмронлик қилган.

Жалолиддиннинг Хоразм давлатини сақлаб қолиш ва истилочилардан озод қилиш учун олиб борган мардонавор, аммо самарасиз курашининг кейинги ўн йиллик жангномаси энг фожиали ва улуғвор саҳифаларидан. Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган даврда унга қарши фитналар ва мўғулларнинг янги таъқиб васвасалари султонни Ироқ томон юришга ундаган. У дастлаб Кармана, кейин Шероз ва Исфaxonга буриб маҳаллий хон ва амирлар билан келишиб бир оз мустаҳкам кучга эга бўлади. Аммо бу ерлар укаси Фиёсиддинга тегишли бўлганлиги учун у акасининг келишидан норози эди. Жалолиддиннинг келиши маҳаллий аҳоли томонидан яхши кутиб олинган, чунки Фиёсиддин даврида ўзбошимчалик ва зўровонлик авжига чиққан эди.

Жалолиддин 1225 йили Озарбойжонни босиб олиб ўз қўшинларини Бағдод томон юришга тайёрлайди. Озарбойжоннинг охириги ҳокими (Отабеги) Ўзбек давлат ишларидан чекланган, асли бу ишларни унинг хотини кейинги салжуқийлар султони Тўғрулнинг қизи Малика-хотун бажариб турган. Ўша вақтдаги пойтахт Марага Жалолиддинга қаршиликсиз таслим бўлгач

Озарбойжон Отабеги Ўзбек Табризга қочади ва у ердаги хоразм қўшинларининг вакилларини ўлдиртиради. Хоразмшоҳи Табризга қўшин билан боради ва етти кунлик қамалдан кейин босиб олади. Шу ерда ўзининг ноибини тайинлаб, Грузияга қарши юриш бошлайди. Ўзбек хонлиги емирилгач, грузинлар Жалолиддинни Озарбойжондан ҳайдаб бу ерларни ўзига қаратиб Бағдодга юриш ташкил қилмай, унда ўзининг католикосини ҳалиф қилиш, барча мачитларни черковга айлантиришни режалаштирганлар. Аммо Грузия аҳолиси асли ўз ватанини мудофаа қилиш тарафдори бўлиб, Жалолиддин эълон қилган урушга қарши эканлигини билдирган. Хоразмшоҳи Гарни яқинидаги жангда грузинларни тор-мор қилдириб, мамлакатни талон-тарож қилган. Бу жангда 20 минг грузин лашкари ҳалок бўлган, қолганлари асир қилинган.

Жалолиддин Табризга қайтиб Отабегининг хотини Маликага уланади, кейин Тифлисга юриш қилиб йўл бўйи Ганжа, Бойлаган, Шанхур, Шутун каби шаҳарларни ўзига бўйсундиради. Отабеги Ўзбек бундай нохуш хабарлардан сўнг касал бўлиб вафот этади. Шундан сўнг отабегилар давлати тугатилиб Озарбойжон, Ширвон ва Грузия 1231 йилгача Хоразм шоҳи Жалолиддин ҳукмронлигида қолган. Жалолиддин қўшинлари босиб олинган юрт ва шаҳарларни талаганлар, султон ҳокимлик қилган Форс, Шарқий Эрон, Озарбойжон аҳолиси орасида норозилик кучаяди. Хоразмнинг Ўрта Осиё ва Хурасондаги асосий мулклари вайроналикка айланади. Жалолиддиннинг Шарқда янги қаршилиқ кўрсатиш кучларини ташкил қилишдаги уришлари пучга чиқади.

1230—1231 йили исмоилийлар таклифи билан келган мўғуллар Озарбойжонни босиб оладилар. Жалолиддин барча ҳоким ва ноибларга мурожаатнома жўнатади, аммо ҳеч ким унга жавоб бермайди ва ёрдамга келмайди. Ҳатто унинг вазири Шароф ал-Мулк султонга қарши фитна уюштира бошлайди. Ўша вақтда Ганжада қўзғолон кўтарилади, султон амалдорларини қатл қилиб, ундан юз ўгирганлигини мўғуллар хабар қиладилар. Хоразмийлар қўзғолонни бостириб, унинг раҳбарларидан 30 кишини ўлдирадилар, саркардаси Бандарни оломон олдида қатл қилиб, жасадни чопиб ташлаганлар. Ганжага келган Жалолиддин 17 кун сақланиб, ўз лашкарларини мўғулларга қарши қўймайди. Уларни

талон-тарож ва босқинчилик қилишига рухсат берган. Шу ердан султон озгина куч билан Кичик Осиёга ўтиб Исфaxonга қайтиб келади.

Шундай кунлардан бирида Исфaxonга мўғул бостириб келади, Жалолиддин чекинишга мажбур бўлади. У кичик бир отряд билан Тавратoғларида яширинади. Жалолиддин Холам яқинидаги Айндор номли қишлоққа етиб боргач, бир гуруҳ курдлар томонидан таланади ва шу ердаги бир курд хоразмликларга қасд қилиб хун олиш учун (унинг акасини жангда ўлдирганлар) Жалолиддинни найза билан санчиб ўлдиради. Бу воқеа 1231 йил 15 ё 17 августда рўй берган. Шундай қилиб, буюк хоразмшоҳлар сулоласининг охириги вакили оламдан ўтган ва машҳур улуг империя бутунлай инқирозга учраб емирилган.

Жалолиддиннинг ўлиmidан кейин ўша замон воқеаларининг гувоҳи бўлган ибн ал-Асирийнинг ёзишича, мусулмон шарқидаги халқлар бу жасур лашкарбоши ва улуг султонни юксак баҳолаб, анча йиллар унинг ҳалок бўлганига ишонмай келганлар. Ватанни бераҳм мўғуллар томонидан истило қилишга қарши қаҳрамонона қаратилган саркарда ҳаракатларини унутмаган мусулмонлар, ул истилочиларга ҳал қилувчи зарба беришга янги кучлар тўпламоқда, деган турли афсоналар пайдо бўлган. Аммо бу умидлар пучга чиққан, Хулагу бошчилигидаги мўғул галалари Ўрта ва Шарқ мамлакатларига қарши қонли юришларини давом қилдириб, Ироқ, Эрон, Озарбойжон ва Грузияда пайдо бўлганда, ҳеч ким бу ваҳший босқинчиларга қаршилиқ кўрсата олмаган.

Олд Осиё мамлакатлари ва вилоятларида жуда кўп парчаланиб кетган Хоразм шоҳи лашкарлари, айниқса ҳар хил туркий қабилаларнинг вакиллари мўғуллардан қочиб жойлашиб қолган. Одатда бундай кишиларни тарихий манбаълар, хоразмликлар деб тилга олади. Бу кишилар баъзан шунча кўп бўлганки, маҳаллий ҳокимлар бунини инобатга олишга мажбур бўлган, чунки улар катта ҳарбий куч бўлган. Жалолиддиннинг айрим амирлари ва лашкарбошилари Олд Осиё, ҳатто Миср, Ироқ каби мамлакатларнинг подшолари ва ҳокимларида хизматда бўлган ва ҳатто, маҳаллий ҳукмдор, хон ва султонлар орасидаги кураш ва фитналарда хоразм ҳарбий кучлари таянч ролини ўйнаган. Шунинг учун салжукийлар ва айюбийлар валиаҳдлари хоразмликларни хизматга олиб, уларга ер-мулк ажратганлар. Шарқий Анатолиядаги айрим вилоятларда ўша даврда қолиб кетган

хоразмликларнинг авлодлари ҳозиргача яшаб келмоқда ва хоразм номи уларда сақланган. Уларга мазкур вилоятда Суриядан қочиб келган хоразмликларнинг шу номидаги учта қишлоғи ҳозир ҳам мавжуд.

Шарқда, Ўрта Осиёда илк пайдо бўлган айрим феодал монархиясининг емирилиши, бу ердаги халқларнинг мўғул истилоси туфайли фожиали қора кунларни бошидан кечириши тарих тақдири билан ҳукм қилинган эди. Жалолиддин мусулмон давлатларнинг маданиятини ваҳший мажусийлардан ҳимоя қилувчи бир қалқон бўлиб хизмат қилган. Аммо XII—XIII асрларда юксалиб келаётган Хоразм империясига кирган ёки қарам бўлган мазкур мамлакатлар Фарб ва Шарқнинг мустабид монархияларига хос бўлган барча кучли ва заиф томонларини ўзида мужассамлаштирган.

Бу даврдаги воқеаларнинг заминида ўрта аср Хоразм иқтисодий қудратининг юксалиш жараёни, империянинг мўғул ғалабалари зарбаси остида қулагунга қадарли ва ундан кейинги тарихий ривож и хоразмликларнинг нақадар зўр истеъдод, куч-ғайрат ва иродаси мустаҳкамлигидан далолат беради. Тарихий-археологик курашлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Тарихий обидаларни ўрганиш орқали биз бу антикий ўлканинг илк ўрта асрлар давридаги йирик монархия скелетининг суякларини гўё пайпаслаб ушлагандек бўламиз, ўша даврдаги барча воқеаларнинг гувоҳи бўлган харобаларни тилга киритиб, ўзимиз ҳам шуларнинг жонли гувоҳидек сезамиз. Кенг кўламда олиб борилган қазилмалар туфайли, минглаб гектар унумдор ерларга ҳаёт қайтарган катта сув иншоотлари, чўл четидаги қалъа ва истеҳкомларнинг қурилишлари, Хуросон, Мавароуннахр, Дашти қипчоқ ичига олиб борадиган йўлларнинг мустаҳкамланиши, шаҳар ҳаётининг жонланиши, ҳунармандчилик, савдонинг янгидан гуркираб ўсиши, «Хоразм ренессанси» (уйғониш даври) санъатининг шукуҳи ва бой ривож кўз ўнгимизда бирма-бир намоён бўлади.

Мазкур воқеаларнинг энг салбий ва даҳшатли оқибати, С.П. Толстовнинг доно илмий фикрларига таяниб айтиш мумкинки, мўғул истилоси фақат ҳарбий вайронгарчиликлар келтириш билангина, забт қилинган мамлакатларнинг сиқиб сувини ичувчи ҳарбий-қулдорлик ҳокимиятининг ўрнатилиши билангина кифоя қилиб қолмайди. Бу истилолар яқиндагина муваффақият билан бартараф қилинган феодал тарқоқликка қайтишга,

истилочиларга таянган ҳолда ўз халқига қарши иш ту-
тувчи келгиндиларнинг куч-қувватидан ўзининг тор шах-
сий манфаатларини амалга ошириш йўлида фойдала-
нувчи феодал зодагонлар, айниқса маҳаллий ҳоким ва
хонлар мавқеининг мустаҳкамланишига, ярим қулдор-
лик тузумининг қайта тикланишига олиб келган эди.

Олимнинг энг муҳим хулосаси шундай: «Тарих ғил-
дирагининг кейинги айланишлари Хоразм империяси-
нинг юксалиши тасодифий бўлмаганлигини, бу юксал-
иш Ўрта Осиё халқлари тарихий ривожининг ижобий
тенденцияларига мос бўлиб тушганлигини кўрсатади...». Тадқиқотчиларнинг одилона қайд қилишича, Амир Те-
мур империясининг асосий ўзаги территория жиҳатидан
Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг давлатига қарийб мос кел-
ган. Мазкур империя мўғуллар истилоси туфайли 1218
йили узилиб қолган жараённи кейинчалик давом этти-
риш йўли билан вужудга келтирган эди. Темурнинг
орқасида ҳам Муҳаммад орқасида турган айни ўша иж-
тимоий кучлар турган, у ҳам ўзининг хоразмлик ўтмиш-
доши сингари худди ўша янги шаклдаги зиддиятларга
дуч келган. Хоразм шоҳи урганчлик Муҳаммад ҳам,
янги империянинг шоҳи шаҳрисабзлик Темур ҳам ўз
пойтахтларини Самарқандга кўчирганлар.

Темур даври меъморчилигининг ажойиб обидалари-
да айни Хоразм бадиий анъаналари янада яшнаб тўла-
тўкис гуркираб ўсдики, бу ҳол тасодифий эмас эди,
албатта. Фақат Амир Темур мутлақ ҳокимиятигина вай-
ронагарчилик тенденцияларини вақтинча тўхтатиб тур-
ган, аммо бу тенденция Жаҳонгирнинг вафотидан ке-
йин ниҳоятда авжига минади, кўп йиллик тахт талашув
ва социал низолар, иқтисодий таназзул ва маданий
тушкунликнинг қоп-қоронғу даври бошланади. Бундай
фожиали воқеалар Улуғбеклар ва кейинги ўзбек хон-
ликлари замонида айниқса авжига минади ва бутун
Ўрта Осиёда тарихий турғунликка сабаб бўлади. Маз-
кур аҳвол дастлаб чор Россияси томонидан, кейин ок-
тябр тўнтаришларидан сўнг Совет тузуми ўрнатилган
мустамлакачилик сиёсати туфайли янги шаклда намо-
ён бўлади. Собиқ совет империясининг парчаланиб ке-
тиши, мустақил Давлатларнинг ташкил этилиши Ўрта
Осиё минтақасида ҳартомонлама равнақ топишига кенг
имкониятлар яратиб, бу ерда ХХІ аср бўсағасида Янги
Ренессанс, яъни қайта Уйғониш даври бошланаётган-
лигини алоҳида қайд қилса бўлади.

ИПАК ЙЎЛИ ЧОРРАҲАСИДАГИ КЎҲНА ДАВЛАТ

Ватан — ажиб севимли достон,
Унда битта варақ Хоразм.
Шаффоф нурлар эли бу бўстон,
Унда битта чароғ Хоразм.

Эркин Самандаров

Ҳозирги замон юксак цивилизацияси асрлар давомида турли халқ ва элатларнинг ўзаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларининг самарали таъсири туфайли юзага келган. Бунинг негизида асли инсонга хос бўлган қўни-қўшничилик, дўсту-биродарлик каби олий фазилатларнинг мавжудлиги ўтади. Инсонлар ирқи, дини, миллатидан қатъий назар доимо бир-бирига интилиб келганлар, ўзаро алоқалар ўрнатиб, борди-келди қилиб туришни ҳамиша орзу қилганлар. Бундай яқин мулоқотда бўлиш эҳтиёжи умуминсоний қадриятлар заминида юзага келган ва унинг учун социал-иқтисодий, маданий ва ҳатто оилавий сабаблар ҳам доимо мавжуд бўлган. Тарихий жиҳатдан тақдири бир, дини ва турмуш тарзи яқин Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон халқлари Мағрибдан Машрикгача турли туман элатлар билан кўпминг йиллар давомида ҳар хил алоқа йўллари ва воситалари кашф этганлар. Шундай ажойиб кашфиётлардан бири жаҳон тарихида машҳур «Буюк ипак йўли» десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Буюк ипак йўли нақадар муҳим тарихий воқеа эканлигини, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (ЮНЕСКО) қарори билан Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари бўйлаб 1991 йили ёзида халқаро экспедиция ташкил қилиниши буни тасдиқлайди. Мазкур экспедицияда 24 мамлакат вакиллари: тарихчи ва шарқшунос, археолог ва этнограф, фолклорчи ва тилшунос, географ ва санъатшунос олимлар, журналист ва киносилар, ҳуллас турли касбдаги, ҳар хил тил ва ирқдаги 120 га яқин киши иштирок этган эди. Экспедиция катта илмий муаммоларни ҳал қилибгина қолмай, балки у эълон қилган «Буюк ипак йўли — мулоқот (диалоглар)лар йўли» деган инсонпарварлик шиорига тўла амал қилиниши бу тадбирнинг нафақат илмий, балки муҳим сиёсий аҳамиятга эга эканлигини исботлайди. ЮНЕСКОнинг бош директори Фе-

дерико Майор шундай деган эди. «Бир вақтлар даштлар, денгизларни кесиб ўтган Ипак йўли турли маданият (цивилизация)лар орасидаги диалог яратилишига ноёб имконият туғдирди ва уларнинг ўзаро бойишига ёрдам берди. Бу диалог бугун қайта тикланиши зарур. Бизда ҳамжиҳатликни янги поғонага кўтариш учун тарихий имкониятлар мавжуд — ЮНЕСКОнинг янги лойиҳаси худди шу мақсадни кўзлайди». Мазкур экспедиция асли ўз олдига қўйган узоқ Шарқ ва Ғарб халқлари орасидаги қадимий йирик савдо йўллари қайта ўрганиб, улар ўртасидаги тарихий муносабатларни тиклаш каби муҳим вазифани бажарибгина қолмай, халқаро дўстлик алоқаларини яна ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳозирги мураккаб бир даврда ҳар бир мамлакат ёки давлат ўзининг сиёсатида инсон, жамият ва табиат мувозанатини сақлашга интилса ижтимоий тараққиётга йўл очиб беради. ЮНЕСКОнинг мазкур тадбири ҳам мана шу мувозанатга таяниб халқлар орасида маданий муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган. Ҳар бир мамлакатнинг ҳозирги социал тараққиёти ўтмиш билан узвий боғлиқ бўлган ҳолда аجدодлар тажрибасига таянса анча самарали бўлиши шубҳасиз.

Шунинг учун Европа ва Осиё мамлакатлари кўпчилик раҳбарлари яқинда Озарбайжон пойтахти Бакуда тўпланиб Кавказ минтақаси орқали Европа-Кавказ-Осиёни боғлайдиган ТРАСЕКА лойиҳаси, яъни ўзининг тежамкорлиги ва самарадорлиги билан эътиборни жалб қиладиган муқобил транспорт коммуникациясини яратиш ҳужжатларини имзоланиши бежиз эмас. Асли мазкур тадбир Буюк Ипак йўлини тиклаш мақсадида ўтказилиб, бугун дунёвий жараёнлар глобаллашаётган, турли давлатлар ва бутун-бутун минтақаларнинг интеграциялашуви тезлашаётган бир даврда Европа ва Осиёни боғловчи кўприк бўлиб хизмат қилади. Юртбошимиз Ислом Каримов мазкур анжуманда гапириб одилонга қайд қилганидек, «Ипак йўлини тиклаш ғояси айрим шахслар фаолиятининг маҳсули эмас, балки, бу ҳаётий заруратдир. Дунё тараққиёти талаблари шуни тақозо этмоқда. Бу йўл 2000 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Шарқ билан Ғарбни савдо-иқтисодий ришталари билан боғлади. Мазкур минтақада яшовчи халқларнинг маданий-маънавий алоқаларини мустаҳкамлади».

Буюк Ипак йўли чорраҳасидаги бизгача етиб келган

ноёб обидалар узоқ ўтмишдаги аждодларимиз ҳаётини ўрганишга ёрдам беради. Ўзбекистонда тўрт мингдан ортиқ тарихий обидалар мавжуд. Улар ибтидоий жамият неолит давридаги маконлардан ва ундаги топилмалардан то ҳозиргача сақланиб келган ҳашаматли бинолардан, ноёб ашё ва буюмлардан, турли иншоотлар ва санъат намуналаридан иборат. Бундай ажойиб ёдгорликларнинг энг бой хазинаси Хоразм воҳаси!

Кўҳна Хоразм ўлкаси бир неча минг йиллар муқаддам кўчма қум орасида дайди Аму этакларида пайдо бўлиб, ўзига хос табиий-географик қиёфага эга бўлган. Ҳар хил ҳайвон ва паррандаларга бой бўлган ажойиб тўқайзорлар, дарё қолдирган ўзанларда бунёдга келган хилма-хил балиқларга тўла қамишзор кўллар шу ўлканинг яқин-яқин замонлардаги қиёфасини кўрсатар эди. Ўша даврда Хоразм ва бутун Ўрта Осиё иқлими ҳозиргига нисбатан анча нам бўлган.

Бундай табиий ҳолат узоқ ўтмишда ибтидоий одамларнинг яшаши ва илк цивилизациялар пайдо бўлиши учун анча қулай бўлган. Шу сабабдан хоразмликларнинг энг қадимги аждодлари болалик, яъни ибтидоий тузумни ўз замонасига хос бир шароитда босиб ўтиб, антик даврдан Мағрибдан Машриққача машҳур буюк сиймолар, жасур саркардалар, ноёб санъат яратган юксак маданиятли давлат бунёд қилганлар.

Ҳозирги Хоразм воҳаси, инсон тарихи бошланишидан илгариги даврга нисбатан анча фарқ қилади! Орол денгизи қуримасдан олдинги Ўрта Осиё харитасига бир назар ташлайлик. Минтақада Помир тоғларидан бошлаган ва бутун жониворларга чинакам ҳаёт бағишлаган икки дарё Аму ва Сир бир вақтлар Орол денгизига тўлиб тошиб қуйилиб турганлиги ва қуйи оқимида гўзал воҳа мавжуд бўлганлиги кўзга ташланади. Учбурчак шаклли яшил рангдаги воҳа икки томондан Қизилқум ва Қорақум даштлари исканжасига олинган, шимолий-ғарбий томондан Устюрт ясси тоғи бўйлаб денгиз сувлари билан ювилиб турган, жанубий-шарқий қисмида унча баланд бўлмаган Султон Увайс тоғлари қад кўтарган, қовжираб ётган Султон Санжар баландликлари узоққа чўзилган. Амунинг ўнг соҳили бўйлаб Қипчоққа яқинлашган сайин Қоратов тизмалари, ундан сўнг дарёнинг чап соҳилида Жумуртов ва Кубатов тепаликлари ўзига хос гўзал манзарани намоиш қилади.

Хоразм воҳаси асли учта узвий боғлиқ манзарани кўз олдингизда намоён қилади: биринчидан, аллювиал серунум тупроқ жуда кенг территорияни эгаллаган, дашту-биёбонлар айрим жойларда учрайдиган текис тақирликлар ва баланд-паст адирлар, дарёнинг ўнг соҳили бўйлаб чўзилган Шоббозга етгач тонг шуъалари қад кўтараётган Султон Увайс чўққилари Қизилқум уюмлари билан чатишиб кетганлиги; иккинчидан, инсоннинг кўп асрлик меҳнат фаолияти туфайли яратилган кўркам боғу-роғлар, кўшқу-биёбонлар, шаҳар ва қишлоқлардаги қадимий ва замонавий бинолар, онда сонда учрайдиган кўнгирали баланд девор ҳовли олдида теварагида баланд чўгирма шаклида серсояли гужум (сада) дарахти экилган ҳовузлар, шаҳарликлар чиқиб дам оладиган гўзал ёз-ёвонлар; учинчидан, бутун воҳага гўё қон томирларидек дарёдан бошланган сунъий каналлардан тарқаган катта-кичик ёб (ариқ) ва солмалар, экин далаларига ҳаёт бағишлаб турган ариқ олдида шилдираб оқаётган сувлар, ариқларнинг этакларида тўпланган балиқларга тўла кўл ва кўлча-лар.

Маълумки Хоразм воҳаси Ўрта Осиёнинг энг катта дарёси Амударё ҳавзасида жойлашган. Бу ҳавза жуда ҳам кенг бўлиб, эллик минг квадрат километрга яқин майдонни ишғол қилиб келган. Уни ғарбда Устюрт тепалиги, шарқда Султон Увайс тоғи ҳамда Қизилқум, жанубда ва жануби-ғарбда Қорақум саҳролари ўраб олган.

Ҳавзанинг шимолий томонларида яқин даврларгача Орол денгизи тўлқинлари урилиб турар эди. Амударё ҳавзаси бутун Евроосиёда энг катта ҳавза бўлиб, Волга ҳавзасига нисбатан уч ярим ҳисса, қадимги Нил ҳавзасига нисбатан икки ҳисса кўпроқ майдонни эгаллаган. Ўлка тупроғи унумли бўлиб, деҳқончилик учун жуда ҳам қулай. Бу ҳудуд иқлими эса Ўзбекистоннинг бошқа ерларига қараганда кескин континентал иқлим ҳисобланади. Яъни ёзи жуда иссиқ, қиши эса анча совуқ келади, ҳатто кечки ҳарорат билан кундузги ҳарорат ўртасида ҳам анчагина фарқ бўлади.

Бетайин ва инжиқ иқлимли Хоразм табиати ўзининг қуруқлиги, ҳаётбахш Амударё сувининг лойқалиги билан маҳаллий аҳолига асрлар давомида бир қатор қийинчиликлар туғдирган. Бинобарин, узоқ ўтмишда пайдо бўлган Хоразм деҳқончилиги Ўрта Осиёнинг

бошқа ҳудудларига нисбатан анча кўп меҳнат талаб қилар эди, дайди Аму оқими маҳаллий аҳолига қўшимча ташвиш ва хавф туғдириб турган, унинг лойқалари сув иншоотларини саёзлантириб юборган.

Хоразм воҳасида яшовчи халқлар тер тўкиб вояга етказган гўзал ўлкасини чин қалбдан севиб ва уни ўз ижодида дoston қилиб куйлаб келмоқда. Бундай афсонавий ўлкани Буюк Ипак йўли чорраҳасида юксак маданият яратган қадимий давлат, ноёб санъат, улуғ сиймолар ва саркардалар Ватани бўлиб жаҳонга танилиши табиийдир.

Машҳур Хоразм экспедициясида иштирок қилиб, библи олган энг муҳим илмий хулосаларимдан бири, барча ёзма, оғзаки афсона ва ривоятларда Хоразмликлар шажараси ниҳоятда узоқ ва мураккаб тарихга эга эканликлари ва катта авлиёлар билан боғлиқлиги бўлди. Масалан, ажойиб тарихчи, олий насаб ва тожу тахт соҳиби Абулғозихон ўзининг «Шажарий турк» номли асарида Хива хони ажодларини келиб чиқишини илк пайғамбар даври, ҳатто Одам сафиоллоҳгача олиб боради.

Нафақат Абулғозихон, Огаҳий, Баёний, Мунис ва бошқа маҳаллий тарихчилар ёзиб қолдирган ноёб қўлёзмаларини ва тарихий оятларни ўқиб, ўрганиб, Қизилқум ва Қорақум бағрида кўмилиб ётган обидаларни, юзлаб баҳайбат кўҳна қалъаларнинг харобаларини текширишга муяссар бўлган Хоразм археология-этнография комплекс экспедиция билан босиб ўтган йўлларим ва қазилма ишларида жазирама иссиқда қатнашган унутилмас талабалик ва аспирантлик чоғларимни доимо эслайман.

Этнограф ва тарихчи сифатида жонкуярлик билан халқимиз ўтмишига катта эътибор бераётган юртбошимиз Ислom Каримовнинг одилона қайд қилган фикрини тўла қувватлайман: «Тарихимиз каби, — дейди у, — қадим маданиятимиз яратилишида ҳам кўплаб этник гуруҳлар, элатлар ўз улушларини қўшган. Бу табиий ҳол. Чунки, ҳеч қачон, ҳеч қерда фақат битта миллатга мансуб маданият бўлмайди. Ҳар қандай цивилизация кўпдан кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир». Бундай муҳим илмий хулосаларни нақадар тўғри эканлигини кўп йиллик Хоразм экспедициясининг самарали натижалари исботлаб беради.

Хоразмликлар тўғрисида ҳам оғзаки ва ёзма манбаъларда камина иштирокида экспедиция ходимлари тўплаган ниҳоятда бой ҳам хилма-хил афсона ва ривоятлар мавжуд. Шуниси қизиқки, мазкур маълумотлар археологик кашфиётлар ва этнографик тадқиқотлар билан асосан тўғри келади. Ўз қулоғим билан эшитиб, тарихий асарлардан ўрганиб, қазилмалардан топилган ашёларни ва иншоотларни қиёс қилиб Хоразмда яшаган аجدодларимизнинг этномаданий тарихини тиклаш мумкинлигига тўла ишонч ҳосил қилганман. Мисол тарзида X асрда яшаган атоқли араб географи Мақдисий асарларида келтирилган, халқ орасида кенг тарқалган қадимий бир афсона диққатга сазовор.

Мақдисий хоразмликларнинг келиб чиқишини қуйидагича ҳикоя қилади: «Қадим замонларда Шарқ подшоҳи ўз мамлакатида яшовчи 400 га яқин кишига нисбатан дарғазаб бўлиб, уларни аҳоли яшайдиган жойдан 100 фарсах ерга элтиб қўйишни буюради. Кос (Қадимги Хоразмнинг маркази, ҳозирги Қорақалпоғистондаги Беруний район маркази — И. Ж.) ана шундай узоқ жой ҳисобланган. Бир неча вақт ўтгандан кейин подшо ўша одамлардан хабар олиб келишни буюради. Подшо одамлари келиб, уларнинг ҳаммаси ҳаётлигини, чайла қуриб балиқчилик билан кун кечираётганликларини кўради. Бу ерда ўтин ҳам кўп экан. Подшо одамлари қайтиб кўрган билганларини тасвирлаб берганларида подшо: «Улар гўшти нима дер эканлар?», — деб сўрабди, — «Хор» (ёки хвар) деб жавоб берибдилар. У яна: «Ўтинни-чи?» — деб сўрабди. Улар «разм» деб жавоб қилибдилар. Кейин подшо: «Ушбу мавзени шуларга тақдим қилдим. Уни Хоразм (хваразм) деб аталсин» — дебди. Ҳамда уларга 400 та турк қизларини олиб бориб тўй қилиб беришни буюрибди. Шу тарзда афсонавий ўлка пайдо бўлган эмиш.

Бу афсонадан хоразмликларнинг келиб чиқишида ҳар хил қабила — уруғларнинг аралашганлиги ва уларнинг хўжалик фаолияти ибтидоий даврдаги калтаминорликлар маданиятига ўхшашлиги афсонанинг қимматини анча орттиради.

Хоразмликлар тўғрисида мавжуд эртақ ва ҳикояларда келтирилган маълумотлар гарчи афсонавий характерга эга бўлса ҳам, Амударё воҳасининг аҳолиси турли уруғ-аймоқлардан ташкил топганлигидан дарак беради. Хоразм ҳудудида ўтказилган археологик ҳамда

палеоантропологик текширишлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Атоқли антрополог Т. А. Трофимова ибтидоий ва антик даврга оид бўлган калла суякларни текшириб, қадимги хоразмликларнинг тузулишида бир томондан Яқин Шарқ ва Шимолий Ҳиндистон, яъни дравидоидлар қўшимчаси борлигини исботлаб берди. У хоразмликларнинг антик даврдаги антропологик тузилишида ўрта асрларнинг охирида шу воҳада яшаган ўзбек, қорақалпоқ ва туркманларнинг ирқий жиҳатдан бирлигини қайд қилади. Ирқи, келиб чиқиши, дини, маданияти ва маънавияти бир бўлган қадимий цивилизация яратган Ўрта Осиё халқларининг неча минг йиллар давомида бирга бунёд қилган сон-саноксиз тарихий обидалар минтақада яшовчи барча элатларнинг тақдири бир эканлигини ёрқин ва ишончли далилидир.

Қадимий Хоразм ҳали Буюк-Ипак йўли кашф этилмасидан минг йиллар аввал сув ва қуруқлик орқали Европа ва Шарқ билан, Сибир ва Жанубдаги юксак маданият марказлари билан алоқадор бўлган. Бу ерда жаҳон маданият марказлари Қораденгиз бўйи, Критмикен (эллин), Мохенджаро (Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон ва Жанубий-Шарқий Эрон) ва Хитой қадимий маданиятлари чатишиб кетган. Фарб ва Шарқни боғлаб турган икки буюк сув магистрали Аму ва Сирдарё бўйлаб, Қизил ва Қорақум саҳролари, Султон Увайс тоғ тизмалари этаклаб ўтган карвон йўллари Ўрта Осиёда, жумладан Хоразмда, қадимий даврлардан деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланишида, илк давлатлар ва шаҳарларнинг пайдо бўлишида, цивилизацияни юксалишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Археологлар кашф этган ибтидоий маконлардан Калтаминор, Сувёрган, Тозабоғёп ва Амиробод маданиятлари бирин кетин алмашилиб эрамиздан аввалги I минг йилликларга келиб Хоразмда антик давлатларнинг пайдо бўлишига замин яратган. Биринчи жаҳон дини зардуштийликнинг ватани ҳисобланган Кўҳна Хоразм Ўрта Осиё халқлари билан нафақат иқтисодий-сиёсий, балки маънавий жиҳатдан ҳам ўзаро яқин алоқада бўлганлигини тасдиқлайди. Олд Осиёда эрамиздан аввалги I минг йиллик ўрталарида юзага келган яҳудийлар дини иудаизм ва христианликнинг ақидаларига таъсир қилган оташпарастлик калимаси Авесто ғоялари мазкур

динларнинг муқаддас китобларида ўз ифодасини топган зардуштийлик (маздаизм) таълимоти бўлиб, Ғарб ва Шарқни боғлаб турган муҳим ҳалқа Хоразм эканлигини исботлайди. Маданий алоқалар ва этник жараёнлар ҳам қадимги Хоразмни шимолда Сибир билан, Жанубий шарқий томондан Ҳинд океани, жанубда Форс бўғози, жануби ғарбда Қизил денгиз ва Араб ярим ороли билан боғлиқлиги тадқиқотлар орқали аниқланган. Аҳамонийлар даврида Дорий I подшолигида эрамиздан аввалги 490 йили Юнон Афина давлатига қарши юришда хоразмликлар суғдийлар ва бактрийлар билан иштирок қилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки Дорийнинг юришлари асли жаҳонда ўз ҳукмронлигини ўрнатип, Кичик Осиёда савдо йўллари ва бозорларини қўлга киритиб жаҳон савдосига эга бўлиш асосий мақсади бўлган. Ўша вақт олтин тангаларни подшо, кумуш тангаларни маҳаллий ҳокимлар босиб чиқаришга ҳақли бўлган. Пул муносабатларини яхши йўлга қўйилиши, буларнинг юқори даражада жиҳозланиши, катта бозорлар ва ярмаркалар ўтказиладиган шаҳарларнинг мавжудлиги халқаро савдо кенг ривожланганлигидан дарак беради. Дорий I ва Кир номли Эрон подшолари даврида босилган олтин тангалар бутун Ўрта Осиёда тарқалганлиги тўғрисида тарихий манбаларда хабарлар мавжуд.

Ёзма манбалар ва археологик тадқиқотларга қараганда эрамиздан аввалги I минг йиллик бошларига келиб, айниқса VI—IV асрларга оид Хоразмда мустақамланган қасрлар ва қалъалар кўп учрайди. Қумлар орасида қад кўтарган Кўзалиқир ва Қалъалиқир каби қаср шаҳарлар оралиғида ҳар 25—30 км. масофада карвонсаройлар, сардобалар ва бошқа қадимий карвон йўлларида жойлашган обидаларни Хоразм воҳасида ва унинг теvarак атрофида археологлар қўплаб топганлар. Демак, ўша даврда бу ўлкада шаклланган давлат тузumi мавжуд бўлган. Худди шундай йўллар орқали эрамиздан аввалги 328 йилда Македониялик Искандар макон тутган Зарияспга Хоразм шоҳи Фарасман юборган элчилар ташриф буюрган. Улар Искандарга дўстлик, иттифоқ ва ёрдам таклифларини изҳор қилганлар. Бу даврга оид Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Қўрғошинқалъа, Қирққизқалъа, Тупроққалъа каби йирик обидалар канал(ариқ)лар билан ўзаро боғлиқ умумий бир линияни ташкил қилганлар. Археологлар мазкур обидалар-

дан Қораденгиз бўйи (Оливия ва Керчда), Ҳиндистон, Сурия ва Мисрдан келтирилган ҳар хил тақинчоқларни топганлар. Масалан, Бозорқалъадан топилган мўйинчоқлар ассортименти хоразмликларнинг ташқи савдо алоқаларининг кенг ривожланганлигидан дарак беради. I—IV асрларда Кангюй (Хоразм) подшоси расми тасвирланган тангаларнинг узоқ ўлкаларда топилиши, хитой манбаъларида кўрсатилганидек, жуда кўп шаҳар ва қишлоқларнинг борлиги ҳамда уларнинг қарвон ва почта йўлларининг Қораденгиз бўйлари ва жануби-шарқий Ҳиндистон билан боғлиқ бўлганлиги Буюк Ипак йўли чорраҳасидаги бой давлат мавжуд эканлигини исботлайди.

Ўзбек давлатчилиги ва давлат тузуми Ўрта Осиёнинг туб аҳолиси яшаётган ҳудуддаги антик замонларда юксак маданият яратган хоразмликларнинг тарихи билан узвий боғлиқ бўлган. Жамият тарихининг ҳар бир босқичи айрим халқ ва элатлар ўзига хос моддий ва маънавий маданияти заминида муайян қонун-қоидалар тизимини, оилавий ва ижтимоий турмуш, урф-одат ва расм-удумлар тартибини ишлаб чиққанлар. Ўзбек халқининг ниҳоятда хилма-хил ва ранг-баранг тарихий меросининг таркибий қисми ҳисобланган кўҳна Хоразм ҳам жаҳон цивилизациясига зўр ҳисса қўшган қадимий давлатлардан бири бўлган.

Кўп йиллик тарихий-археологик ва этнографик изланишлар туфайли Аму ва Сир ҳавзаларида қаниф этилган обидаларни ўрганиш натижасида тўпланган материаллар, бизгача етиб келган битиклар ва ёзма манбаълар асосида асли Хоразм давлатчилиги ришталари бронза (жез) даврига, яъни эраиздан аввалги III—II минг йилликларга боради, деб фараз қилишга имкон беради. Машҳур сиймо Беруний асарлари, «Авесто» ва бошқа манбаъларга қараганда бу ерда илк давлат афсонавий сиёвушийлар сулоласи давридан, яъни уч минг йиллар муқаддам пайдо бўлган. Аммо мазкур давлат тизими мулкчиликнинг юзага келиши, ибтидоий жамиятда табақаланиш натижасида социал тенгсизлик туфайли патриархал типигаги ўзига хос шарқона давлатчилик шакллана бошлайди.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки Хоразмда Буюк Хоразмшоҳлар империясининг охиригача икки минг йил давомида фақат иккита сулола—сиёвушлар ва афригийлар ҳукмронлик қилган давр жаҳон тарихида кам учрайди—

ган воқеа. Бундай ҳолат моддий маданият намуналарида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, Хоразм қишлоқ манзилгоҳлари ва турар жойларини афригийлар даври (эрамининг бошларидан мўғуллар истилосигача), яъни биринчи минг йилликдаги тарихини ўрганиш натижасида ер эгаллиги ва мулкчилик эволюциясини, хоразмликларнинг меъморчилик ва бинокорлик техникасининг теран илдиэларини аниқлаш имконига эга бўлди. Шуниси қизиқки, қишлоқ турар жойларини режалаштиришнинг деярли минг йилдан ортиқ давр мобайнида барқарор сақланиб ҳозиргача етиб келиши оила шакллариинг, кўп кишилик оила жамоаларини ва маҳаллачилиқ анъаналарининг эволюцияси этногенетик жараёнларнинг давлатчилиқ билан боғлиқ эканлигини аниқ исботлаб беради.

Мазкур жараён жуда кенг ҳудудга тарқалган кўп асрлик маданий-маънавий умумийликдагина эмас, балки аҳолининг этник бирлигида ҳам ўз изини қолдирган. Буюк шарқшунос олим В. В. Бартольд VIII асрдаги Хоразмни назарда тутган ҳолда шундай деб ёзган эди: «Араблар бу ерда атрофдаги вилоят аҳолисидан кийимкечаги билан ажралиб турувчи ҳамда бошқаларга тушунарли бўлмаган ва ёзма ҳужжатларда ҳам ишлатиладиган алоҳида тилда гаплашувчи ўзига хос аҳолига дуч келдилар». Бундай ўзига хослик Хоразм давлати тизимида ҳам ўз ифодасини топган ва расмий ҳужжатлар ҳам бадиий ижод намуналари маҳаллий тилда ёзилганлиги билан намоён бўлган. Беруний ҳам ўзининг илмий фаолиятида она тилидан фойдалана олмаганлигидан афсусланганлигини айтади.

Мўғул истилоси арафасида Хоразмда шаҳар маданияти гуркираб ўсган. Ёзма манбаълар ҳам, археологик қазиишлар ҳам бундан далолат беради. Урганч, Хива каби йирик шаҳарларда янги меъморий иншоотлар қад кўтарган, янги масжид ва мадрасалар қурилган, карвонсаройлар барпо этилган, қалъа деворлари таъмирланган. Аммо, тадқиқотчилар қайд қилганидек, «бутун Ўрта Осиёдаги каби, Хоразмда ҳам VII—XII асрларда шаҳарлар янгиларини қуриш ҳисобига эмас, балки, асосан эскиларини тиклаш ҳисобига ривожланди. XI—XII асрларда воҳа сарҳадларида қалъалар жадал қурилганлиги, янги шаҳарлар бунёд қилинганлиги археологик жиҳатдан қайд этилган. Бироқ янги шаҳарлар майдони катта бўлмаган». Шундай бўлсада, археологларнинг

сўнги тадқиқотларидан маълум бўлишича, бу қалъалар атрофида камида 1—1,5 км. кенгликда анча зич ҳовли-жойлар қурилган, улар алебастр ва сирли кошин билан безатилган. Мўғул истилоси келтирган вайроначиликдан қаддини кўтарган Хоразм давлатида осойишталик ва барқарорлик бўлганлиги учун Олтин Ўрда хонлиги даврида ҳам, мустақил Хива хонлиги ўрнатилгандан сўнг ҳам янги қалъалар, карвонсаройлар, турар жой (ҳовли)лар анча жадаллик билан қурилган, деҳқончилик ва ҳунармандчилик ривожланган. Кейинги Рус мустамлакачилиги воҳанинг иқтисодий-ижтимоий ўсишига жиддий путур етказган эди. Совет даврида ўрнатилган янгича мустамлакачилик сиёсати ҳам ўлка аҳолисининг ҳар томонлама равнақ топишига, унинг табиий қобиляти ва истеъдодини тўла намоён қилишга имконият бермади.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилиниши билан нафақат бутун Республиканинг, балки ҳар бир вилоят, алоҳида шаҳар, ҳатто қишлоқнинг иқтисодиёти, маданияти, турмуши ва маънавияти ривожланишида янги босқич бошланди. Мустақиллик йиллари миллий давлатни, ғоявий-сиёсий бўшлиқни йўлга қўйиши, миллий ўзликни англашнинг ўсиши, асрий маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қайта тикланиши маданият ва маърифатнинг замонавий услубда юксалиши даври бошланди.

Мустақиллик йилларида бутун Хоразмда давлат амалга ошираётган буюк ислохотлар туфайли саноат ишлаб чиқаришни янгилаш ва ривожлантириш учун моддий-техник асос яратилди. Инвестиция дастури амалга оширилмоқда. Янги замонавий корхоналар бунёд этилмоқда, эскилари қайта қурилмоқда ва янги технология асосида йўналиши ўзгартирилмоқда ҳам янги тармоқлар вужудга келтирилмоқда. Масалан, Хивадаги замонавий технология билан жиҳозланган «Хива гилами» фабрикаси ҳар йили 1 миллион 700 минг квадрат метр гилам буюмлари ишлаб чиқаради. Қадимий анъаналарни янгича технология негизида қайта тиклаган маҳаллий кулоллар, мисгарлар ва тўқувчилар тайёрлаган буюмларнинг шуҳрати оламга кетган. Бозор муносабатларига ўтиш вилоятда нафақат саноатда, қишлоқ хўжалигида ҳам хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

Изчиллик билан давлат амалга ошираётган қишлоқ

хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар туфайли вилоятда 50 дан зиёд давлат хўжаликлари мулкчилик шаклини ўзгартирди, 110 дан ортиқ чорвачилик фермаси акционерлик жамиятига айлантирилди. Ҳозир Хоразмда мингга яқин деҳқон фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар ишни хўжалик юритишнинг замонавий услубларида олиб боришга интилмоқдалар.

Ёш демократик давлат олиб бораётган изчил социал сиёсат янги ижтимоий муносабатларни шакллантириш ҳамда одамлар онгини ўзгартиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Вилоятда фақат маблагларининг 40 фойизидан зиёди аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларига, чунончи илм-маърифатга, соғлиқни сақлашга, маданиятга, ҳар хил нафақаларга сарфланмоқда. Ҳозир Хоразмда 320 умумий таълим мактаблари ҳамда лицейларида 300 мингга яқин ўқувчи, 32 ҳунар-техника билим юртида ва еттита махсус ўқув юртида 18 мингдан зиёд йигит-қиз таълим олмоқда.

Мамлакатни ислоҳ қилишнинг янги босқичида мустақил Ўзбекистоннинг ёш давлати олдида турган асосий вазифалардан бири маънавий жиҳатдан бой инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, ахлоқий ва маънавий жиҳатдан янги авлодни миллий мафкура ғояларига мувофиқ садоқатли қилиб тарбиялаб етиштиришдан иборат. Хоразм вилояти раҳбарияти, унинг зиёдилари ва барча аҳолисининг бутун фаолияти айти шу олижаноб вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик ришталари	11
Антик маданият, шаҳар ва қалъалар яратган давлат	33
Қадимий хоразмшоҳларнинг ҳомий авлиёлари ва маъбудалари . .	59
Минг йиллик сулола ва буюк хоразмшоҳлар шажараси	80
Машҳур сиймолар, жасур саркарда ва шаҳзодалар тақдири	108
Ипак йўли чорраҳасидаги кўҳна давлат	131

БУЮК ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ

(Қадимий тарих саҳифалари)

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 1999

Муҳаррир *Г. Зокирова*
Рассом *Х. Зиёхонов*
Техник муҳаррир *Л. Хижова*
Мусахҳиҳ *Ж. Тоирова*

Теришга берилди 29.11.1999. Босишга рухсат этилди 30.12.1999.
Бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли босма
табоғи 7,56. Нашриёт ҳисоб табоғи 8,61. Адади 4000 дона.
Буюртма № 4833. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси, 700083,
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.